

Зарофат ШАМУРАТОВА

Логопедия меъёрий талаффузга ўргатиш



Д А Д А О Н А А М Е Н

94.3(58) 293

200. 15

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

ЗАРОФАТ ШАМУРАТОВА

ЛОГОПЕДИЯ

МЕЪЁРИЙ ТАЛАФФУЗГА
ЎРГАТИШ

Тошкент
“NISO POLIGRAF”
2012

УДК 376.37

Шамуратова, Зарофат

Логопедия: мөтёрий талаффузга ўргатиш./ З.Шамуратова: Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги. — Тошкент: Niso poligraf, 2012. — 200 б.

Мазкур услубий қўлланма Ўзбекистонда миллий логопедия фанининг назарий асосларини яратган, фаннинг ривожига катта ҳисса қўшган олимларнинг илмий изланишлари ва шу соҳа вакилларининг олиб бораётган назарий ҳамда амалий билимлари натижасига асосланган. Боланинг нутқи унинг ёшига мос, ҳар томонлама мөтёрда ривожланишига аҳамият бериш ва камчиликларини бартараф этиш, масъулиятни ҳис этган ҳолда мавжуд қонун ва дастурлардаги талаб ва таклифлар асосида, назарий билимларни амалётда қўллаш натижасида қўйидаги услубий қўлланманни амалиётда фолиият олиб бораётган, азиз ҳамкасларимиз эътиборига ҳавола этамиш. Шунингдек ёш мутахассисларимизнинг назарий ва амалий билимларини яна-да мустаҳкамлайди, деган умиддамиз.

УДК 376.37
КБК 74.3 (5Ў)
Ш 21

*Педагогика фанлари номзоди,
профессор М.Ю.АЮНОВА таҳрири остида*

Такризчилар:

Д.А.НУРКЕЛДИЕВА, педагогика фанлари номзоди, доцент

Ҳ.Ж.КАЛБАЕВА, РТМ маҳсус таълим бўлими бош методисти

Ш.Ш.БОЛТАЕВА, 560-маҳсус МТМ логопеди

Мазкур қўлланма 2012 йилда Республика таълим маркази маҳсус таълим илмий методик кенгашининг 2-сонли ўтиғилиш қарори билан нашира готавсия этилди.

Муаллиф руҳсатисиз китобдан кўчириб босиш ман этилади.

Гувоҳнома № 3283 email: zaromax@mail.ru

Телефон: +99890-978-93-47, +99871-277-05-51

ISBN 978-9943-4046-1-8



© Зарофат Шамуратова, 2012.
NISO POLIGRAF, 2012.

ДАВЛАТИМИЗ КЕЛАЖАГИ

МУАЛЛИФДАН

Давлатимиз келажаги – бугунги кун ёшларидир. Юртимиз мустақиллігінің мустақамлаш борасыда олиб борилаётган ишлар, амалға оширилаётган дастурларнинг барчасыда ёш авлоднинг таълим-тарбияси билан боғлиқ масалаларга қаратылмоқда. Келажагимиз эгалари фарзандларимиз, ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб ривожланишида, ҳукуматимиз томонидан “Таълим тўгрисидаги қонун” қабул қилиниши, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, “Махсус таълим концепцияси”, улар асосида вужудга келган “Болажон” таянч дастури фикримиз далилидир.

Ўзбекистонда миллий логопедия фанининг назарий асосларини яратган, фаннинг ривожига катта ҳисса қўшган олимлардан педагогика фанлари доктори, профессор – Л.Р.Мўминов, педагогика фанлар номзоди, профессор – Р.Ш.Шомаҳмудова, педагогика фанлари номзоди, ТДПУ профессори – М.Ю.Аюпова, педагогика фанлари номзоди, ТДПУ профессори – В.С.Раҳмонова, педагогика фанлари номзоди – Д.А. Нуркелдиева ва бошқаларнинг илмий изланишлари натижаси ва шу соҳа олимларининг олиб бораётган назарий билимларига асосланиб боланинг нутқи унинг ёшига мос, ҳар томонлама меъёра бартарап этиш, масъулиятни ҳис этган ҳолда, юқоридаги қонун ва дастурлардаги талаб ва таклифлар асосида, назарий билимларни амалиётда кўллаш натижасида куйидаги методик кўлланманни амалиётда фаолият олиб бораётган азиз ҳамкасларимиз эътиборига ҳавола этамиз. Кўлланма уч бобдан иборат бўлиб:

Биринчи бобда товуш ҳақида тушунча, товушларни сўзларда мустақамлаш, меъёр ҳосил қилиш жараёнинг кўйиладиган талаблар, нутқ аппарати камчиликлари, умумий артикуляция машқлари ва зондлардан фойдаланиш берилган.

Иккинчи бобда меъерий талаффуз, нотўғри талаффуз турлари ва меъёр ҳосил қилиш усуллари; меъёра ҳосил бўлган товушни бўғинларда ва сўзларда мустақамлаш, луғатни бойитиш учун маҳсус материаллар берилган.

I БОБ ТОВУШ ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Табиий күзга күрінмас ҳолатларни биз ҳис қилишга ҳаралат қиласыз. Товуш ҳам күрінмас бўлиб, эшишиш, тушуниш яъни англаш ва ҳис қилиш орқали ҳаётимизда мавжуд. Биз нутқ орқали хоҳиш ва мақсадларимизни, ўз фикр мулоҳазаларимизни ўзгаларга етказамиз ва жамиятда ўз ўрнимизни топамиз. Шаклланмаган нутқ инсон шахсининг тўлиқ ривожланишига тўқсунлик қиласи.

Ҳар бир товушнинг алоҳида ўз меъёри мавжуд бўлиб, меъёрига етказмасдан талаффуз қилинган ҳар қандай нотўғри товушни тингловчи аниқ пайқайди. Товушларнинг нотўғри талаффузи натижасида гап мазмуни ўзгариб кетади, сўзловчанинг мақсадини тингловчи тушунмаслиги мумкин. Товушларнинг меъёрдаги талаффузи ҳаётимизда муҳим ўрин эгаллайди.

Ҳар бир фонемани яъни товушни алоҳида талаффуз қилиш учун лаб, тиш, тил, жаф, бўғиз, овоз унпайчалари ва ўпкадан чиқаётган ҳаво оқимининг ўз меъёри бўлиб, ҳар бир товуш талаффузининг ўзига хос ҳаракати натижасида вужудга келади.

Ёш болалар ривожланиб ва шаклланаб борар экан шу жумладан, уларда товушларни талаффузи ҳам шаклланади. Ҳар қандай бола биринчи сўзини ноаниқ, баъзи товушлар ўрнига бошқасини қўллаб илк бора атрофдагиларга мурожаат қиласи. Кундан-кунга тўғри нутқни ўзлаштирган бола меъёрда 4,5-5 ёшга етганида нутқи тўлиқ ривожланган ҳисобланади. Ушбу ёшгача бўлган боладаги нотўғри талаффузни факат тақлид орқали ривожлантириши зарур. Чунки 2,5 – 3 – 4 ёшли боладаги нотўғри талаффузнинг асосий сабаби анатомик ўсиб ривожланмаганлик бўлиши мумкин. Яъни тил мускулларининг шаклланмаганлиги, жаф тишларининг ўсмаганлиги, лабларни керакли ҳолатга келтира олмаслик вақтингчалик сабаб бўлиб, бола ўз ривожланиши жараённида меъёрга келиши учун тақлид усулидан фойдаланиш кифоя.

Нутқ камчиликларини услубий меъёрга келтириш 5 ёшдан бошланади. Аммо эшишиш қобиляти меъёрда бўлганда, нутқ

аппаратида жисемий камчиликлари бўлганда ишни ёртароқ бошлаш мумкин. Масалан реноламияда.

МЕЪЁРИЙ ТАЛАФФУЗГА ЎРГАТИШ БОСҚИЧЛАРИ

1. Болаларни меъёрий талаффузга ўргатини якка тартибла олиб борилади. Логонед, бола билан ўзаро ишонч ва иллиқ муносабатни яратишни зарур. Мутахассисга нисбатан бўлган боладаги ишонч, меъёрий талаффузга ўргатишнинг асоси ҳисобланади. Боланинг толиқиб қолмаслигини таъминлашда машқларни мажбурий бажартирмаслик муҳим.

2. Сўнгра нутқ аппаратининг камчиликларини текшириш ва аниқлаш босқичига ўтиш мумкин.

3. Боланинг луғат бойлигини текшириш ва нутқдаги товушлар талаффузини аниқлаш босқичида ҳар бир бола учун шахсий дағтар тугиб, товушлар талаффузидаги камчиликларини белгилаб қўйиши, олиб борилаётган иш жараёнини дафтарга қайт этиш зарур. Нотўғри талаффузга сабаб бўлаётган ҳолатларни аниқлаб ишни режалантириш муҳим.

4. Умумий артикуляцион машқлар ичидан бола нутқида ҳосил қилинини керак бўлган товуш учун меъёрий талаффузни талаб қиласидан тил, лаб, тищ ҳолатлари ҳаракатини ҳисобга олган ҳолда танлаш босқичида ҳар бир болага индивидуал ёндашиш керак.

5. Махсус машқлар ва керакли усувларни қўллаш йўли билан меъсрдаги товуш ҳосил бўлиши натижасида товушни соф ҳолатда узоқ муддат чўзиб талаффуз қилиш босқичига ўтилади.

6. Соф ҳолатдаги товушни унли товуш билан қўшиб талаффуз қилиш босқичи бир нечта машқулотни ўз ичига олади.

7. Товушларни сўзларда мустаҳкамлаш босқичига алоҳида аҳамият бериш зарур. Бола нутқида “З” товушини меъёрий ҳосил қилинса-ю “Л” ва “Р” товушлари талаффузи бузилган бўлса, “З” товушини луғатда мустаҳкамлаш учун сўзлар танланганда “Л” ва “Р” товуши интирокидаги сўзлар вақтинчалик болага берилемайди. Масалан: зар, зулук, зиязила, зум-

рат, зира. Бола луғатда мустаҳкамланаётгап сөз соф талаффузни талаб қылади. “Л” ва “Р” товушларни меңгерга келтирғандан сүнг ушбу товушлар интирокидаги сұздар луғатда мустаҳкамланаади. Бундай талаб барча товушларға таалуқлы. Бола луғатда мустаҳкамланаётгап товуш сөз бөнида, сөз ўртасыда ва сөз охирда қандай талаффуз қылнишига алоҳида ажамият беріб борилади.

8. Жумла ва гаплар, қоғиялы соф нұтқ машиқи, тез айтиш, топишмоқ ва шеърлар индивидуал ёндашувни талаб этади.

9. Тұғри талаффузни нұтқда фаоллаштириш учун нұтқ үстириши машүгүлтларидан фойдаланиш мүмкін.

МЕҢЁР ҲОСИЛ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИГА ҚҮЙИЛГАН ТАЛАБЛАР

Товушларнинг меңёрий талаффузи үстида иш олиб борилғанда, мавжуд нұтқ бузилишиарининг сабаб ва хусусиятларидан қатын назар, маңыум бир товуш талаффузидаги камчилик үстида иш олиб борилғанда, логопедик тәлдір босқичларининг қатый тартибига амал қилиш зарур.

Бола нұтқидаги камчиликтарни аниқлаш:

- умумий артикуляция машқуларини бажариш;
- нұтқда меңёр ҳосил қалиш үсуллары үстида ишлеш;
- ҳосил бўлган товушни мустаҳкамлаш, давомли ва аниқ талаффузга эришиш;
- товушни бўғинларда, сұздарда ва гапларда мустаҳкамлаш;
- дифференциациялаш;
- тұғри талаффузни нұтқда фаоллаштириши босқичларидан иборат.

Аниқ ва равон талаффузни, ҳосил қилинмаган товушни бўгинда ёки сўзда мустаҳкамлаш қатъиян ман этилади. Талаффуздаги камчиликтарни бартараф этиш жараёнида қўйидаги талабларга риоя қилиш зарур.

Бола нұтқидаги товушларнинг бир гурӯҳи бузилганда шу гурӯҳ ичидаги, талаффузи содда бўлган товуцдан иш бошланади. Турли фонетик гурӯҳларга оид товушлар талаффузи бу-

зиянда, масалан: сирғалувчи, иловқини ёки сонор товуналарда, иинни сирғалувчи товуналар түрүндөн бөлгөн зарур. Сонор товушлар устида иш олиб борилганда, анын «Л» товуни, сұнгра «Р» товуши устида иш олиб борылады.

ИККИ ТОВУШ БИЛАН ИШЛАШ

Бир вақтнинг ўзида товуны артикуляцияси бир-бириңа яқын бўлган лаб, тил, ҳаракатланиши таркиби ўхнани товуналар устида иш олиб бориш мумкин. Масалан: «С»ва «З» товуналар устида ишлани мумкин. Артикуляцион ҳаракатлар бир-бирига энд бўлганида икки товуш устида иш олиб борин қатъини ман этилади. Масалан, бир вақтнинг ўзида «З» товуний ва «Л» товуний ҳосил қилиш устида иш олиб борин мумкин эмас. «З» товуний тўғри артикуляция қисини учун тилнинг ўргасила «ариқча» ҳосил қилини зарур. «Л» товуний учун тилни тена тишилар тамон кўтариши манқ қисиниади. Бу ҳаракатларни болага бир манигулот вақтида манқ қизларини, эндижитни юзана келтиради ва товуни ҳосил бўлининини умумий ғормозланишини олиб келади.

Нафас олини аъзоларининг кўн кучланишини тараб қитувчи «Ш» ва «Р» товуналари устида, бир манигулотда иш олиб борин боланини гез чарчанинига, байсан боши айлананини олиб келиши мумкин. Манигулот вақтида логопед боланини ҳолатини назорат қилиши ва зарур бўлганда манигулотни тўхтанини зарур.

Якка тартибда ҳар бир бола билан ҳафтасига 3 тадан 5 тагача машгулот ўтказилади. Манигулотта ажратилиган вақт 10-15 дақиқадан ошмаслиги керак.

Тўғри талаффузни шакллантириши устида олиб боризадиган машгулотлар қатъий тартибига солинганда ва мунизам равинида олиб борилгандағына натижага эринилади.

НУТҚ АППАРАТИ КАМЧИЛИКЛАРИНИ АНИҚЛАШ ВА МЕҮЁРГА КЕЛТИРИШ

Нүкідаги нотұғри талаффузинің асесий сабабларидан бири нутқ аппаратидеги камчиліклар ҳисобланады. Лаб, тин, тил, жағ, таңгай, юмшоқ таңгай, овоз, унпайчалары. Бұғыз ва инхоят үпқадан чиқаёттән ұаво өкімнинең түрі йұналини бузилғандағы мезер ҳосил бўлиннида тұсқынлик қиласы.

Лаб – жарроҳлықдан сүнг чандық асорати өкібати бартограф этилмаганда, лабларнинг ҳаракатсызлиги, камчилік ҳисобланады. Лаб машқлариниң мунтазам бажарының, чандықлариниң массаж қылышы билан мезер қелтириледи.

Тин – тишиларнинг нотекис үсіши. 5-6 ёшлик болаларда олд тишиларнинг түкилиши, пастки ва юқориги тишиларни бир-бираға текис тушмаслығы, нотұғри талаффузға сабаб бўлади. Тиннеги камчиліклар аниқданғанда, ота-онага болани стоматологта кўрсантиш ва камчилигини даволатиш тавсия этилади.

Тил – тилнинг юмшоқлығы ва каттаптығы, оғизни тұлдырып турғанда ва шунан акси ингичка тил, ҳар доим юқори тишилар томониң кўтарилилган ҳолда бўлиши, тил фалажлиги камчиліктары. Куйида берилған тил машқлары мосиниң қўлларини билан мезер қелтириледи.

Тил ости юғанчаси – тил ости юғанчасининг қалтаптығы, қаттиқлығы, тилни эркін ҳаракатланишига тұсқынлик қилинчи камчилик саналади.

ТИЛ ОСТИ ЮҒАНЧАСИНИ ТЕКШИРИШ ЙЎЛЛАРИ


Текшириши турлари ва мезерий ҳолатта қелтириш үсууллари

Ҳар қандай нутқи ривожланмаган боланинг, тил ости юғанчаси текширилмасдан, стоматолог хирургга мурожат этиб кестириши қатыяп ман этилади. **Тил ости юғанчасини кестириши бола нутқини ривожланып майди.**

1-усул: Оғиз ва тиң очиқ ҳолада тил юқори тишилар томониң кўтарилилди. Юғанча мезеридан бўлғанда, тил ҳаракатига халақит бермайды, тил остила нозик парда кўринишіда бўла-


ди. Тил учи тепа тиш ва милкларга эркин ҳолда тақалиб туради 1-расм (а).

Тил юганчасини асосий текшириш усули: лаблари бир-бигига тегиб турган ҳолда тилни оғиздан ташқарига чиқариб, энгак томон пастга тушириш тавсия этилади. Логопед ҳаракатни ўзи кўрсатади ва болага тақлид қилишни таклиф қилалиди. Бола тилининг ҳаракатини кузатиш орқали аниқланади.



1-кўриниш: тил учи ингичка, пастга текис тушиб туради.- Меъёрий ҳолат 1-расм (б).


2-усул: Оғиз ва тиш очиқ ҳолатда тил юқори тищлар томон кўтарилади. Юганча таранг тортилиб туради. Бундай кўриниш юганчасининг бир оз калталиги бўлиб, тилнинг эркин ҳаракатланишига бироз тўскىнлик қиласи. Тил учи тепа тиш ва милкларга куч билан тақалиб туради 2-расм (а).



2-кўриниш: тил учи тўмтоқ ҳолатда пастга текис тушиб туради. 2-расм (б).

Логопед болага тоза ювилган бармоқлари билан тил остидаги тортилган юганчасини тебратишни ўргатади. Машқни боланинг ўзи бажариши муҳим саналади, юганчани тебратиш натижасида ёқимли ва ёқимсиз ҳолатни ўзи сезиши ва бошқариши муҳим. Логопед иш жараёнини назорат қиласиди. Машқлар узлуксиз ҳар куни бир маромда юганча меъёрий ҳолатга келгунча давом эттирилади.

3-усул: Оғиз ва тиш очиқ ҳолатда тил юқори тишлар томон кўтарилади. Тил остидаги юганча йўғон ва қаттиқ томир кўринишида бўлиб тилни юқори тишлар томон кўтарилишини ва эркин ҳаракатланишини чегаралайди. Тил учи тепа тишларга етмайди. Бундай ҳолатда боланинг ота-онасига стоматологга мурожат этиш тавсия этилади 3-расм (а).



3-расм.

3-кўриниш: тил учи оғиздан ташқарига қисман чиқади. Тил остидаги юганча йўғон ва қаттиқ томир кўринишида бўлиб тилнинг эркин ҳаракатланишини чегаралайди. Тил ўртаси тортилиб туради, иккига ажralган шакл кўринишида бўлади. Стоматолог аралашувидан сўнг тил машқлари бажарилади ва тилнинг эркин ҳаракатига эришилади 3-расм (б).

Жар – лунж мускуларининг ривожланмаганлиги нотўғри талафузга сабаб бўлади. Тил, лаб машқларини бажариш натижасида лунж мускуллари мустаҳкамланади. Машқлар қўйида берилган.

Танглай – танглайдаги ўзига хос камчиликлар юмшоқ танглайнинг ҳаракатсизлиги. Меъёр ҳосил қилишда тўсқинлик қиласди.

Аввало бола танглайнин тили билан массаж қилишга ўргатиш. Логопед жарроҳлик натижасида ҳосил бўлган чандикларни массаж қилиш ва қуида берилган машқлардан болага зарур бўлгандаридан фойдаланади.

Овоз – ун пайчаларининг кам ҳаракатлиги, овоз пастлиги, ўпкадан чиқаётган ҳаво оқимининг тўғри тақсимланмаслиги, яъни йўналтира олмаслик меъёр ҳосил қилишда тўсқинлик қиласди.

Ҳар бир товушни ҳосил қилиш учун алоҳида артикуляция машқлари зарур. Керакли тувушнинг меъёрини ҳосил қилишда, умумий артикуляция машқларидан танлаб олинади ва керакли товуш устида иш олиб борилади.

УМУМИЙ АРТИКУЛЯЦИЯ МАШҚЛАРИ

Нутқ аппаратини меъёрда ҳаракатга келтиришда лаб, тил, овоз, унпайчалари ва ўпкадан чиқаётган ҳаво оқими ни тўғри йўналтириш учун умумий артикуляция машқларидан фойдаланиш зарур.

Нутқидаги маълум бир товуш талаффуз меъёри устида ишланганда шу товушни ҳосил бўлиши учун керакли артикуляцион машқлари умумий артикуляция машқлари ичидан танлаб олинади.

Лаб учун машқлар:

Машқларни логопед болага кўрсатади. Бола тақлид қилган ҳолатда машқларни бажаради.

Лаблар имкон қадар жилмайган ҳолда 4-расм;

Лаблар имкон қадар йифилган ҳолда 5-расм;

Лабнинг жилмайиш ва йифиши тезлиги ошириб борилади.

Машқни овоз иштирокида бажариш, жилмайганда «и-и-и-и-и-и», лаблар йифилганда «у-у-у-у-у» унли товуши билан биргаликда талаффуз қилинади.

Лаблар ҳаракатининг тезлиги ва овоз тезлиги ортиб боради. Машқнинг давомийлиги 1-2 дақиқа.



а) Лаблар жилмайган ҳолда бир-бирига тегиб туради 6-расм.

б) Лаблар жилмайган ҳолда, тишлар кўринниб туради 7-расм.

с) Лабларни очиш ва ёпиш тезлиги ортиб боради
Машқ давомийлиги 2-3 дақиқа.



Тил учун машқлар:

Машқлар аввалига 2-3 марта бажарилади. Болада кўникма ҳосил бўлгач машқ бажариш тезлиги ортади ва ҳар бир машқ 6-8 марта гача такрорланади.

- a) Тилнинг лаблар орасидан чиқариш;
б) Тилни қайтиб кескин оғиз ичига тортиб олиш.
- а) Тилни лаблар орасидан чиқариб пастга, энгак томон чўзиш 8-расм;
б) Тилни қайтиб кескин оғиз ичига тортиб олиш 9-расм.



8-расм.



9-расм.

- а) Тилни бурун томонга юқорига кўтариш, 10-расм;
б) Тилни қайтиб кескин оғиз ичига тортиб олиш 11-расм.



10-расм.



11-расм.

- Тилни лабнинг ўнг бурчагидан чап бурчагига ҳаракатлантириш 12-13 расмлар.



12-расм.



13-расм.

5. а) Тил билан пастки лабни ялаш 14-расм;
б) Тил билан юқориги лабни ялаш 15-расм.



14-расм.



15-расм.

6. Тил билан лабларни айланма ҳаракатда ялаш, аввал ўнг томонга, сүнг чап томонга ҳаракатлантирилади 16-расм.




16-расм.

7. Тилнинг учини орқа томонга қаратиб оз-оздан тишлаш
17-расм.



17-расм.

8. Тил билан лунжни оғиз ичидан итариш ва айланма ҳаракат қилиш, аввал ўнг томонга, сўнгра чап томонга 18-расм.



18-расм.

9. Тил билан юқори тишларни олди томонидан артиш;

Тил билан юқори тишларни ички томонидан артиш;

Тил билан пастки тишларни олди томонидан артиш;

Тил билан пастки тишни ички томонидан артиш;


10. Тил билан танглайни артиш, танглай бўйлаб ҳаракатлантириш;

тилнинг танглайдаги ҳаракатлари:

— олдинга-орқага;

— чапга-ўнгга.

11. Тилни лаблар орасида чиқариб, шаклини «белкуракча» ҳолига келтириб, тил учига пуфлаш. Тил тебранишини ҳосил қилиш зарур 19-расм.



19-расм.

12. Лаблар чўччайган ҳолда тилни ён томонлари кўтарилиган, тил ўртасидан ариқча ҳосил қилиб тил учига уфлаш машқи. “С” ва “З” товушларини ҳосил қилиш учун бажарилади. 20-расм.




20-расм.

Машқлар бажарилгандага боланинг ҳолатини назорат қилиб туриш. Болани толиқиб қолишига йўл кўймаслик керак.

13. Тилни танглай томон кўтариш, чўзиб туриб пастга тортиш. Бу машқ орқали тил ости юганчаси чўзилади. Тилнинг тепага кўтарилиши ошади. «Отнинг тақиллаб» юришига тақлид қилинади. Бу машқни икки хил турда бажариш керак:

- лаблар жилмайган ҳолда бўлади, «отнинг тақиллаб» юришига тақлид қилинади;

- лабларни «о» товушининг талаффузи ҳолатида сақлаб, «отнинг тақиллаб» юришига тақлид қилинади. 21-расм:





21-расм.

14. Лаблар бир оз чүччайган, худди «ўрдак тумшуғи»га тақлид қилғандек, бўш ҳолатда тутиб, ўпкадан чиқаётган ҳаво оқими тил ва лабларни тебрантиради, яъни «отни тўхтатмоқчи бўлган отлиқдай», «ду-у-у-у-у-у» деган товуш ҳосил қиласи. Лаб ёки тил мускуллари таранг ҳолатда бўлса, машқни керакли ҳолатда бажариб бўлмайди.

Овоз унпайчалари учун машқлар:

Овоз унпайчаларининг тебранишини ошириш, ўпкадан чиқаётган ҳаво оқими йўналишини тўғрилаш учун умумий артикуляция машқлар.

Чўзиб, паст ва баланд оҳангда талаффуз қилиш машқи.

1) а-а-а-а-а-а-а-а-а-а-а

и-и-и-и-и-и-и-и-и-и-и

э-э-э-э-э-э-э-э-э-э-э-э

о-о-о-о-о-о-о-о-о-о-о-о

у-у-у-у-у-у-у-у-у-у-у-у

ў-ў-ў-ў-ў-ў-ў-ў-ў-ў-ў-ў

Икки унли товушни бирга талаффуз қилиш машқи.

2. ау-ау-ау-ау-ау-ау-ау

эа-эа-эа-эа-эа-эа-эа

яу-яу-яу-яу-яу-яу-яу

уэ-уэ-уэ-уэ-уэ-уэ-уэ

иа-иа-иа-иа-иа-иа-иа

уи-уи-уи-уи-уи-уи-уи

иу-иу-иу-иу-иу-иу-иу

аў-аў-аў-аў-аў-аў-аў

ио-ио-ио-ио-ио-ио

ўу-ўу-ўу-ўу-ўу-ўу-ўу

иу-иу-иу-иу-иу-иу-иу

ўэ-ўэ-ўэ-ўэ-ўэ-ўэ-ўэ

3. Чуқур тил орқа товушларини юзага келтирувчи машқлар:
- баланд овозда «х» товушига ургу бериб, «ҳо-ҳо-ҳо» бўғинини талаффуз қилиш; Тилнинг орқа томони тебранишини ҳис қилиш керак бўлади.
 - баланд овозда «қ» товушига ургу бериб, «қо-қо-қо» бўғинини талаффуз қилиш;
 - баланд овозда «ғ» товушига ургу бериб, «ғо-ғо-ғо» бўғинини талаффуз қилиш.

Машқлар бажарилганда боладаги керакли товушни ҳосил қилиши учун зарур бўлгани танланади.

ЯКУНЛОВЧИ МАШҚ

Артикуляция машқлари нафас олиш ва чиқариш машқлари билан якунланади.

Бурундан оҳиста нафас олиб, кўкрак қафаси ва қорин бўшлиғи кўтарилишини назорат қилиш керак.

Нафас доимо оғиздан оҳиста, шошмасдан чўзиб чиқарилади. Аввал қорин сўнг кўкрак қафасининг пасайинши ва ичга тортилишини кузатиш керак бўлади.

Нафас машқлари бир неча бор тақрорланади ва артикуляция машқлари якунланади. Боладаги қайси артикуляция аъзоси кўпроқ ҳаракатсиз бўлса, шу аъзога эътиборни қаратиш, товуш ҳосил қилиши учун керакли машқларни қўллаш зарур.

Артикуляция машқларининг ҳаммасини бир вақтнинг ўзида бақарши қаътиян ман этилади.

ЗОНДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Зондлардан нутқ бузилишининг оғир кўринишларида, тил фалажи, тил ҳаракатсизлиги, машқлар натижасида тил керакли маълум ҳолатларни эгаллай олмаслиги юзага келганида фойдаланилади.

Болани зонд билан таништириш, зонд ҳақида тушинча бериш ва болага кўрсатиш зарур. Болада зондга нисбатан қўрқув

ва ҳис ҳаяжон кучли бўлса, ўқчиш, кўнгил айнаши ҳоллари кузатилади. Бундай ҳолнинг олдини олмасдан бола билан иш олиб борилганда зондлардан фойдаланиш натижа бермайди.

Зондларни ишлатиш: Зондлар спиртга ботирилган пахта билан дизинфекция қилинади, яъни тозаланади ва ишлатилади, ишлатиб бўлиб ҳам дизинфекция қилинади.

- 1-зонд. Тилни оғиз ичидаги тинч ҳолатини сақлашда тилнинг ўртасига оҳиста босиб, болага тил ҳолатини ҳис қилиш тафсия этилади. Бола ўзидан нима талаб қилинаётганини тушиниши зарур.

2-зонддан бола тилининг учи юқорига кўтарилиган ҳолатда бўлса, тил учи машқулар натижасида эркин ҳолатда пастки олдтишларга тақалиб турмаса, тил учини бола онгли равишда тўғри йўналтириши учун фойдаланилади. Тил учини зонд билан оҳиста босилади, болага шу ҳолатни ҳис қилиш ва машқуни мустақил бажариш таклиф этилади. Бундай артиклияцион ҳолат «С» ва «З» товушини ҳосил қилишда кўлланилади.

3-зонддан «С» ва «З» товушининг меъёрий талаффузини ҳосил қилишда, бола тилининг ўртасидан ҳаво оқимини йўналтириш яъни «ариқча» ҳосил қилишда фойдаланилади. Оғиз очик ҳолатда, зонд тил ўртасига кўйилади ва оҳиста босилади, лаблар йиғилган ҳолда тил учи оғиздан озгина чиққан ҳолда. Зондни ишлатиш натижасида, тил ўртасидаги «ариқчадан» ҳаво оқимнинг тўғри йўналишини ҳосил қилишда фойдаланилади.

4-зонддан «Р» товушини ҳосил қилишда фойдаланилади. Оғиз бир бармоқ оралиғида очик, тил тепа тиш ва танглай томон кўтарилиган ҳолда. Бола шу ҳолатда «д-д-д-д-д» товушини талаффуз қиласи, логопед бола тили тагини 4-зонд билан тебратади.

Тебраниш натижасида «др-р-р-р-р-р» товуши ҳосил бўлади. Тебраниш ҳосил бўлгач зонд ўрнида боланинг ўз бармоғи билан тебранишни давом эттириш мумкин.


5-зонддан «Л» товушини ҳосил қилишда, тил учи юқори тишлар ва танглай томон кўтарилишда қийинчиликлар кузатилганда, яъни тил бутунлай юқорига кўтарила олмагандага 4-зонд билан тил тагидан кўтарилади. Баъзан шу зонд билан

тилнинг ўртаси ва устки қисмини босиб, тил учини юқорига кўтариш машқ қилинади.


6-зонддан «К» товушини ҳосил қилишда фойдаланилади. Бола тили оғиз ичкарисига тортилмагандан фойдаланилади. 6-зондни бола тилининг учига киргазилади ва болага «та-та-та-та» бўғинини такрорлаш таклиф этилади. Шу вақтнинг ўзида 6-зонд билан тил оғиз ичкарисига итарилади. Тил меъёрдаги ҳолатини эгалаганда «та-та-та-та» бўғини «ка-ка-ка-ка» бўғинига айланади.

Зондлардан имкон қадар қисқа муддат фойдаланиш керак. Бола тили билан керакли ҳолатни ҳис қилишда ёрдам кўрсатилади. Кейинги босқичда кўзгу рўпарасида меъёр ҳосил қилишдаги артикуляцияни мустақил эгаллаш машқларига ўтилади. Зондлар бола учун ёқимсиз муолажа эканини унутмаслигимиз зарур ва улардан меъёрида фойдаланишни тавсия этамиз.


Зондлар




-зәңгіл мөртвілдік




2-зонд




3-зонд



4-зонд



5-зонд



6-зонд

Тебраниң 5-зонд «п-р-р-р-р» буда-
лес. Тебраниң 6-зонд уринде подакшылду бирнеше
бідан тебраниңнан дағы этилриң мүмкін.

6-жидділ «Л» төвушінің 6-сонд күтінілдік, сол узақ зондлар
жоғары тақтадай болған күтіріліштің күйіннен шығарылған
жоғары жоғары тақтадай болған күтіріліштің күйіннен шығарылған
жоғары жоғары тақтадай болған күтіріліштің күйіннен шығарылған


П БОБ
МЕЬЁРИЙ ТАЛАФФУЗ ВА ТАЛАФФУЗ БУЗИЛИШ
ТУРЛАРИ
СИГМАТИЗМ

СИРГАЛУВЧИ «С» ВА «З» ТОВУШЛАРИ

«С» товушининг меъёрий талаффузи

«С» товушининг меъёрий талаффузи қўйидагича:

- лаблар жилмайган ҳолда;
- юқори ва пастки тишлар яқин жойлашган, бир-бирига тегмайди, 1 мм оралиқда очик.
- тил учи пастки олд тишларга ва милкка тақалган, тилнинг ён қисми бир оз кўтарилган, тепа жағ тишларга тегиб туради.
- тил ўртасида «ариқча» ҳосил бўлади, ўпкадан чиқаётган ҳаво оқими ҳосил бўлган «ариқча»дан ўтиб тиш орасидан сиқилиб чиқиши натижасида эркин ҳолда меъёрда «С» товуши ҳосил бўлади. «С» товуши талаффузида овоз унпайчалари иштирок этмайди.



«С» товушининг иотўғри талаффуз турлари

1. *Тишлараро сигматизми* товуш талаффузида, тил учи тишлар орасидан бир оз ташқарига чиқариб талаффуз қилинади. Бунда ясси чучук товуш ҳосил бўлади.

2. *Лаб сигматизми*. Тил нормал ҳолатда бўлиб, пастки лаб юқори олд тишга кўтарилади ва товуш чиқиш йўлида торайиш ҳосил бўлади. Бу тор жойдан ҳаво оқими сиқилиб чиқади, натижада «С» товуши ўрнига «С+Ф» товушини ичига олган бир товуш ҳосил бўлади. Шу боис, талаффуз соф бўлмайди, товуш тушунарсиз, ёқимсиз бўлиб қулоққа чалинади.

3. Тил олди сигматизми. Талаффуздаги бу нүксон қыйидагича. «С» товушини талаффуз қилаётганды тил учи нормал ҳолатда бўлса-да, устки ва пастки олд тишиларга тақалади. Натижада чиқаётган ҳаво оқимининг йўли тўсилади. Ҳаво оқими тиш орасидаги тўсиққа учрайди ва «С» товуши ўрнига «Т» товуши эштилади. Бола нутқида «С» товуши иштироқидаги сўзларни қийидагича талаффуз қиласди. Масалан: «суттут», «самолёт-тамолёт», «совун-товун».

4. Шовқинли сигматизм. Сигматизмнинг бу кўринишида товушлар қийидагича нотўғри талаффуз қилинади. Тил учи пастки олд тиш олдидан, оғиз бўшлиғи ичи томон тортилади. Тил ўртаси қаттиқ танглай томон кескин эгилади яъни, кўтарилади. Натижада «С» сирғалувчи товуш ўрнига юмшоқ қоришиқ «Ш» товуши ҳосил бўлади. Бола «С» товушлари иштироқидаги сўзларни қийидагича талаффуз қиласди. Масалан: «сутш’ут», «самолёт-ш’амолёт», «совун-ш’овун».

5. Ён сигматизм – ён сигматизмнинг икки хилдаги талаффузи мавжуд. «С» товушининг нотўғри талаффузи қийидагича.

1-талаффуз: тил учи пастки олд тиш ва милкка тақалади. «С» товуши талаффуз қилинганада тилнинг ўртаси кўтарилган ҳолатда ўпкадан чиқаётган ҳаво оқими тилнинг ён томонларидан чиқа бошлайди. Жаф мусқуллари бўшашади, тилнинг ён томонлари, тепа жаф тишилар томон кўтарилади. Натижада шўлпилловчи товуш чиқади.

2-талаффуз: тил учи юқориги тиш ва милкларга тақалади. «Л» товуши артикуляциясини эслатувчи ҳолат. Ҳаво оқими тилнинг ён томонларидан ўтади.

Ён сигматизм бир томонлама ва икки томонлама бўлади, яъни ҳаво оқими тил ўртасидан эмас, балки жаф ва ён тишилар бир томонидан баъзан иккала томонидан чиқади.

6. Бурун сигматизми. Бундай нотўғри талаффуз «ринология» ташхиси бўлган болада учрайди. «С», «З» сирғалувчи ва «Ш» шовқинли, «Ж», «Ч» қоришиқ товушларида. Товуш қийидаги ҳолатида талаффуз қилинади. Тил ўзаги кўтарилади ва

юмшоқ танглайга тегади. Юмшоқ танглай пастга тушади. Оғиздан чиқиши керак бўлган ҳаво оқими бурундан чиқади ва «Ҳ»га ўхшаш товуш эшигилади. Бола сўзларни қўйидагича талаффуз қиласди. Масалан: «сув-хув», «асал-ахал».

«С» ТОВУШИНИНГ МЕЬЁР ҲОСИЛ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ

Тишлараро сигматизмида меъёр ҳосил қилиш усули

Логопед меъёрий талаффузни кўзгу рўпарасида болага кўрсатади. Ҳолатни такрорлашни таклиф қиласди. Бола машқни осон бажара олса, узоқ муддат ўпкадан чиқаётган ҳаво оқимига товуш кўшади «с-с-с-с-с-с-с-с-с ҳосил бўлади.

Кўпгина ҳолларда бола тили меъёрий ҳолатдаги «ариқча»-ни ҳосил қила олмайди, бунда маҳсус артикуляция машқлари танланади ва «ариқча» ҳосил қилинади. Ўпкадан чиқаётган ҳаво оқимини узлуксиз, бир нафасда узоқ вақт чиқариш натижасида «С» товуши ҳосил бўлади.

10- ва 11- тил машқларини бажариш тавсия этилади. Ҳаво оқими оғиздан бир текис чиқаётганини кузатиш учун пахта толасини кафтга кўйиб, бир хилда тебранишини кузатиш билан назорат қилинади ёки ёниб турган шам шуъласини оғиздан чиқаётган ҳаво оқимида тебранишини назорат қилинади. *Барча машқлар узлуксиз узоқ муддат такрорлаши натижасида ҳосил бўлади.*

Тишлараро сигматизими бартараф этилгандан сўнг. Бўғин ва сўзларда товушни мустаҳкамлаш учун лексик материал танланганда «С» товуши бўғин охирида, сўз охирида бўлганларини танлаш ва машқ қилиш зарур. Масалан, бўғинда: «ас», «ос», «ус; сўзда: «атлас», «либос», «автобус»; сўз бошида «С» товушини машқ қилиши бола одатига кўра тилни тишлар орасидан чиқариши тақрорланади. Сўз охиридаги товуш тилни орқага, оғиз ичига тортиб тўғри талаффуз қилишига ёрдам беради.

Лаб сигматизмидә меъёр ҳосил қилиш усули

1-усул. Кўзгу рўпарасида «С» товушининг тўғри талаффузи кўрсатилади. Болага талаффузда пастки лаб олд тишларга тегмаслиги ёки лабни олд тишларга яқинлаштирмасликка ҳаракат қилиш кераклиги тушунтирилади. Бола берилган вазифани ихтиёрий равишида бажара олса, ушбу машқ такрорланади. Вазифани бажаришда қийинчилик бўлса, ишни артикуляцион машқларни бажаришдан бошланг.

2-усул. Умумий артикуляцион машқлардаги лаб учун 2-машқни такрорлаш асос қилиб олинади. Ушбу ҳолатда олд тишларни кўрсатиш ва ёпиш машқи бир неча бор кетма-кет такрорланади. Зарур бўлганда пастки лабни бармоқ билан ушлаб туриш, яъни жилмайиб тишларни кўрсатишга ёрдам берилади. Бола машқни мустақил ўргангач бармоқдан фойдаланилмайди. «С» товушининг меъёрий артикуляциясини қўллаб, соф ҳолатда аниқ ҳосил бўлган, «С» товушларини бўғинлар ва сўзларда мустаҳкамлаш мумкин.

3-усул. Лаб тиш сигматизмига сабаб бўладиган яна бир ҳолат тишларнинг нотўғри жойлашиши, устки ва пастки олд тишлар жиспласицандаги оралиқ бўшлиқ ҳосил бўлиши натижасида ҳам товуш талаффузи бузилиши мумкин. Боланинг ота-онасига стоматологга мурожаат этиши тавсия этилади. Стоматолог ҳамкорлигига ишлаш яхши самара беради.

Болада қандай анатомик камчилик бўлишига қарамасдан, «С» товушининг тўғри артикуляциясини машқ қилиш натижасида тўғри талаффузга эришилади. Юқорида санаб ўтилган машқлар бажарилади.

Лаб-тиш сигматизмидә меъёр ҳосил қилиш усули

Кўзгу рўпарасида болага тўғри артикуляция кўрсатилади. Агарда бола бу ҳолатни такрорлашга қийналса, қуйидаги машқлар қўлланилади:

1-усул. Тил уни пастки тиш ва милкка тақалган ҳолда, лаб ва тиш ҳолати нормал артикуляция талаб қилганидек. Ўпкадан чиқаётган ҳаво оқимиининг узоқ ва тўғри чиқиши машқ қилинади.

2-усул. Ўпкадан чиқаётган ҳаво оқимининг түғри чиқаётганини бола ҳис этиши керак. Машқ бажарилаётганда ҳаво оқимининг түғри чиқаётганини назорат қилиш учун пахта толасини кафтга қўйиб, бир хилда тебранишини кузатиш мумкин. Ҳаво оқими ёнланма чиқаётган бўлса, «С» товушини бола алоҳида талаффуз қиласи. Бола нутқи ва лугатидаги «С» товушлари ҳосил бўлмайди. Бола кафти билан чиқаётган ҳаво оқимини ҳис қилиши керак. Болани тил, лаб, тиш артикуляцияси нотўғри бўлса ҳаво оқими қўлга сезилмайди. Натижада «С» товушининг ҳосил бўлиши қийинлашади. Ҳаво оқими текис, узоқ муддат ҳосил бўлса «С» товуши бўғинларда, сўзларда мустаҳкамланишига шароит яратилади.

Шовқинли сигматизмда меъёр ҳосил қилиш усули

1-усул. Биринчи навбатда, боланинг эътибори «С» товушини түғри ва нотўғри талаффузи орасидаги тафовутга қаратилади. Масалан: «соҷ-ш’оч», «сим-ш’им», «суяқ-ш’уяқ», «совфа-ш’овға».

Болага кўзни юмиб, товушлар талаффузини ҳис қилиш тавсия этилади. «Сим» ва «шим» расмини кўрсатиб, иккала сўзнинг талаффузини ажратиш яъни фарқлашга ўргатилади.

2-усул. Тилнинг түғри ҳолатини эгаллаб нафасни қўшиш, «с» товушини ҳосил қилиш учун узоқ муддат чўзиб талаффуз қилиш машқи давом эттирилади. Бола ўз қўл кафтини лаблар яқинида тутиб ҳаво оқими түғри йўналтирилганлигини ҳис этишга ўргатилади.

Юқорида қўлланган усул натижада бермаганида қуйидаги усулни қўллаш мумкин:

3-усул. Меъёрга зид «С» товуши ҳосил қилиш. Тишлараро сигматизмда учрайдиган ҳолатни қўллаш мумкин, яъни «с» товушини талаффуз қилганда болага тилни тиш орасидан бир оз чиқариб талаффуз қилиш таклиф этилади. Бу ҳолат вақтингчалик қўлланилади. Зидлик натижасида бола учун тилни нисбатан олд ва нисбатан орқа томонга тортиш орасидаги фарқни англаш осон кечади. Кейинчалик бўғин ва сўзларда «С» тову-

шини мустаҳкамлашда тишаро артикуляциясига эришиш, сүнг «Ш», «Ж» товушлари билан дефференциацияга эришгач тишлараро сигматизмини бартараф этиш усули құлланилиши, яни сиқылган тиш орти товушини талаффуз қилиш машқларига ўтилади. Меъёрий ҳолатида «С» товуши ҳосил қилингандан сүнг, бўғин ва сўзларни танлашда «С» товуши сўз бошида келган бўғин ва сўз танлаш ва машқ қилиш керак. Масалан: бўғинларда «са», «су», «си» сўзларда «соя», «сада», «сават».

Ён сигматизмда меъёр ҳосил қилиш усули

1-усул. Оғиз бўшлиғидаги ёнланма сиқилиб чиқаётган ҳаво ўйини беркитиш тил ўртасида ҳаво оқими учун «арикча» ҳосил қилиш машқидан бошланади.

Кўзгу рўпарасида «С» товуши тўғри артикуляцияси, оғизни озгина очган ҳолда болага кўрсатилади ва нотўғри артикуляцияси билан солиштириш керак бўлади. Тўғри артикуляция сабабини тушунтиришнинг ўзи мақсадга эришишда асос бўла олади. Кўзланган мақсадга эришишда қийинчилик пайдо бўлса, қўйида берилган машқлардан энг яхши натижа берганини танлаш керак бўлади.

2-усул. «С» товушининг тўғри талаффузига эришишда «Т» товушидан фойдаланиш мумкин. Болага «Т» товушини кучли нафас билан машқ қилиш таклиф этилади. Ҳаво кучли портглаб чиқиши натижасида «Т» ва «С» аралаш товуши ҳосил бўлади. «TC» товушига ўхшаш товушнинг ҳосил бўлиши зарур. Кучли нафас мавжудлигини ҳис қилиш учун оғиздан чиқаётган ҳаво оқими кўл кафти билан назорат қилинади. Портловчи ва оралиқ товуш биринчига керакли товуш ҳосил бўлганда, кейинги босқичга ўтиш мумкин.

3-усул. Болага тил учини пастги олд тиш ва милкка тақаб «TC» товушини куч билан такрорлаш тавсия этилади. Бирбирига сиқылган тишлар орасидан, таркибида «Т» ва «С» товуши бўлган овоз яққол эшитилади. Боланинг эътиборини бу товуш аралашмасига жалб қилмаслик, намуна сифатида талаффуз қилмаслик керак. Бола «TC» товушини намунага

қараб айтишга интилиши одатий нотўғри артикуляцияга сабаб бўлади.

4-усул. Тил учини пастки олд тиш ва милк ортида ушлаб туриш имкони бўлмаганида зонддан фойдаланиш мумкин. Тил учини механик усулда босиши натижасида «ТС» товушини кучли ҳолатда такрорлашдан, секин-аста товушни чўзиб талаффуз қилиш натижасида «С» товушининг аниқ талаффузига эришилади. «С» товушини намуна сифатида кўрсатиш, бола ўзи талаффуз қилаётган товуш артикуляциясига эътиборини қартиш мумкин. Соф ҳолда пайдо бўлган «С» товушини бўғинларда, сўнг сўзларда мустаҳкамлашга ўтиш мумкин.

Нисбатан мураккаб вазиятларда 4 босқичдан иборат усул қўлланилади:

1-босқич: Аввало, ўпкадан чиқаётган ҳаво оқимини тил ён томонларидан эмас, балки тил ўртасидан чиқариш машқлари берилади;

— ҳаво оқимини назорат қилиш учун пахта толасини кафта тутиб пуфлаш ёки кўл кафти орқали ҳаво оқими назорат қилинади;

— сўнг бу машқ кўзгу олдида бажарилади;

— бунда тилнинг ён тарафлари тепа жаф тишларга тегиб туради, тилнинг учи ясси шаклда лаблар орасидан озгина чиққан ҳолда пуфлаш такрорланади (10-расм).

Машқлардан мақсад тил ўртасида тил бўйлаб «ариқча» ҳосил қилиш.

Ўпкадан чиқаётган ҳаво оқими йўналишини назорат қилиш ва кучайтириш учун оғзи тор шиша идишидан (бутилкадан) фойдаланиш мумкин. Шиша идишни пастки лаб ўртасига қўйиб машқ давом эттирилади. Тил ўртасида тил бўйлаб «ариқча» ҳосил бўлса, ҳаво оқими ташқарига тўғри йўналса, тилнинг тўғри ҳолатини тасдиқловчи кучли шовқин эшитилиши керак.

2-босқич: Натижка бўлмаганда ҳаво оқимини тил ўртасидан чиқаришга имкон бўлмаса, яъни ҳаво оқими жаф томондан чиқишида давом этса, зонддан фойдаланилади. Ёки гугурт чўпи

ёрдамида тил ўртасини босилиб «ариқча» ҳосил қилиш керак бўлади. Гаво оқимини тўғри йўналтириш машқ қилинади.

3-босқич: Лаб орасидан тилнинг ўрта чизиги бўйлаб пуллашга эришилгач, кейинги босқичда «С» товушини тил орасида талаффуз этишга ўтиш мумкин. Бу мақсадга эришиш учун пастки лабни бармоқ билан бир оз кўтариш кифоя. Натижада тил ва юқори лаб ўртасидаги оралиқ ўрнига тил ва юқори олд тишлар ўртасида оралиқ ҳосил қилинади. Тишлар орасида барқарор артикуляцияга эришиб, бола эътиборини «С» товуши аниқ талаффузига қаратиш мумкин. Меъёрда ҳосил бўлган товушни аввал бўғинларда сўнг сўзларда мустаҳкамлаш керак.

Ниҳоят тишлараро сигматизмини бартараф этишда қўлланадиган усул билан тишлараро артикуляциясининг меъёрий тиш орти артикуляциясига ўтилади.

4-босқич: «С» товушининг ёнланма артикуляциясини бартараф этиш бўйича яна бир усул:

— болага «Ф» товушини чўзиб талаффуз этиш таклиф қилинади;

— тил имкон қадар олдинга сурилиб, тил уни пастки тишларга тақалган ҳолда яна «Ф» товуши чўзиб талаффуз қилинади. «С» товушига хос сирғалувчи шовқин қўшилиши керак. Бу товушлар қўшилмасидан лаб-тиш сигматизмига хос товуш эшитилади.

Ниҳоят ёнланма артикуляциядан ҳоли бўлган «Х» товушига таяниш орқали мақсадга эришиш мумкин.

Болага овозсиз «ихи» бирикмасини талаффуз қилиш, ушбу бирикмани тишларни бир-бирига жипислаган ҳолда тақорорлаш таклиф қилинади. Натижада юмшоқ «С’га яқин овоз эшитилади. Одатий ёнланма артикуляцияни келтириб чиқармаслик учун муддатидан аввал бола эътиборини бу овозга жалб қилмаслик керак. Машқлар натижасида «С» товуши артикуляцияси мустаҳкамлангач бола диққатини «С» ва юмшоқ «С’» орасидаги фарқقا қаратиш мумкин.

Ўта мураккаб ҳолларда тилнинг ён тарафлар билан юқори жағ тишларнинг жипслашуви, тил учининг пастки олд тиш ва милкка тақалиб туриш кўникмасини ишлаб чиқишга қара-

тилган артикуляцион гимнастика тавсия этилади. Бу машқлар қуйидагича:

1. Тилни «ариқча» қилиш.
2. «Белкуракча» қилиш.
3. Тилни танглай томон тортиш.
4. Пастки лабни очиш ва ёниш, ҳар бир ҳолатни сақлаб қолиши.
5. Тил ён тарафларини, жағ тишлар билан жипслашуви, айни пайтда тил учини пастки олд тиши милкларга тақаш.

Машқларни аввал оғизни очган ҳолда бажарилади. Астасекин оғиз яъни жағларни яқинлаштириб машқ бажарилади. Тилни ҳосил қилинган вазиятини сақлаб қолишида галма-галдан нафас олиб, чиқарилади. Натижада «F» ва юмшоқ «C» товушлари ўргасидаги товуш ҳосил бўлади. Машқлар мунтазам бажарилганда соғ' ҳолда «С» товуши ҳосил бўлади.

Бурун сигматизмидаги меъёр ҳосил қилиш усули

Бурун сигматизмининг барча кўринишларида боланинг ўпкасидан чиқаётган ҳаво оқимини оғиздан чиқаришга юмшоқ танглайнини кўтариб, бурун йўлини тўсишга ўргатиш ва тилни тўғри артикуляциясига эришиш машқ қилинади.

Ён сигматизмни бартараф этишда қўллаш тавсия этилган 4 босқичли усулни қўллаш кўпроқ натижада беради. Бурун сигматизмини, ёнланма сигматизмни бартараф этишда қўлланиладиган усуллардан бальзан содда усуллар ёрдамида меъёр ҳосил қилинади. Меъёрда ҳосил бўлган «С» товушини аввал бўғинларда сўнг сўзларда мустаҳкамланади.

МЕЪЁРДАГИ «С» ТОВУШИНИ БЎҒИНЛАРДА МУСТАҲКАМЛАШ

«С» товушини узоқ вақт чўзиб талаффуз қилинади ва унли товуш қўшилади. Боладаги нутқ бузилишига қараб очиқ ёки ёпиқ бўғинларда мустаҳкамланади.

с-с-с-с-с-с-а

с-с-с-с-с-с-о

с-с-с-с-с-с-и

с-с-с-с-с-с-у

с-с-с-с-с-с-э

с-с-с-с-с-с-ў

Ёпиқ бўғин. Бир нафасда унли товуш талаффуз қилинади меъёрдаги товуш узоқ чўзиб талаффуз қилинади.

а-с-с-с-с-с-с

о-с-с-с-с-с-с

и-с-с-с-с-с-с

у-с-с-с-с-с-с

ә-с-с-с-с-с-с

ў-с-с-с-с-с-с

МЕЬЁРДАГИ «С» ТОВУШНИ СЎЗЛАРДА МУСТАҲКАМЛАШ

«са» бўғинида сўз бошида

сада	сароб	сандон
сатҳ (денгиз)	саҳро	сандиқ
сайл	сарёғ	сайхон
сават	сарой	саксон
садаф	сариқ	салқин
сақич	сайёҳ	саржин
саман (от)	саҳна	саратон
саноқ	сапча	сайлгоҳ
сатин	салла	сартарош
		Самарқанд

«са» бўғини сўз ўртасида ва охирида

асал	паҳса	раққоса
коса	майса	калтакесак
касал	тирсак	

«ас» бўғини сўз ўртасида ва охирида

дарс	ананас	тасаввур
нафас	дастгоҳ	дастурхон
атлас	қасқон	дастрўмол
қафас	пастлик	
тасма	настарин	

Ўзлантирилган сўзлардан тузилган жумла ва гаплар

Самад саҳнага чиқди.

Сариқ сапча.

Саҳрода сароб.

Салима раққоса.

Саңда саватга сапча солди,
Пахсада калтакесасак.
Сахрода саратон.

«си» бўғинида сўз бошида

сим	сигир	симёғоч
сих	сирка	Сирдарё
синф	сичқон	сиртлон
синиқ	силлиқ	силовсин(ҳайвон)

«си» бўғини сўз ўртасида

тўсин	муsicha	редиска
ҳосил	исириқ	тақсимча
косиб	бўрсиқ	

«ис» ва «си» бўғини сўз охирида

раис	курси	
махси	патнис	

«се» бўғини сўз бошида

сел	севги	севинч
серка	севара	сергап
семиз	серсув	серсоқол

Ўзлаштирилган сўзлардан тузилган жумла ва гаплар

Серка, серсоқол.
Синиқ, тақсимча.
Ойим исириқ солдилар.
Синфдошим – сирдошим.

«с» товуши «со» бўғинида сўз бошида

сой	соқол	сомон
соп	совуқ	сочиқ
соч	совун	совфа
соя	соҳил	соябон
соат	сомса	



«со» ва «ос» бўғинлари сўз ўртасида

осмон қассоб
косов тўйқон
босма тимсоҳ

босқон
посбон
рассом

«со» бўғини сўз охираша

мос чарос
tos мерос
либос олмос

новвос
кўтос (ҳайвон)

Ўзлантирилган сўзлардан тузилган жумла ва гаплар

Соҳилда тимсоҳ,
Тос тўла гилос.
Ўсма сояда ўсади.
Собир остоная сомса еди.
Рассом соҳилда расм чизди.

«с» товуши «су» бўғинида сўз бошида

сув супра сумалак
сут сурат супурги
сули суръат суварак
супа сурнай сухандон
суяк сувилон Сурхондарё

«су» ва «ус» бўғинлари сўз бошида

устун устахона суварак
устара уст-бош сувчечак

«ус» бўғини сўз охираша

товус фонус автобус
қомус глобус

«с» товуши «сў» бўғинида сўз бошида

сўта сўроқ сўқмоқ
сўфи сўргич сўфитурғай (куш)

Ўзлаштирилган сўзлардан тузилган жумла ва гаплар

Супани супурдим.

Сувда сувилон.

Супрадаги ун сумалак учун.

Ҳовлига сув сепиб супурдим.

Жўхори сўтаси қаттиқ.

«С» товуши иштирокидаги умумий ўзлаштирилган сўзлардан тузилган жумла ва гапларни машқ қилини

Сувда сада сояси. Саҳрова сароб. Сарёғнинг ранги сариқ. Қосим акам қилди дарс. Сойда соямни кўрдим. Соғон қуёшдан соя қиласар. Соҳил салқин. Саман тойчоқ сомон еди. Сигир сомон еса кўп сут беради. Севара меҳмонларга дастурхон солди. Сарвар сартарошга соч олдирди. Темирчи Саттор амаки, ишлатар сандон. Самарқанддаги саройда сайёҳлар сайр қилдилар. Силовсин, сиртлон ёввойи ҳайвон. Сочиқ ва совун саломатлик учун. Отга сули бердим. Олапар итим суяқ ғажиди. Автобус, троллейбус транспорт туридир. Сўфи азон чақирав. Сайёҳлар сўқмоқдан келмоқда.

Расмларни номланг, сўздаги «С» товушининг ўрнини топинг



Қофияли соғ нутқ машқи

са-са-са — мана сизга иссиқ сомса

са-са-са — кўм-кўккина майса

са-са-са — атлас гулли кося

ас-ас-ас — китлар ҳаводан олади нафас
ас-ас-ас — чиройлидир хон атлас
сак-сак-сак — құлда бұлади тирсак

сал-сал-сал — ари беради асал
си-си-си — бувим кияди маҳси
ис-ис-ис — мана бу-чи, мис патнис

ос-ос-ос — тос тұла гилос
ос-ос-ос — бежирим либос
ос-ос-ос — бир коса гилос

соҳ-соҳ-соҳ — йиртқич ҳайвондир тимсоҳ
үс-үс-үс — қушлар гүзали товус.
үс-үс-үс — тез юради автобус

үс-үс-үс — думалоқдир глобус

Топишмоқлар

Топишмоқлар жавобида «С» товушини топинг ва болага кулагай бўлган топишмоқни ёд олдиринг.

Ер тагида олтин қозиқ.
(сабзи)

Чўл, саҳрова ўсади,
Шамол йўлин тўсади.
Совуқда ёқсанг уни,
Босар кўмир ўрнини.
(саксовул)

Қолишмайди заводдан,
Сут, ёғ ишлар ем ўтдан.
(сигир)

Учганда снгил қушим,
Кўнганда оғир қушим.
(самолёт)

Бир боши бор, минг оёғи,

Тоза қылар ҳамма ёқни.

(супурги)

Ҳар кун эрта туриб,

Күришаман құл беріб.

Юзлари тонгдек очиқ,

Юмшоққина оқ...

(сочиқ)

Танасидан думи узун,

Күрмасам дер, мушук күзин.

(сичқон)

Июль ойи далада,

Бир уй күрдим панада

— Ким бор? — дея. Эшик қоқсам.

Үқдай учиб чиқди бари, қарасамки...

(асалари)

Бир оғизда икки тил,

Эрта-ю кеч чик, дейди.

Ётаверма тонг отди,

Тур, боғчага бор, дейди.

(соат)

Күли йўқ, оёғи йўқ,

Уриб турар юраги.

Ҳар кун унинг қулоғин

Дадажоним бурайди.

(соат)

«С» товуши шигтирокида тез айтиш

Совуқда тустовуқ совуқ қотди.

Сотоволди «босвонди» қовун сотиб олди.

Асад асил асал саклади.

Товуқ совуқда совуқ қотдими?

Совуқда товуқ совуқ қотдими?

«С» товуши интирокида шеърлар

Саъва саър сайдади;
Салқин боғда яйради.

Сумалакни кекса-ёш
Суюб-суюб сийишар.
Сумалакка тўйганлар
«Соғлом бўлар», — дейишар.

«З» товушининг меъёрий талаффузи

«З» товушининг меъёрий талаффузи қўйидагича:
— лаблар жилмайган ҳолда;
— юқори ва пастки тишлар
яқин жойлашган, бир-бирига
тегмайди, 1 мм оралиқда очик.

— тил учи пастки олд тишлар-
га ва милкка тақалган, тилнинг
ён қисми бир оз кўтарилган, тепа
жаг тишларга тегиб туради.

— тил ўртасида «ариқча» ҳосил
бўлади, ўпкадан чиқаётган ҳаво
оқими ҳосил бўлган «ариқча»дан ўтиб тиш орасидан сиқи-
либ чиқиши натижасида эркин ҳолда меъёрий «З» товуши ҳосил
бўлади. «З» товуши талаффузида овоз унпайчалари тебранади.

«З» товуши меъёрини ҳосил қилишда «С» товушига таа-
луқли барча усуллардан фойдаланиб «З» товушига, овоз ун-
пайчаларини тебрантириш билан эришилади.



“З” товушининг иотўгри талаффуз турлари

1. *Тишлараро сигматизми.* Товуш талаффузида, тил учи тишлар орасидан бир оз ташқарига чиқариб талаффуз қили-
нади. Бунда ясси чучук товуш ҳосил бўлади.

2. *Лаб сигматизми.* Тил ҳолати нормал ҳолатда бўлиб, па-
стки лаб юқори олд тишга кўтарилади ва товуш чиқиши йўли-

да торайиши ҳосил бўләди. Бу тор жойдан ҳаво оқими сиқилиб чиқади, натижада «З» товуши ўрнига «З+В», товушини ичига олган бир товуш ҳосил бўлади. Натижасида талаффуз соғ бўлмайди, товуш тушунарсиз, ёқимсиз бўлиб қулоққа чалинади.

3. *Тил олди сигматизми*. Талаффуздаги бу нуқсон қўйидагича бўлади. «З» товушини талаффуз қилаётганда тил учи нормал ҳолатда бўлса-да, устки ва пастки олд тишларга тақалади. Натижада чиқаётган ҳаво оқимининг йўли тўсилади. Ҳаво оқими тиш орасидаги тўсиққа учрайди ва «З» товуши ўрнига «Д» товуши эшитилади. Бола нутқида «З» товуши иштирокидаги сўзларни қўйидагича талаффуз қиласди. Масалан: «зина-дина», «зирак-дирак», «тарвуз-тарвуд» ва ҳоказо.

4. *Шовқинли сигматизм*. Сигматизмнинг бу кўринишида товушлар қўйидагича нотўғри талаффуз қилинади. Тил учи пастки олд тиш олдидан оғиз бўшлиғи ичи томон тортилади. Тил ўртаси қаттиқ танглай томон кескин эгилади яъни, кўтарилади. Натижада «З» сирғалувчи товуш ўрнига юмшоқ қоришиқ «Ж» товуши ҳосил бўлади, Бола «з» товушлари иштирокидаги сўзларни қўйидагича талаффуз қиласди, масалан: «зина-ж’ина», «зирак-ж’ирак», «тарвуз-тарвуж’» ва ҳоказо.

5. *Ён сигматизм*. Ён сигматизмда икки хилдаги талаффуз мавжуд. «З» товуши нотўғри талаффузи қўйдагича.

1-талаффуз: тил учи пастки олд тиш ва милкка тақалади. «З» товуши талаффуз қилинганда тилнинг ўртаси кўтарилик ҳолатда ўпкадан чиқаётган ҳаво оқими тилнинг ён томонларидан чиқа бошлайди. Жағ мускуллари бўшашади, тилнинг ён томонлари, тепа жағ тишлар томон кўтарилади. Натижада шўлпилловчи товуш чиқади.

2-талаффуз: тил учи юқориги тиш ва милкларга тақалади. «Л» товуши артикуляциясини эслатувчи ҳолат. Ҳаво оқими тилнинг ён томонларидан ўтади.

Ён сигматизм бир томонлама ва икки томонлама бўлади, яъни ҳаво оқими тил ўртасидан эмас, балки жағ ва ён тишлар бир томонидан баъзан иккала томонидан чиқади.

6. Бурун сигматизми. «Ринолалия» ташхиси бўлган болада учрайди. «С», «З» сирғалувчи ва «Ш» шовқинли, «Ж», «Ч» қоришиқ товушларида бурун сигматизми учрайди. Товуш қўйидаги ҳолатида талаффуз қилинади. Тил ўзаги кўтарилади ва юмшоқ танглайга тегади. Юмшоқ танглай пастга тушади. Оғиздан чиқиши керак бўлган ҳаво оқими бурундан чиқади ва «Х»га ўхшашиб товуш эшитилади. Бола сўзларни қўйидагичи талаффуз қиласи. Масалан: «зина-хина», «шам-хам», «жой-хой» ва ҳоказо».

«З» ТОВУШИННИГ МЕЙЁР ҲОСИЛ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ

Типлараро сигматизмida меъёр ҳосил қилиши усули

1-усул. Логопед меъёрий талаффузни кўзгу рўпарасида болага кўрсатади. Шу ҳолатни тақорорашибни таклиф қиласи. Бола машқни осон бажара олса, узоқ муддат ўпкадан чиқаётган ҳаво оқимига товуш қўшади овоз унпайчаси тебранади «з-з-з-з-з-з-з» товуши ҳосил бўлади.

2-усул. Кўпгина ҳолларда бола тили меъёрий ҳолатдаги «ариқча»ни ҳосил қила олмайди, бунда маҳсус артикуляция машқлари танланади, тил ўртасини зонд билан босиш орқали «ариқча» ҳосил қилинади. Ўпкадан чиқаётган ҳаво оқимини узлуксиз, бир нафасда узоқ вақт чиқариш натижасида ҳосил бўлади.

3-усул. Логопед кўзгу рўпарасида болага тил учун 11-машқни кўрсатади. Лаблар чўччайтирилган, яъни энг юқори даражада йиғилган тил учи оғиздан чиқсан, тил ўртасида «ариқча» ҳосил қилинади. Ўпкадан чиқаётган ҳаво оқими узлуксиз бир хил тезликда узоқ муддат талаффуз қилинади. Ҳаво оқими оғиздан бир текис чиқаётганини кузатиш учун пахта толасини кафтга қўйиб, бир хилда тебранишини кузатиш билан назорат қилинади ёки ёниб турган шам шуъласини оғиздан чиқаётган ҳаво оқимида тебранишини назорат қилинади. **Барча машқлар узлуксиз узоқ муддат тақорорашиб натижасида ҳосил бўлади.**

Бола машқни ихтиёрий равишда бажара олса меъёрий ҳолат ўзлаштирилиб «З» товуши талаффуз қилинади.

Тиш аро сигматизми бартараф этилгандан сүнг, бўғин ва сўзларда товушни мустаҳкамлаш учун лексик материал танланганда «з» товуши бўғин охирида, сўз охирида бўлганиларини танлаш ва машқ қилиши зарур. Масалан: бўғинда: «аз», «оз», «уз; сўзда: «муз», «тарвуз», «куз», «ошпаз», «гумбаз», «денгиз»; сўз охиридаги товуш тилни орқага, оғиз ичига тортиб тўғри талаффуз қилишига ёрдам беради.

Лаб сигматизмida меъёр ҳосил қилиши усули

1-усул. Кўзгу рўпарасида «З» товушининг тўғри талаффузи кўрсатилади. Болага талаффузда пастки лаб олд тишлирга тегмаслиги ёки лабни олд тишлирга яқинлаштирмасликка ҳараткат қилиш кераклиги тушунтирилади. Бола берилган вазифани ихтиёрий равишда бажара олса, ушбу машқ такрорланади. Вазифани бажаришда қийинчилик бўлса. Ишни артикуляцион машқларни бажаришдан бошланади.

2-усул. Умумий артикуляцион машқлардаги лаб учун 2-машқни такрорлаш асос қилиб олинади. Ушбу ҳолатда олд тишлирни кўрсатиш ва ёпиш машқи бир неча бор кетма-кет такрорланади. Зарур бўлгандан пастки лабни бармоқ билан ушлаб туриш, яъни жилмайиб тишлирни кўрсатишга ёрдам берилади. Бола машқни мустақил ўргангач бармоқдан фойдаланилмайди. «З» товушининг меъёрий артикуляциясини қўлланиб, соғ ҳолатда аниқ ҳосил бўлгач, «З» товушларини бўғинлар ва сўзларда мустаҳкамлаш мумкин.

3-усул. Лаб тиш сигматизмiga сабаб бўладиган яна-бир ҳолат тишлирнинг нотўғри жойлашиши, устки ва пастки олд тишлир жипслашганда оралиқ бўшлиқ ҳосил бўлиши натижасида ҳам товуш талаффузи бузилиши мумкин. Боланинг ота-онасига стоматологга мурожаат этиш тавсия этилади. Стоматолог ҳамкорлигида ишлаш яхши самара беради.

Болада қандай анатомик камчилик бўлишига қарамасдан, «З» товушининг артикуляциясини машқ қилиш натижасида тўғри талаффузга эришилади.

Лаб-тиши сигматизмда меъёр ҳосил қилиш усули

Кўзгу рўпарасида болага тўғри артикуляция кўрсатилади. Бола бу ҳолатни такрорлашга қийналса, қуйидаги машқлар кўлланилади:

1-усул. Тил уни пастки тиш ва милкка тақалган ҳолда, лаб ва тиш ҳолати нормал артикуляцияни талаб қиласди. Ўпкадан чиқаётган ҳаво оқимининг узоқ ва тўғри чиқиши машқ қилинади.

2-усул. Ўпкадан чиқаётган ҳаво оқимининг тўғри чиқаётганини бола ҳис этиши керак. Ҳаво оқими тўғри чиқаётганини назорат қилиш учун паҳта толасини кафтга қўйиб, бир хилда тебранишини кузатиш мумкун. Ҳаво оқими ёнланма чиқаётган бўлса, «З» товушини бола алоҳида талаффуз қиласди. Аммо бола нутқи ва лугатида «З» товушлари ҳосил бўлмайди. Товуш узоқ муддат давомида чўзиб талаффуз қилинади. Бола кафти билан чиқаётган ҳаво оқимини ҳис қилиши керак. Болада тил, лаб, тиш артикуляцияси нотўғри бўлса, ҳаво оқими қўлга сезилмайди. Натижада «З» товушининг ҳосил бўлиши қийинлашади. Ҳаво оқими текис, узоқ муддат ҳосил бўлса «З» товуши бўғинларда, сўзларда мустаҳкамлашишига шароит яратилади.

Шовқинли сигматизмда меъёр ҳосил қилиш усули

1-усул. Биринчи навбатда, боланинг эътибори «З» товушини тўғри ва нотўғри талаффузи орасидаги тафовутга қаратилади. Масалан: «зина-ж‘ина», «зирак-ж‘ирак», «тарвуз-тарвуж‘».

Болага кўзни юмиб, товушлар талаффузини ҳис қилиш тавсия этилади, иккала талаффузини ажратиш яъни фарқлашга ўргатилади.

2-усул. Тилнинг тўғри ҳолатини эгаллаб нафасни қўшиб овоз унпайчалари тебранади. «З» товушини ҳосил қилиш учун узоқ муддат чўзиб талаффуз қилиш машқи давом эттирилади. Бола ўз қўл кафтини лаблари яқинида тутиб, ҳаво оқими тўғри йўналтирилганлигини ҳис этишга ўргатилади.

Юқорида қўлланган усул натижа бермаганида қўйидаги усулни кўллаш мумкин:

3-усул. Меъёрга зид «З» товуши ҳосил қилинади. Тишларо сигматизмida учрайдиган ҳолатни кўллаш мумкин, яъни «З» товушини талаффуз қилиш тақлиф этилади. Бу ҳолат вақтингчалик кўлланилади. Зидлик натижасида бола учун тилни нисбатан олд ва нисбатан орқа томонга тортиш орасидаги фарқни англаш осон кечади. Кейинчалик бўғин ва сўзларда «З» товушини мустаҳкамлашда тишларо артикуляциясига эришиш, сўнг «Ш», «Ж» товушлари билан дефференциацияга эришгач тишларо сигматизмини бартараф этиш усули қўлланилиши, яъни сиқилган тиш орти товушини талаффуз қилиш машқларига ўтилади. Меъёрий ҳолатида «З» товуши ҳосил қилингандан сўнг бўғин ва сўзларни танлашда «З» товуши сўз бошида келган бўғинда, сўзларда иштирокини машқ қилдириш керак. Масалан, бўғинларда «за», «зу», «зи» сўзларда «занжир», « завод», «зализон» ва ҳоказо.

Ён сигматизмда меъёр ҳосил қилиш усули

1-усул. Оғиз бўшлиғидаги сиқилиб чиқаётган ҳаво йўлини беркитиш тил ўртасида ҳаво оқими учун «арикча» ҳосил қилиш машқидан бошланади.

Кўзгу рўпарасида «З» товуши тўғри артикуляцияси, оғизни озгина очган ҳолда болага кўрсатилади ва нотўғри артикуляцияси билан солишириш керак бўлади. Тўғри артикуляция сабабини тушунтиришнинг ўзи мақсадга эришишда асос бўла олади. Кўзланган мақсадга эришишда қийинчилик пайдо бўлса, қўйида берилган машқларни энг яхши натижа берганини танлаш керак бўлади.

2-усул. «З» товушининг талаффузига эришишда «Д» товушидан фойдаланиш мумкин. Болага «Д» товушини кучли нафас билан машқ қилиш тақлиф этилади. Ҳаво кучли портлаб чиқиши натижасида «Д» ва «З» аралаш товуши ҳосил бўлади. «ДЗ» товушига ўхшаш товушни ҳосил қилиш зарур. Кучли нафас мавжудлигини ҳис қилиш учун оғиздан чиқаётган ҳаво

оқими құл қафти билан назорат қилинади. Портловчи ва оралық товуш бирикүвига керакли товуш ҳосил бўлганда, кейинги босқичга ўтиш мумкин.

3-усул. Болага тил учини пастки олд тиши ва милкка тақаб «Дз» товушини куч билан такрорлаш тавсия этилади. Бир-бираға сиқилган тишлар орасидан, таркибида «Д» ва «З» товуши бўлган овоз яққол эшитилади. Боланинг эътиборини бу товуш аралашмасига жалб қиласлик, намуна сифатида талаффуз қиласлик керак. Бола «Дз» товушини намунага қараб айтишга интилиши одатий нотўғри артикуляцияга сабаб бўлади.

4-усул. Тил учини пастки олд тиши ва милк ортида ушлаб туриш имкони бўлмаганида шпателдан фойдаланиш мумкин. Тил учини механик усулда босини натижасида «дз» товушини кучли ҳолатда такрорлашдан, секин-аста товушни чўзиб талаффуз қилиш натижасида «з» товушининг аниқ талаффузига эришилади. «З» товушини намуна сифатида кўрсатиш, бола ўзи талаффуз қилаётган товуш артикуляциясига эътиборини қаратиш мумкин. Соғ ҳолда пайдо бўлган «з» товушини бўғинларда сўнг сўзларда мустаҳкамлашга ўтиш мумкин.

Нисбатан мураккаб вазиятларда 4 босқичдан иборат усул қўлланилади:

1-босқич: аввало, ўпкадан чиқаётган ҳаво оқимини тил ён томонларидан эмас, балки тил ўртасидан чиқариш машқлари берилади;

— ҳаво оқимини назорат қилиш учун пахта толасини кафтада тутиб пуфлаш ёки қўл қафти орқали ҳаво оқими назорат қилинади;

— сўнг бу машқ кўзгу олдида бажарилади;

— бунда тилнинг ён тарафлари тепа жағ тишларга тегиб туради, тилнинг уни ясси шаклда. Лаблар орасидан озгина чиқкан ҳолда пуфлаш такрорланади 19-расм.

Машқлардан мақсад тил ўртасида тил бўйлаб «ариқча» ҳосил қилиш. Ўпкадан чиқаётган ҳаво оқими йўналишини назорат қилиш ва кучайтириш учун оғзи тор шиша идишдан (бутилкадан) фойдаланиш мумкин. Шиша идишни пастки лаб ўртасига қўйиб машқни давом эттирилади. Тил ўртасида

тил бўйлаб «арикча» ҳосил бўлса, ҳаво оқими ташқарига тўғри йўналса, тилнинг тўғри ҳолатини тасдиқловчи кучли шовқин эшитилиши керак.

2-босқич: «арикча» ҳосил қилиш машқини такрорланиши натижасида ҳаво оқимини тил ўртасидан чиқаришга имкон бўлмаса, яъни ҳаво оқими жаф томондан чиқишда давом этса, зонддан фойдаланилади. Ёки гугурт чўпи ёрдамида тил ўртасини босилиб «арикча» ҳосил қилиш керак бўлади. Гаво оқимини тўғри йўналтириш машқи қилинади.

3-босқич: лаб орасидан тилнинг ўрта чизиги бўйлаб пуллашга эришилгач, кейинги босқичда «З» товушини тил орасида талаффуз этишга ўтиш мумкин. Бу мақсадга эришиш учун пастки лабни бармоқ билан бир оз кўтариш кифоя. Натижада тил ва юқори лаб ўртасидаги оралиқ ўрнига тил ва юқори олд тишлар ўртасида оралиқ ҳосил қилинади. Тишлар орасида барқарор артикуляцияга эришиб, бола эътиборини «З» товуши аниқ талаффузига қаратиш мумкин. Меъёра ҳосил бўлган товушни аввал бўғинларда сўнг сўзларда мустаҳкамлашга керак. Ниҳоят тишаро сигматизмини бартараф этишда қўлланадиган усул билан тишаро артикуляциясининг меъёрий тиш орти артикуляциясига ўтилади.

4-босқич: «З» товушини ёнланма артикуляциясини бартараф этишининг яна бир усули қўйидагicha:

— болага «Ф» товушини чўзиб талаффуз этиш таклиф қилинади;

— тил имкон қадар олдинга сурилиб, тил учи пастки тишларга тақалган ҳолда яна «Ф» товуши чўзиб талаффуз қилинади. «Ф» товушига хос сирғалувчи шовқин кўшилиши керак. Бу товушлар кўшилмасидан лаб-тиш сигматизмига хос товуш эшитилади.

Ниҳоят ёнланма артикуляциядан ҳоли бўлган «Х» товушига таяниш орқали мақсадга эришиш мумкин.

— болага овозсиз «ихи» бирикмасини талаффуз қилиш, ушбу бирикмани тишларни бир-бирига жисплаган ҳолда такрорлаш таклиф қилинади. Натижада юмшоқ «З’га яқин овоз эшитилади. Одатий ёнланма артикуляцияни келтириб чиқар-

маслик учун муддатидан аввал бола эътиборини бу овозга жалб қылмаслик керак. Машқлар натижасида «С» товуши артикуляцияси мустаҳкамлангач бола диққатини «З» ва юмшоқ «З»орасидаги фарқقا қаратиш мумкин.

Ўта мураккаб ҳолларда тилнинг ён тарафлари билан юқори жағ тишлиарнинг жипслашуви, тил учининг пастки олд тиши ва милкка тақалиб туриш кўнукмасини ишлаб чиқишига қаратилган артикуляцион гимнастика тавсия этилади. Бу машқлар қўйилдагича:

1. Тилни «ариқча» қилиш.
2. «Белкуракча» қилиш.
3. Тилни танглай томон тортиш.
4. Пастки лабни очиш ва ёпиш, ҳар бир ҳолатни сақлаб қолиш.
5. Тил ён тарафларини, жағ тишлиар билан жипслашуви, айни пайтда тил учини пастки олд тиши милкларга тақаш.

Машқларни аввал оғизни очган ҳолда бажарилади. Астасекин оғиз яъни жағларни яқинлаштириб машқ бажарилади. Тилнинг ҳосил қилинган вазиятини сақлаб қолишида галмагалдан нафас олиб, чиқарилади. Натижада «F» ва юмшоқ «З» товушлари ўртасидаги товуш ҳосил бўлади. Машқлар мунтазам бажарилганда соғ ҳолда «З» товуши ҳосил бўлади.

Бурун сигматизмида меъёр ҳосил қилиш усули

Бурун сигматизмининг барча кўринишлари боланинг ўпкасидан чиқаётган ҳаво оқимини оғиздан чиқаришига юмшоқ танглайнин кўтариб, бурун йўлини тўсишшига ўргатиш ва тилнинг тўғри артикуляциясига эришишдан иборат.

Ёнланма сигматизмни бартараф этишда қўллаш тавсия этилган 4 босқичли усулини қўллаш кўпроқ натижа беради. Бурун сигматизмининг, ёнланма сигматизмни бартараф этишда қўлланиладиган усулларидан баъзан содда усуллар ёрдамида меъёр ҳосил қилинади.

Меъёрда ҳосил бўлган товушни «З» товушини аввал бўғинларда сўнг сўзларда мустаҳкамланали.

Меъёрдаги «З» товушини бўгинларда мустаҳкамлаш

«З» товушини узоқ вақт чўзиб талаффуз қилинади ва унли товуш талаффуз қилинади. Боладаги нутқ бузилишига қараб очиқ ёки ёпиқ бўгинларда мустаҳкамланади.

Очиқ бўғин

3-3-3-3-3-3-а
3-3-3-3-3-3-и
3-3-3-3-3-3-э

кази

туршиф

тимни

тимни

тимни

3-3-3-3-3-3-о

3-3-3-3-3-3-у

3-3-3-3-3-3-ў

Ёпиқ бўғин. Бир нафасда унли товуш талаффуз қилинади меъёрдаги товуш узоқ чўзиб талаффуз қилинади.

а-3-3-3-3-3-з
и-3-3-3-3-3-з
э-3-3-3-3-3-з

о-3-3-3-3-3-з

у-3-3-3-3-3-з

ў-3-3-3-3-3-з

Меъёрдаги «З» товушини сўзларда мустаҳкамлаш

«за» бўғинида сўз бошида

зах	зарар	зангори
зар	зарур	загизон
занг	зарра	замбуруғ
захча	заргар	зардўппи
зарба	зардўз	замбарак
завод	зайтун	заргалдоқ
замон	/замбил	замонавий
замин	занжир	зааркунанда

«за» бўғини сўз ўртасида

ўзан (сув ўзани)	лаззат	пойафзал
ғазаб	фарзанд	тирмизак
гўзал	пазанда	мирзатерак
эгизак	жиззаки	дарвозаҳона
узанги	манзара	

«за» бўғини сўз охрида

кўза	тизза	дераза
ғўза	жиззаз	бемаза

тоза	ҳавза	дарвоза
найза	лаҳза	мұйжиза
ларза	линза	маза-бемаза
мазза	покиза	

«аз» бүгіни сүз үртасида

дазмол	ҳазрат
газмол	күргазма

«аз» бүгіни сүз охирда

газ	ошпаз	гумбаз
жаз	марказ	бегараз

Үзлаштирилған сүзлардан түзилған жүмла ва ғаплар

Замира заргалдоқ шафтоли терди.

Дераза тоза.

Заминимиз гүзәл.

Замонавий пойафзал.

Зайтун дараҳтида захча.

Зардүзи зар ишлатиб, зардүппи тикди.

«зи» бүгіни сүз бошида

зич	зиёли	зирапча
зиё	зифир	зилзила
зиён	зилол	зинапоя
зина	зиндон	зирапча
зира	зиёфат	зиравор
зиқна	зийрак	зимистон
зирак	зиёрат	

«зи» ва «из» бүгіни сүз үртасида

нозик	хизмат	Хоразм
чүзиқ	чизғич	жизғинак
ҳазил	бензин	жазирама
базм	вазифа	гимназия
қизил	хазина	қўзиқорин
қизиқ	магазин	қизилиштон

ҳозир	қўзичноқ	юмронқозиқ
вазир	резинка	лолақизғалдоқ
чизиқ	қизғончиқ	

«зи» бўгини сўз охрида

този (ит)	қази	хонқизи
рози	гурзи	қирмизи
қози	тарози	

«из» бўгини сўз охрида

из (оёқ изи)	ўттиз	кўнғиз
қиз	ҳофиз	тўнғиз
эгиз	полиз	тўққиз
офиз	хўқиз	денгиз
ожиз	мағиз	даҳлиз
Матиз	киғиз	инглиз
ялпиз	ёлғиз	ялмоғиз
бигиз	қимиз	жуволдиз
магиз	илдиз	тиллақўнғиз

Гулноза одди лекондор, дар тарбияни таъсизлаб, яхши мактабни таъсизлаб.

Зироати бўлган бўгини сўзлардан тузилган жумла ва гаплар

Нозик ишланган зирак.

Този итим зийрак.

Базмда катта зиёфат.

Машинага ўттиз литр бензин қўйдим.

Пойафзалчи ишлатар бигиз, жуволдиз.

«зо» бўгинида, сўз бошида

зот	зотли	зотдор
зовур	золдир	зогорабалиқ

«зо» бўгини сўз ўртасида

узоқ	безор	йнтизом
тузоқ	бозор	ошқозон
хазон	беозор	пахтазор
тўзон	гулзор	дошқозон

қозон	шахзода	телевизор
бузок	одамзод	музик-система
«оз» бўғини сўз бошида	оз-моз	имидж-бюджет
оз	озик-овқат	(ти) исог
озғин		исод
«оз» ва «зо» бўғини сўз охира		исод
соз	мижоз	тормоз
ғоз	жиҳоз	пара
овоз	лўмбоз	чавандоз
жазо	пешвоз	поэндоз
имзо	пардоз	хокондоз
қоғоз	танноз	гулқоғоз
намоз	дорбоз	санъо

Ўзлантирилган сўзлардан тузилган жумла ва гаплар

Зотдор бузоқ.
Кузда хазон бўлди ҳовли.
Хокондозга хазон солинган.
Ёзда кунлар ўтар соз.

«зу» бўғинида, сўз бошида	зулф	зулм	зумраша
зулф			
зукко		зулмат	
зулук		зувала	
«зу» бўғини сўз ўртасида	узум	ҳузур	бузуқи
узук		бузук	биликазуқ
узун		қузрун	камзул
«уз» бўғини сўз охира	туз	ёвуз	тарвуз
муз		ҳовуз	қундуз
куз		юлдуз	талаффуз
		кундуз	

«зў» ва «ўз» бўғини сўз бошида ва ўртасида	зўр	кўзгу	кўзойнак
	зўрга	зўравон	кўзмунчоқ
«ўз» бўғини сўз охирида	бўз	кўз	очкўз

Ўзлаштирилган сўзлардан тузилган жумла ва гаплар

Хузур қилиб едик узум.

Музга сепсанг туз, эриб кетар тез.

Ховуз лабида тарвуз.

Кундузи осмонда кўринмас юлдуз.

Камзул чўнтағида кўзойнак.

«З» товуши иштирокидаги умумий ўзлаштирилган сўзлардан тузилган жумла ва гапларни машқ қилини

Полизда тарвуз. Ховузда сузади фоз. Заҳча, зағизон боғда сайдайди. Ёзда пишади тарвуз. Қора узумдан қилинар магиз. Гулноза олди хокондоз, ҳовлини супурди соз. Денгиз ҳавзаси. Зирақ, узук билагузук, қизлар зийнати. Ҳонқизи бу кўнғиз. Биз ёзда чўмилдик соз. Зокир тиззасини уриб олди зинага.

Расмларни номланг, сўздаги «З» товуш ўрнини топинг



Зебра



Дазмол



Юлдуз

Қофияли соғ путқ машқи

за-за-за — музқаймоқ сийиш мазза.

за-за-за — йиқилгандагрийди тизза.

за-за-за — тоза экан дераза.
аз-аз-аз — осмонўпар гумбаз.
аз-аз-аз — таом тайёрлар ошпаз.
аз-аз-аз — тутун чиқармай ёнади газ.

зи-зи-зи — итлар зотида бўлади този.
зи-зи-зи — қўйнинг боласини атаймиз қўзи.
зи-зи-зи — бозорда бўлади тош-у торози.
из-из-из — данак ичиди магиз.
из-из-из — узум қуритилса бўлади магиз.
из-из-из — зингиллаб учади кўнғиз.
из-из-из — 5 қўшув 4 бўлади тўққиз.
из-из-из — ер тагида ўсади илдиз.
из-из-из — 20 га 10 қўшсак бўлади ўттиз.
оз-оз-оз — лапанглаб юради гоз.
оз-оз-оз — тонгда қичқирар хўрор.
оз-оз-оз — сим устида ўйнайди дарбоз.
уз-уз-уз — олтинга ўхшайди куз.
уз-уз-уз — сув қотиб қолса бўлади муз.
уз-уз-уз — ҳар куни овқатга солинади туз.
уз-уз-уз — 50 га 50 ҳосил бўлди юз.

Топишмоқлар

Топишмоқлар жавобида «З» товушини топинг ва болага
кулай бўлган топишмоқни ёд олдиринг

Отга ўхшайди тани,
Ола-була бадани.

(зебра)

Тўнларини ташлади,
Кўзларимни ўшлади.

(ниёз)

Ола-була түн кийган,
Армонда қолмас еган.
(тарвуз)

Текислайди газмол,
Унинг номи ...
(дазмол)

Мазали, муздак, оппоқ,
Унинг номи ...
(музқаймок)

Аёз бобом новвот сотди,
Олай десам қўлим қотди.
(муз)

Ёнса тутун чиқмайди,
Ҳеч ерга гард юқмайди.
Бас гугурт чақсанг фақат,
Қайнар чой, пишар овқат.
(газ)

Маржон, маржон юмалоқ,
Япроқлари шапалоқ,
Қора, қизил, сариқ, оқ.
Еб кўрмасдан ўйлаб боқ,
Сен айт, Малика қизим.
Бумиди дадавой.....
(узум)

Боши тароқ, думи ўроқ.
(хўроз)

Ранги ҳар хил, кулранг, оқ.
Ашуласи ғоқ-ғоқ-ғоқ.
Севгани սув, ер, ўтлоқ.
(ғоз)

Тўни силлиқ, туки йўқ.
Ҳаммаси тўқ, пўки йўқ.

30-30-30 – тоза³ Ичи қызил, күки йўқ.
30-30-30 – осмон Уни чўқолмас чумчук.
30-30-30 – таомен У нима қизим Қундуз?
30-30-30 – тутун – Буми дадавой ...

(тарвуз)

30-30-30 – Ёмғир аста томчилар,
30-30-30 – күшин Барглар ерга сочилар.
30-30-30 – бозор Пахталар ҳам очилар.
30-30-30 – дармоу Бу қайси фасл бўлар?

(куз)

«З» товуши интироцида шеърлар

Заҳча золдир топибди,
Заргалдоққа чопибди.

Зўр эмас полвон бўлиб,
Зўрга «икки, уч» олган.
Зўрдир ўқиб «аълога»,
Зухра Марсга учолган.

«С» – «З» ТОВУШЛАРИНИНГ ДИФФЕРЕНЦИЯСИ

“С” ва “З” товушларининг бир сўзда талаффуз қилиниши бола луғатида эркин ҳолатда ҳар бири алоҳида ҳосил бўлгандан сўнг, қуидаги босқичга ўтилади. Ҳар бир товушга алоҳида аҳамият бериб талаффуз қилиш ва нутқда мустаҳкамлаш босқичма-босқич олиб борилади.

Логопед бўғинларни ёки сўзларни талаффуз қиласи сўнгра болага такрорлашни таклиф этади. Бола ҳар бир товушни ўз ўрнида талаффуз қилаётгани назорат қилиб борилади.

«С» – «З» товушларининг бир бўғинда талаффуз қилиниши

са-за-са-за
за-са-за-са

ас-аз-ас-аз
аз-ас-аз-ас

си-зи-си-зи	ис-из-ис-из
зи-си-зи-си	из-ис-из-ис
се-зе-се-зе	ес-ез-ес-ез
зе-се-зе-се	ез-ес-ез-ес
со-зо-со-зо	ос-оз-ос-оз
зо-со-зо-со	оз-ос-оз-ос
су-зу-су-зу	ус-уз-ус-уз
зу-су-зу-су	уз-ус-уз-ус
сү-зү-сү-зү	үс-үз-үс-үз
зү-сү-зү-сү	үз-үс-үз-үз

«С» – «З» товушларининг бир сўзда талаффуз қилинини

сўз	семизёт	забардаст
саёз	соатсоз	максидўз
семиз	сивизға	саргузашт
сабзи	сазовор	муқовасоз
учсиз	ойнасоз	уйқусизлик
сузма	сабзавот	қозонсочиқ
сузғич	аскиявоз	кемасозлик
сарбоз	аслзода	масхарабоз
сўзана	қаровсиз	бахтсизлик
ромсоз	зимиштон	самолётсозлик
созанда	ишсизлик	
одобсиз	сомсалапаз	

«С» – «З» товуни иштироқидаги умумий ўзлантирилган сўзлардан тузилган жумла ва гапларни машқ қилиш

Саватда сабзи. Саргузашт китобни ўқиди устоз. Дарё қирғоги саёз. Бузилган соатни тузатди соатсоз. Ошпаз тўғради сабзи. Либосдан олингган айдоза. Ошпаз қозонга солди сабзи, пиёз. Тўқсонга қўшдим тўққиз ҳосил бўлди тўқсон тўққиз. Кузда бозорда мўлдир сабзавот. Денгиз сатҳида тўлқин.

Кофияли соф нутқ маңқи
за-за-за — сув тұла күза.
са-са-са — чиннидан ишланған коса.
са-са-са — обдон, лой қорилиб урилди пахса.

зи-зи-зи — сариқ рангли сабзи.
үз-үз-үз — маҳси тикар маҳсидүз.
оз-оз-оз — Козим aka соатсоз.

оз-оз-оз — циркда ўйнар масҳарабоз.
ос-ос-ос — узукнинг кўзи олмос.
ус-ус-ус — ҳайвонот боғида биз кўрдик товус.

ус-ус-ус — бензинсиз юрмас автобус.

уз-уз-уз — ёмғирли, шамолли, совуққина куз.
сон-сон-сон — тўққиз билан ноль тўқсон.

соҳ-соҳ-соҳ — соҳилда тимсоҳ.

зам-зам-зам — йиқилиб тушгандим, оғриди тиззам.

син-син-син — фил хартумида кўтаради тўсин.

сиб-сиб-сиб — пойафзал тикади косиб.

ШОВҚИНЛИ «Ш»

«Ш» товушининг месъёрий талаффузи


«Ш» товушининг месъёрий ҳолати.

— лаблар очиқ чўччайган.

— тишлар 1-2 мм атрофида очиқ.

— тилни оғиз ичида тасаввур қилинганда «пиёла» четига ўхшайди, яъни тилнинг ён тарафлари юқори жағ тишларига тақалиб туради.

— тилнинг олд томони ярим ой шаклида, танглай томон кўтарилиган оралиқ қолдиради.



— юмшоқ танглай күтарилигтан ва бурунга ўтадиган ҳаво оқимини түсіб қўйган.

— овоз үнпайчалари бўшашган ва ўпкадан чиқаётган ҳавони оғиз бўшлиғига ўтказади.

— ўпкадан чиқаётган ҳаво оқими тилни олд чети ва танглай ўртасидаги оралиқ түсиққа дуч келади. Шу ҳолатда шовқинли «ш» товушининг меъёрий ҳолати ҳосил бўлади.

«Ш» товушининг нотўғри талаффуз турлари

1. «Ш» товушини «С» товушига алмаштириб нотўғри талаффуз қилиш. Бола «Ш» товуши иштирокидаги сўзларни куйдагича талаффуз қиласди. Масалан: «Шамол-сомол, шакар-сакар, шашлик-сасли».

2. «Ш» товушини «Т» товушига алмаштириб нотўғри талаффуз қилиш. Бола «ш» товуши иштирокидаги сўзларни куйдагича талаффуз қиласди. Масалан: «Шакоар-такар, шовлатовла, шашли-татли».

Шовқинли ва қоришик товушларнинг нотўғри талаффузида, ёнланма ва бурун сигматизмидаги нотўғри талаффузидаги учрайдиган турлари бўлади. «Ш» товушининг ёнланма ёки бурундан нотўғри талаффузини сигматизмда берилган меъёр ҳосил қилиш усуllibаридан фойдаланилади.

«Ш» товушини меъёр ҳосил қилиши усуllibари

1-усул. Болага тақлид қилиш таклиф қилинади. Енгил турдаги товуш бузилишлари тақлид асосида меъёрий талаффузга эришиш мумкин. Масалан: қучли шамол эсганда дараҳтлар шовқини «ш-ш-ш-ш» ёки илон юрганда «ш-ш-ш-ш» шовқинли товушларни талаффуз этиш таклиф қилинади.

Қайд этилган усул натижа кўрсатмаганида.

2-усул. Бола нутқида «Р» товушини меъёрда талаффуз қилиниб, «Ш» товуши нотўғри талаффуз қилинса, «Р» товушидан «Ш» товушини меъёрий артикуляция асосида фойдаланиш мумкин.

Болага кўзгу олдида «Р» товушини чўзиб овозсиз ёки шивирлаб талаффуз қилиш таклиф қилинади. Машқ то тебра-

ниши тўхтамагунича ва суст шипирлаш эшитилмагунича давом эттирилади. Аста-секин ўпкадан чиқаётган ҳаво босими ни камайтириб бориш керак. Бир неча машқлардан сўнг шовқинли товушни чўзиш орқали жарангсиз «Р» товуши ҳосил бўлади. Ҳаво оқимини сусайтирмасдан ҳам шовқинли овоз пайдо қилиш мумкин. Бунда жарангсиз «Р» товуши талаффузи пайтида тилни пастки юзасига зондни теккизиш ҳам тил олд қисмининг тебранишини тўхтатади. Очик оғизда меҳаник ёрдам билан бир неча бор машқ ўтказилгач, керакли артикуляциянинг меъёрий кўникмаси ҳосил бўлгач, товушни сиқилган тишлар билан талаффуз қилишга ўтиш мумкин. Машқлар сўнгида лаблар чўччайтирилади, шу ҳолатда «Ш» товушининг меъёрий талаффузига эришиш мумкин.

3-усул. «Т» товушини асос сифатида қўллаш мумкин. Болага кўзгу олдида «т» товушининг 2-3 сония оралиғида бир неча бор такрорлаш таклиф қилинади. «Т-т-т-т-т-т» товушининг талаффузида тишлар бир-бирига тегмайди. Оғиз бироз очик ҳолда бўлади. Болага тилнинг олд чети аввалгилик тишлар билан эмас, тепа ички милк билан жисплациши кераклиги тушунитиралади. Шу ҳолатда портлаш овозига қисқа шипирловчи шовқин аралашади. Кейинчалик бу шовқин аста-секин чўзилади ва аввалги портловчи овоз талаффуз қилинмайди. Болага тилнинг учини оғиз ичига бироз чуқурроқ тортиш, тишларни бир-бирига босиш ва ниҳоят лабларни чўччайтириш тавсия этилади. Шу ҳолатда меъёрий «Ш» товуши ҳосил бўлади.

4-усул. «Ш» товушини нутқда ҳосил қилиш учун «С» товушининг тўғри артикуляцияси асос қилиб олинади. Болага «С» товушини алоҳида ёки «А» унлиси иштирокида 2-3 ма-ротаба чўзиб талаффуз қилиш тавсия этилади. «С-с-с-с-с-а» шундан сўнг зонд ёрдамида тилни бир оз юқорига кўтариб, тишларни бир-бирига босган ҳолда «С» товушини қайтариш тавсия этилади. Тилни юқорига кўтарган сайин «Ш» товушининг тўғри талаффузига эришиллади. Бола тарафидан бу талабларни бажариш, тилга меҳаник таъсир кўрсатиш оқибатида «С» товушини «Ш» товушига монанд овозга олиб келади.

Тилнинг янги артикуляцияси мустаҳкам бўлмагунича болага «ш» товушини эслатмаслик, шу товушга мос ҳарфни кўрсатмаслик, машқ давомида, таркибида «ш» товуши мавжуд сўзларни қўлламаслик зарур.

Бола машқни мустақил бажара олганидан сўнг «Ш» товушини чўзиб талаффуз қилиш зарур.

5-усул. Нисбатан мураккаб вазиятларда, яни тил ўта катта, оғиз бўшлигини тўлдириб турувчи ва беҳаракат бўлганида, тил ости юганчаси ўта қисқа ва тилнинг ҳаракати чегараланганд ҳолларда, тил очиқ оғиз ҳолатида, юқори тишларга кўтарилимаганда «Ш» товушининг меъёрий ҳолатини талааб қиласидан артикуляцион машқлардан бошлашга тўғри келади.

Тил машқлари: «белкуракча» шаклида чиқариш.

1. Эркин ҳолатда «арикча» ҳосил қилиши. Бола машқни эркин бажара олганида ўпкадан чиқаётган ҳавони шу «арикча»дан чиқариш, пуфлаш тавсия этилади 20-расм.

2. Юқори олд тишлар ва юқори лабга тилни чиқариш, лаб бўйлаб лабни тил билан ялаш 14-15-16-расмлар.

3. Тилни лабга қўйиш ва оҳиста оғиз ичига тортиб олиш, оғизни ёпиш 8-9-10-11-расмлар.

4. Тилни юқори лаб томонга кўтариш ва юқорига пуфлаш. Бунда ўпкадан чиқаётган ҳаво оқими йўналишини қофоз билан текшириш мумкин. Шу ҳолатда ҳаво оқими юқорига чиқиши зарур.

Тилни ихтиёрий равищда оғиздан чиқаруб ва юқорига кўтариб туриш имкони бўлмаса бола бармоқлари билан тилни юқорига кўтарилиб туришига ёрдам беради.

Машқлар тил ихтиёрий равищда юқори лаб томон кўтарилиб туришига эришгунча давом эттирилади. Мустақил ҳолатда тил тепа лаб томон кўтарилигач тилни очиқ оғиз ҳолатида тиш ортига ўтказилади.

Тилни шу вазиятда тутган ҳолда болага пуфлаш тавсия этилади. Бунда бўғиқ шовқин ҳосил бўлиши керак.

Тилни танглай тарафга сургандан сўнг тишларнинг жипслашуви ва ниҳоят лабларни чўччайтириш натижасида «Ш» товушининг меъёрий талаффузи ҳосил бўлади.

Лабларни муддатидан аввал чүччайтиришга уриниш мақсадга мувофиқ әмас. Бу тил ҳолатини кузатишиңа халақыт беради ва нотұғри артикуляцияни көлтириб чиқаради.

«Ш» товуши устида иш олиб борилғанда боланинг ҳолатини алоқида назорат қилип туриш зарур. Товуши учун машқлар ўпқадан чиқаётган ҳаво оқимини күчли чиқариш ва нафас олиш билан боғлиқлиги, болани тез толиқтиради. Болани толиқтимаслик зарур.

Меъерда ҳосил бўлган «Ш» товушини аввал бўғинларда сўнг сўзларда мустаҳкамланади.

Меъердаги «Ш» товушини бўғинларда мустаҳкамланаш

«Ш» товушини узоқ вақт чўзиб талаффуз қилинади ва унли товуш талаффуз қилинади. Боладаги нутқ бузилишига қараб бўғинлар очиқ ёки ёпиқ бўғинларда мустаҳкамланади.

Очиқ бўғин

ш-ш-ш-ш-ш-ш-о

ш-ш-ш-ш-ш-ш-а

ш-ш-ш-ш-ш-ш-у

ш-ш-ш-ш-ш-ш-и

ш-ш-ш-ш-ш-ш-ў

ш-ш-ш-ш-ш-ш-э

Ёпиқ бўғин. Бир нафасда унли товуш талаффуз қилинади меъердаги товуш узоқ чўзиб талаффуз қилинади.

о-ш-ш-ш-ш-ш-ш

а-ш-ш-ш-ш-ш-ш

у-ш-ш-ш-ш-ш-ш

и-ш-ш-ш-ш-ш-ш

ў-ш-ш-ш-ш-ш-ш

э-ш-ш-ш-ш-ш-ш

Меъердаги «Ш» товушини сўзларда мустаҳкамланаш

«шо» бўғинида сўз бошида

шод

шоир

шолғом

шох (дараҳт)

шовла

шокила

шоҳ (подшоҳ)

шофёр

шоҳона

шоли

шолча

шоколад

шода

шотут

шошқалоқ

шойи

шовқин

«ои» бўгини сўз бошида

ош	оишпичок
ошна	ошқозон
ошхона	оштахта

оишқошик
ошиқ-мошиқ

«шо-ои» бўгинлари сўз ўртасида

Тошкент	тошқин
қошиқ	бошлиқ
пошна	чошгоҳ
бошқа	тошлоқ
машоқ	пешона
оқшом	кошона
юмшоқ	нишона
куршов	ҳашорат

бошқача
тошбақа
тошойна
тошотар
бошяланг
бошқарма
тошкўмир

«ои» бўгини сўз охирнида

бош	ювош
мош	йўлдош
қош	устбош
тош	наққош
қуёш	тенгдош
маош	курсдош
бебош	касбдош
ундош	оҳактош
ёнбош	саргарош

аччиқтош
ватандош
замондош
чегарадош
қайроқтош
мармартош
чақмоқтош
суҳбатдош

Ўзлаштирилган сўзлардан тузилган жумла ва гаплар

Мош ичидан чиқди тош.

Қошиқ олиб едим ош.

Шоли күёшда яхши ўсади.

Ошнам билан едим шовла.

Шотут шохи эгилганди ҳосили мўллигидан.

«шу» бўгини сўз бошида

шукур	шуруп
шульба	шухрат

шудгор
шудринг

«үш» бүгини сүз ўртасида

мушт	тушлик	петрушка
мушук	хушвақт	хуштабиат
пушти	урушқоқ	хушчақчақ
хуштак	нонушта	хушмуомола
душман	хушвоз	хушманзара
муштум	бурушқоқ	
хушбүй	хушомад	

«үш» бүгини сүз охирида

қүш	улуш	туяқүш
түш	юмуш	бойқүш
дүш	ковуш	хамиртуруш
мүш	нохуш	
хүш	кумуш	

«шү» бүгини сүз охирида

учрашув	сүзлашув
тортишув	мослашув

«шұ» бүгини сүз бошида

шұх	шұро	шүрлик
шұр	шұрва	шұхчан

«ўш» бүгини сүз ўртасида

гүшт	күшнай	күштүеқ
күшни	бүшлик	күштириңок

«ўш» бүгини сүз охирида

бүш	түш	күш
жүш	хүш	

Ўзлаштирилган сүзлардан тузилған жумла ва гаплар

Мушук қүш тутиб олди.

Қүёш шуыласи хонага тушди.

Шудгорда шудринг.

Икки мүшүк ўртасида бўлди тўқнашув.
Қўшни дўконда сотилади гўшт.

«ша» бўгини сўз бошида

шак	шагал	шамшир
шар	шанба	шалола
шай	шамол	шабада
шам	шашлик	шамдон
шайх	шакар	шаталоқ
шарқ	شاҳар	шапалак
шарф	шахсий	шафтоли
шакл	шахмат	шарманда
шама	шафқат	шарсимон
шайба	шарбат	шартнома
шанғи	шабнам	шакарқамиш
шапка	шалтоқ	шакарпалак
шатак	шаррос	шалпангқулоқ
шарпа	шаффоф	

«ша» бўгини сўз ўртасида

эшак	башара	ташаккур
хашак	сешанба	тезпишар
тўшак	якшанба	пайшанба
ҳашар	душанба	муҳташам
миршаб	паншаҳа	ҳамшаҳар
равшан	эшакмия	бешафқат
гулшан	кўшалоқ	
ҳашаки	лапашанг	

«ша» бўгини сўз охирда

теша	тараша	зумраша
пашиша	хархаша	

«аш» бўгини сўз охирда

адаш	тараш	хомталаш
кураш	қарааш	ҳазилкаш
туташ	кенгаш	аравакаш

Үзлантирилган сўзлардан тузилган жумла ва гаплар

Шамолда шафтоли тўкилди

Шакарпалак қовун ширин чиқди

Шакарқамиш ўсимлигидан шакар қилинади

Курашда рақиби тўшакка йиқилди.

«ши» бўғини сўз бошида

шим	шимол	шифокор
шип	ширин	ширахўр
шифт	шинни	шилимшиқ
шиша	шифер	шимпанзе
шийпон	шингил	ширинлик
шилта	ширмой	ширқовоқ

«ши» бўғини сўз ўртасида

эшик	пешин	машина
яшик	пишиқ	ҳамшира
яшин	қошиқ	қўрошин
яшил	қўшиқ	бешиктебратар
тешик	қийшиқ	
бешик	ваҳший	

«ши» бўғини сўз ўртасида

қишки	саришта	ҳамқишлоқ
қишлоқ	тегишли	ангашвона
пишлоқ	топишмоқ	

«ши» бўғини сўз охирида

тиш	қамиш	тилиш
қишиш	етмиш	олтмиш
идишиш	калиш	сарфиш
ҳоҳишиш	болиш	тирқишиш
финишиш	кўкиш	йўналиш
олқишиш	таниш	нотаниш

«ше» бўғини сўз бошида

шер	шеър
шеф	шерик

Ўзлаштирилган сўзлардан тузилган жумла ва гаплар

Шишадан ясалган идиш

Шкафда турган шим

Устоз ўқиб берди шеъру, топишмоқ

Нонуштага ширчой билан ширгуруч.

Умумий ўзлаштирилган сўзлардан тузилган жумла ва гаплар

Шўрва-ю, шовлага солдик шолғом

Ошхонада пиёлада нишолда

Тушимда кўрдим чиройли қуш

Шапка ва шимимни ўзим кийдим

Шоколад, шакар бундай ширинликларни мен яхши кўраман

Шифокор ва ҳамшира инсонларни даволайди.

Расмларни номланг, сўздаги «Ш» товушининг ўрнини топинг



Шам



Пашиша



Киш

Қоғияли соғ нутқ машиқи

шоҳ-шоҳ-шоҳ — эртакда бўлар подшоҳ

шоҳ-шоҳ-шоҳ — дараҳтда бўлади шоҳ

ош-ош-ош — чарақлар кўкда қуёш

ош-ош-ош — мош ичидан чиқди тош

ош-ош-ош — соғ-саломат бўлсин бош

ош-ош-ош — чиройли бежирим қош

уш-уш-уш — қафасда сайрайди қүш
шук-шук-шук — товушсиз юрар мушук
ўш-ўш-ўш — бу идишнинг ичи бўш
ша-ша-ша — укам қилди ҳархаша
ша-ша-ша — бизнинг уйда бор теша
аш-аш-аш — наврўз сайлида бўлади кураш
аш-аш-аш — аралашу-қуралаш
шар-шар-шар — бизнинг кўчада ҳашар
иш-иш-иш — ўлкамизга келди қишиш
иш-иш-иш — ёмғир ёғса кий калиш
иш-иш-иш — сув ичишга бер идиш
шик-шик-шик — уйга кирганда ёпиб юр эшик
шик-шик-шик — узукни ўртаси бўлади тешик
шик-шик-шик — кўзмунчақ тақилган бешик.

Топишмоқлар

Топишмоқлар жавобида «Ш» товушини топинг ва болага қулай бўлган топишмоқни ёд олдиринг.

Кўлсиз, оёқсиз эшик очади.
(шамол)

Калта бобом ичкирида,
Кулоқлари ташқарида.

(шолғом)

Ўзи кичик ҳашорат,
Хираклик унга одат.

(пашша)

Мотори йўқ учади
Кенг фазони қучади

(қүш)

Думи бор сичқон эмас,
Думалоққина копток эмас,

(шар)

Ранги сариқ шафтолимас,
Қани топинг: бу нима?

(шолғом)

Тұяси бор исмида,
Қаноти бор жисмида

(туяқуш)

Үзи жажжи яшил тош,
Пиширсангиз бүлар ош.

(мош)

Катталиги уй каби,
Физиллатиб кетади,
Миниб тушиб одамлар,
Жой-жойига етади.

(машина)

«Ш» товуши иштирокида тез айтиш

Шамол шовуллаб шөвқин солади.
Мошдан тош, тошдан мош бүлмас.

Шавкат шолипояда шөвқин солиб,
Шақылдоқни шақыллатди.

Тош жонсизмиш, мош тошсизмиш.

«Ш» товуши иштирокида шेърлар

Шер узун шеър түқиди
Шариллатиб ўқиди.

Шамол шамол шошма-ей,
Шөвқин солма ошна-ей.

Шох-шаббани синдирма,
Шүхлигингни ташла-ей.

ҚОРИШИҚ “Ч” ВА “Ж” ТОВУШЛАРИ

«Ч» товушининг меъёрий талаффузи

«Ч» товушининг меъёрий талаффузи қуидаги:

— «Ч» товуши «Т’» юмшоқ ва «Ш’» юмшоқ товушлар қоришиғидан ҳосил бўлади.

— тилнинг олди қисми танглай билан жипслашади.

— тилнинг сатҳи ва ён тарафлари «ши», «ше» товушлари талаффузидаги вазиятни эгаллайди.

— юмшоқ танглай кўтарилиган, овоз унпайчалари бўшашибган, ҳаво оқими жипслашув жойидан портлаб чиқади ва тилнинг олд қисми юмшоқ «Ш’» артикуляциясига ҳосилатда «Ч» товуши меъёрда ҳосил бўлади.

«Ч» товушининг нотўри талаффуз турлари


«Ч» товушининг нотўри талаффузи.

1. «Ч» товушини «С» товушига алмаштириб талаффуз қилиш. Боланинг тили тепа тиш ва танглай томон кўтарилимайди ёки кўтарила-да, қисқа муддат ичидаги пастга тушиб кетади. Керакли артикуляцияни ҳосил қила олмайди. Бола «Ч» товуши иштирокидаги сўзларни қуидагича талффуз қиласи. Масалан: «чой – сой, чўчқа – сўсқа, қайчи – қайси».

2. «Ч» товушини «Т» товушига алмаштириб талаффуз қилиш. Бола «Ч» товуши иштирокидаги сўзларни қуидагича талффуз қиласи. Масалан: «чой – той, чўчқа – тутка, қайчи – қайти».

3. «Ч» товушини мутлақо ишлатмаслик. Икки кўринишида бўлади.

Биринчи кўринишида бола «Ч» товушидан кейин келган унли товушни чўзиб талаффуз қиласи. Масалан: «чой – ой, чўчқа – ука, қайчи – қайии».



Иккинчи кўриниши «Ч» товушини тушириб қолдириб, бўғин структурасини бузиб талаффуз қилади. Масалан: «чой – ой, чўчқа – ўқа, қайчи – қайи».

«Ч» товушининг меъёр ҳосил қилинг усуллари

1-усул. Меъёрий талаффузи қандай бўлиши кўзгу рўпарасида болага кўрсатилади. Товушга тақлид қилиш болага тавсия этилади.

2-усул. «Ч» товушини «С» товушига алмаштириб талаффуз қилганида.

Умумий артикуляцион машқлардаги тил машқларини асосан оғиз ичида, юқорига кўтариладиган машқлар билан такрорлаш зарур. Машқлар тил танглай томон эркин ҳолатда кўтарилиганидан сўнг, логопед томонида «Т + Ш» товушларини юмшоқ оҳангда кетма-кет талаффуз қилинади ва болага шу қоришиқ товушни тақлид қилиш таклиф этилади. Мустақил равишда «Т + Ш» товушининг тезлиги ошириб борган сайин, «Ч» товуши ҳосил бўлади.

«Т + Ш» товушидан иборат шовқин ҳосил бўлганида, боланинг дикқатини бунга қаратмаслик, намуна сифатида «Ч» товушини алоҳида талаффуз қилмаслик зарур.

Машқлар давомийлиги натижасида соф ҳолатда мустақил «Ч» товуши ҳосил бўлганидан сўнг боланинг дикқатини ушбу товушга қаратиш мумкин. «Ч» товушини бўғинларда сўнг сўзларда мустаҳкамлаш босқичларига ўтилади.

3-усул. «Ч» товушини «Т» товушига алмаштириб талаффуз қилинганида умумий артикуляцион машқлардан фойдаланилади. Боланинг нутқ камчиликларига аҳамият бериш ва шахсий камчилигига қараб ёндашиш керак. Болада «Т» товуши талаффузи бор бўлса, шу товушни юмшоқ талаффуз қилиб, «Ш» товушини кўшиб талаффуз қилиш машқлари орқали эришилади, яъни «Т + Ш». Машқлар давомийлиги натижасида соф ҳолатда «Ч» товуши ҳосил бўлади. Ҳосил бўлган товушни бўғинларда сўнг сўзларда мустаҳкамлаш босқичларига ўтилади.

4-усул. «Ч» товушини мутлақо ишлатмаслик. Сўзларда «Ч»

төвүшини тушириб қолдирувчи боланинг нутқ аппаратини яхшилаб ўрганиб чиқиб, меъёрий талаффузига ҳалақит бератган ҳолатни аниқлаш зарур.

- тилнинг ҳаракатсизлиги;
- тилнинг юқорига кўтарилимаслиги;
- тил, жағ мускулларининг яхши ривожланмаганлиги сабаб бўлиши мумкин.

«Ч» төвүшини меъёрий талаффузига тўсқинлик қилаётган ҳолатни аниқлаш. Тил, лаб машқларини бажариш. Тил ҳолати «Ч» төвуш артикуляциясини эгаллангач, юқоридаги усуллардан мосини кўллаб товуш ҳосил қилинади. Меъёрда ҳосил бўлган «Ч» төвүшини аввал бўғинларда сўнг сўзларда мустаҳкамланади.

Меъёрдаги «Ч» төвүшини бўғинларда мустаҳкамлаш

«Ч» төвүшини узоқ вақт чўзиб талаффуз қилинади ва унли товуш кўшилади. Боладаги нутқ бузилишига қараб бўғинлар очиқ ёки ёпиқ бўғинларда мустаҳкамланади.

Очиқ бўғин

ч-ч-ч-ч-ч-ч-о

ч-ч-ч-ч-ч-ч-а

ч-ч-ч-ч-ч-ч-у

ч-ч-ч-ч-ч-ч-и

ч-ч-ч-ч-ч-ч-ў

ч-ч-ч-ч-ч-ч-э

Ёпиқ бўғин. Бир нафасда унли товуш талаффуз қилинади меъёрдаги товуш узоқ чўзиб талаффуз қилинади.

о-ч-ч-ч-ч-ч-ч

а-ч-ч-ч-ч-ч-ч

у-ч-ч-ч-ч-ч-ч

и-ч-ч-ч-ч-ч-ч

ў-ч-ч-ч-ч-ч-ч

э-ч-ч-ч-ч-ч-ч

Меъёрдаги «Ч» төвүшини сўзларда мустаҳкамлаш

«Чо» бўғинида сўз бошида

чой

човли

чойхона

чол

чодир

чордона

чок

чорва

чоррача

чопиқ

чойнак

«чо» бүгини сүз ўртасида

ўчоқ	қочоқ	құзичоқ
пүчоқ	мунчоқ	арғимчоқ
пичоқ	тойчоқ	мақтанчоқ
пачоқ	үйинчоқ	аллақачон
қучоқ		

Ўзлантирилган сүзлардан тузилган жумла ва гаплар

Чоллар чопон кияди.

Ўчоқ бошида човли.

Чорраҳада эҳтиёт бўл.

Чойхона ўчогида пишар ош.

«оч» бўгини сүз бошида ва ўртасида

по́чта	очли́к	қочоқ
со́чма	очкӯ́з	очофат
бочка	ночор	оч-яланг

«оч» бўгини сүз охирида

ёғоч	оқсоч	яланғоч
омоч	кулоч	қалдирғоч

«чу» бўгини сүз бошида

чучук	чумоли	чуғурчук
чуқур	чучвара	чувалчанг
чумчук	чувринди	

«уч» бўгини сүз боши, ўртаси ва охирида

куч	учқун	учувчи
пуч	кучли	куч-қувват
учли	кучук	
учуқ	гуруч	

Ўзлантирилган сүзлардан тузилган жумла ва гаплар

Сувни мазаси чучук.

Боғларда сайрайди чуғурчиқ, чумчук.

Чаросни чумоли чақди.

Уч оға-ини ботирлар.

«чү» бўгини сўз бошида

чўп	чўлоқ	чўнтак
чўғ	чўпон	чўққи
чўл	чўтири	чўчқа
чўян	чўкка	чўлтоқ

«ўч» бўгини сўз бошида

кўчма	ўчиргич
кўчқор	кўчманчи

Ўзлаштирилган сўзлардан тузилган жумла ва гаплар

Гугурт чўпидан ясадим уйча

Чўян қозонга солинди чўмич

Чўпон қўчқорни арқонга боғлади

Тоғ чўққисига ёғипти қор.

«ча» бўгини сўз бошида

чап	чакки	чандиқ
чанг	чанғи	чакана
чарх	чапак	чақалоқ
чақа	чатоқ	чакалак
чана	чалғи	чалқанча
чаён	чарм	чавандоз
чала	чакмон	чамбарак
чайла	чаққон	чархпалак
чаноқ	чақмоқ	
чакка	чанқов	

«ча» бўгини сўз ўртасида

ичак	пачава	кўричак
кўчат	уятчан	кўйпечак
ўлчам	бурчак	беланчак
ўйчан	луччак	бала-чақа
ихчам	куюнчак	гулчамбар

«ач» бүгини сүз ўртасида ва охирида

врач ўзгача

ўркач сачратқи

қизилўнгач

Токча устид турған сабака

Ўзлантирилган сўзлардан тузилган жумла ва гаплар

Беланчакда чақалоқ.

Уйимизга келди янги келинчак.

Беркинмачоқ ўйнаймиз деди амакиваччам.

Қовун пишмай узилса, дейишади сапча.

«чи» бўгини сўз бошида

чин	чинни	читтак
чим	чинор	чиябўри
чит	чигал	чифаноқ
чирк	чигит	чиллаки
чипта	чилла	чиройли
чивин	чипор	чилдирма
чизиқ	чироқ	чиқинди
чизма	чимён	чиғиртка

«чи» бўгини сўз ўртасида

очиқ	олачиپор	қирчиллама
аччиқ	сирпанчиқ	пахтачилик
лочин	қизғанчиқ	намгарчилик
хивчин	камчилик	
балчиқ	қийинчилик	

«чи» бўгини сўз охирида

элчи	бўёқчи	тикувчи
овчи	ёзувчи	тўқувчи
совчи	уйқучи	қароқчи
эгачи	суюнчи	ўқитувчи
қайчи	сузувчи	курувчи
қамчи	йўловчи	токқайчи
соқчи	айғоқчи	кемиравчи

томчи	алдоқчи	күтқарувчи
отарчи	биринчи	маърузачи
«ич» бўгини сўз ўртасида		
сичқон	кичкинтой	
қичқириқ	қисқиҷбақа	
кўрсичқон	шолиҷилик	
«ич» бўгини сўз охирида		
сақич	ёритгич	
богич	елтиғич	
қарич	йиртқич	
қирғич	тўғнағич	

Ўзлантирилган сўзлардан тузилган жумла ва гаплар

Оилада биринчи фарзанд дейилар тўнғич.
 Чиябўри номланар йиртқич.
 Осмондан ёмғир ёғади томчи-томчи.
 Шеър ёзади шоир.
 Йўл бўйида ўсади чинор.

«че» бўгини сўз бошида		
чек	чечак	чегара
чет	чевар	чемпион
челак	чевара	

Ўзлантирилган сўзлардан тузилган жумла ва гаплар

Мен бувимнинг бувисига саналаман чевара
 Ҳовлимга челакда сув сепдим
 Гавҳар холам матонинг четини қирқиб олди
 Аскарлар кечаси-ю кундузи қўриқлади чегара.

Умумий ўзлантирилган сўзлардан тузилган жумла ва гаплар

Чиллаки узумни чумчук чўқиб кетди.
 Кўчамизга экдик кўчат.
 Шу кеча байрам ўтди ўзгача

Бувим тикиб берди хипчагина нимча
 Чүнтагимдан чўп чиқди
 Богчада едик кичик кулча
 Токча устида турган хурмача
 Бувим қавидилар анча-мунча кўрпача
 Аччиқ-чучук тайёр ликопчада.

Расмларни номланг, сўздаги «Ч» товушининг ўрнини топинг



Чойнак



Арча



Қирғич

Қоғияли соф нутқ маши

Фоч-фоч-фоч — бизнинг айвонига қурди ин қалдирфоч
 Оч-оч-оч — дарахтни кесиб, йўниб қилдилар ёғоч
 Чоқ-чоқ-чоқ — чиройли экан кўзмунчоқ

уч-уч-уч — ёнгоқ ичи чиқди пуч

ча-ча-ча — қочиб кетди улоқча

ча-ча-ча — деразада бор токча

ча-ча-ча — баҳорда мевалар довучча

ча-ча-ча — Ватанимни севаман мен бошқача

ча-ча-ча — меҳмон келса солинг кўрпача

ча-ча-ча — оппоққина қорпарча

ча-ча-ча — ойим ёпдилар иссиқ кулча

ач-ач-ач — туяда бор ўркакч

ач-ач-ач — шифокор бўлади русчасига врач
чи-чи-чи — қозғоз қирқади қайчи
чи-чи-чи — мени укам уйқучи

чи-чи-чи — йўловчиларни манзилига етказар ҳайдовчи
ич-ич-ич — пойафзалда бор боғич
ич-ич-ич — чақалоққа керак сўргич
еч-еч-еч — қуёш бўтса бўлар кеч.

Топишмоқлар

Топишмоқлар жавобида «Ч» товушини топинг ва болага
кулай бўлган топишмоқни ёд олдиринг.

Бошида қопқоқ, бурни узун,

Елкасида қулоқ-дастак,

Паровоздек аста-секин,

Чиқаради гоҳо тутун.

Шеър бўли шоҳим жети фоз икаки (чойнак)

Кушим чиқ-чиқ этади,

Гилос чўқиб кетади.

Гўё отарчи машшоқ,

Текин фажийди бошоқ.

(чигиртка)

Боши қорни филдай,

Бели оёғи қилдек.

(чумоли)

От думидан бўлган полвон,

Юрса қочар, чангут тўзон.

(чўтка)

Қишда ҳам, ёзда ҳам

Бир хил кийимда.

(арча)

Бошида таёғи бор,
Сакказта туёғи бор.

(эчки)

Соқолли бўлиб дунёга келур,
Ўзи кийикдек югуриб елур.

(эчки)

Ўзи кичик бир нарса,
Керак бўлар ҳар дарсда,
Чизиб қўйсанг нотўри,
Йўқ қиласди бирпаста.

(ўчириғич)

Тўрлар ёниб кетади,
Пашша чивин тутади.

(ўргимчак)

Битта унинг тищи,
Кесиш-қирқишиши.

(пичоқ)

Чак-чак этиб тушади,
Зарби томни тешади.

(томчи)

Ҳар кун эрталаб туриб,
Кўришаман қўл бериб,
Юзлари тонгдек очиқ,
Юмшоққина оқ

(сочик)

Қоғозни қоралайди,
Ҳарфни саралайди.

(ручка)

«Ч» товуши интироқида шеърлар


Чумоли чигирткани,
Чақирди чой ичгани.

Чумчук-ой боласини,
Чақириб, «чик-чик»лайди.
Чатоқ мушук күрмасин,
Чик уйга, «чик-чиқ»лайди.

«Ж» ТОВУШИННИГ МЕЬЁРИЙ ТАЛАФФУЗИ

«Ж» товушининг меъёрий ҳолати қуйидагича:

- «Ж» товуши юмшоқ «Д» ва юмшоқ «Ш» қоришиги натижасида ҳосил бўлади.
- тил олд қисми «Ш» юмшоқ товуши талаффузи вазиятини эгаллайди. Лаблар очик чўччайган.
- тишлар 1-2 мм атрофида очик. Тилнинг ён тарафлари юқори жағ тишларига тақалиб туради.
- Тилнинг олд томони ярим ой шаклида оралиқ қолдиради. Ҳаво оқими жипслашув жойидан портлаб ёриб чиқади.
- Овоз унпайчалари жипслашади ва тебранади. Ўпкадан чиқаётган ҳаво оқими бир оз сусаяди. Тил ва танглай ўртасидаги оралиқ бир оз тораяди.
- Натижада «Ж» товушининг меъёрий артикуляцияси ҳосил бўлади.



«Ж» товушининг нотўғри талаффуз турлари

«Ж» товушининг нотўғри талаффузи қуйидагича:

1. «Ж» товушини «д» товушига алмаштириш. Бола «Ж» товуши иштирокидаги сўзларни қуйидагича талаффуз қиласи. Масалан: «жўжа — дўда, жой — дой, тож — тод».
2. «Ж» товушини «С» товушига алмаштириб талаффуз қилиш. Бола «Ж» товуши иштирокидаги сўзларни қуйидагича талаффуз қиласи. Масалан: «жўжа — сўса, жой — сой, тож — тос».
3. «Ж» товушини «З» товушига алмаштириб, талаффуз

қилиш. Бола «Ж» товуши иштирокидаги сўзларни қуйидаги-ча талаффуз қилади. Масалан: «жўжа — зўза, жой — зой, тож — тоз». Нотўғри талаффузга сабаб, тилнинг юқорига танглай томон кўтаришлмаганилигига ҳисобланади.

«Ж» товушининг меъёр ҳосил қилиш усуллари

1-усул. Болага кўзгу рўпарасида «Ж» товушининг меъёрий ҳолати кўрсатилади. Тақлид қилиш таклиф қилинади. Натижа бўлмагандага бошқа усуллар кўлланилади.

2-усул. «Ж» товушини «Д» товушига алмаштириб талаффуз қилганда. Бола нутқида «Ш» бор бўлса ёки «Ш» товуши кўйилган бўлса, товушдан фойдаланиш мумкин. «Д+Ш» товушни юмшоқ узлуксиз талаффуз қилиш натижасида ҳосил қилинади.

«Ж» товуши аниқ ҳосил бўлмагунича боланинг эътиборини ҳосил бўлаётган қоришиқ товушига қаратмаслик керак. Бир нечта машқлардан сўнг аниқ «Ж» товуши соф ҳолатда ҳосил бўлгач, бола эътиборини ҳосил бўлган товушга қаратиш мумкин.

3-усул. Бола «Ж» товушини «С» товушига алмаштирганда, ишни тилини юқори тиш ва танглай томонга кўтариш машқларидан бошланади.

Керакли артикуляция эгаллангач, болага «Д'+Ш» қоришиқ товушни талаффуз қилиш таклиф этилади ва тезлиги оширилади. Натижада «Ж» меъёрий товуши ҳосил бўлади.

4-услуб. «Ж» товушини «З» товушига алмаштириб талаффуз этганида, болада «Ж» товушининг меъёрий талаффузини ҳосил қилиш учун юқоридаги 3-усулдан фойдаланилади.

Меъёрда ҳосил бўлган товушни «Ж» товушини аввал бўғинларда сўнг сўзларда мустаҳкамланади.

Меъёрдаги «Ж» товушини бўғинларда мустаҳкамланаш

«Ж» товушини узоқ вақт чўзиб талаффуз қилинади ва унли товуш талаффуз қилинади. Боладаги нутқ бузилишига қараб бўғинлар очиқ ёки ёпиқ бўғинларда мустаҳкамланади.

-и	Очиқ бўғин	умиджоийтингизни «Ж» вкй линни ж-ж-ж-ж-ж-ж-о	ж-ж-ж-ж-ж-ж-а
й	Ж-ж-ж-ж-ж-ж-у	ж-ж-ж-ж-ж-ж-и	
	Ж-ж-ж-ж-ж-ж-ў	ж-ж-ж-ж-ж-ж-э	

Ёпиқ бўғин. Бир нафасда унли товуш талаффуз қилинади меъёрдаги товуш узоқ чўзиб талаффуз қилинади.

о-ж-ж-ж-ж-ж	а-ж-ж-ж-ж-ж
у-ж-ж-ж-ж-ж-ж	и-ж-ж-ж-ж-ж
ў-ж-ж-ж-ж-ж-ж	э-ж-ж-ж-ж-ж

Меъёрдаги «Ж» товушини сўзларда мустаҳкамланш

«жо» бўғинида сўз бошида

жой	жоҳил	жонвор
жон	жосус	жозиба
жом	жонли	жонажон

«ж» товуши «жо» бўғинида сўз ўртасида

ижод	ижозат	ҳовли-жой
уй-жой	ҳаяжон	бақлажон
нажот	Андижон	саранжом
анжом	тажовуз	роҳатижон
маржон	важоҳат	бажонидил
	ҳижолат	

«жо», «ож» бўғинлари сўз охирида

тож	бажо	муҳтож
илож	хирож	ноилож

Ўзлаштирилган сўзлардан тузилган жумла ва гаплар

Хўрозни бошида бўлади қизил тож.

Бақлажонни жойига қўй.

Ойи ижозат беринг, уй анжомларини чангини артай.

Дадамнинг илтимосини келтирдим бажо.

«жсу» бүгинида сўз бошида

жун	таведик	жусса	оғизж	жудолик	таж
жуда	новак	жувоз	кадж	жуволдиз	саж
жума	күдимж	жулдуромж	жинот	циж	
жуфт	тилошж	жумбоқ	жимжима	тибж	

«жсу» бүгини сўз ўртасида

гужум	хорважж	мавжуд	дараж	таажжуб	бекж
сержун	жюжумж	кунжут	мажж	мавжудот	бонж
хуржун	птичж	анжуман	жимжиток	тукж	

«жсу» ва «ујс» бүгилари сўз ўртасида ва охирида

ғуж		вужуд		мужмал	
инжу		хужра		фуж-ғуж	ноуж
		гавжум			

Ўзлантирилган сўзлардан тузилган жумла ва гаплар

Қишида кийдим жун пайпоқ

Жуволдизни ишлатади этиқдўз

Бизнинг қўчкор сержун

Бугун бозор гавжум.

«жсу» бүгинида сўз бошида

жён	жёйк	жўрттага
жӯва	жўжа	жўхорипоя
жўра	жўхори	жўжахўрор

«жсу» бүгини сўз ўртасида

ножёя	маккажўхори
оқжўхори	

Ўзлантирилган сўзлардан тузилган жумла ва гаплар

Жўжамга жўхори бердим

Жўмракни бураб, сув ичдим

Ойим хамир жўвалаб, сомса ёпдилар

Жўяк оралаб бориб, пишган тарвузни топдим.

«ж» товуши «жа» бўгинида сўз бошида		
жаг	жайра	жадвал
жаз	жадал	жавон
жар	жамол	жамбул
жанг	жасад	жавоҳир
жала	жажжи	жасорат
жафо	жаннат	жароҳат
жазо	жавдар	жамалак
жавоб	жарима	жамулжам
жаҳл	жарроҳ	жамгарма
жаноб	жайрон	жаҳаннам
жануб	жанжал	жаранг-жулинг
жаҳон	жавлон	

«жа», «ај» бўгинлари сўз ўртасида

ўжар	ҳажвия	баджаҳл
гажак	хужжат	мужассам
ҳожат	кажава	тежамли
тажанг	хўжалик	ҳусн-жамол
мажбур	панжара	ҳозиржавоб
ханжар	хўжайин	соҳибжамол
мўлжал	ғужанак	савол-жавоб
ғижжак	келажак	

«жа» бўгини сўз охирида

гўжа	панжа	даражা
ўлжа	гижжа	бафуржा
режа	натижа	исканжা

Ўзлаштирилган сўзлардан тузилган жумла ва гаплар

Жар ёқасида ўси мажнунтол.

Фижжакдан ажиг куй таралади.

Жаннатмакон ўлкамизда ажиг гуллар ўсади.

Жайрон жалада қолди.

«ж» бүгинида сүз бошида

жим	жиҳоз	жиддий
жиз	жийда	жирканч
жилд	жигар	жиноят
жисм	жилов	жимжима
жиян	жиқقا	жигилдон
жияк	жинни	жиннилик
жило	жиккак	жизғанак
жилға	жим-жим	жингалак
жизза	жиз-биз	жимжилоқ

«ж» бүгини сүз ўртасида ва охирида

анжир	гажим	муҳожир
абжир	саржин	бәжирим
бәжиз	занжир	бижилдоқ
инжик	мижғов	таржима
мунажжим	гижингітой	гултоҗихүрөз
мижоз	хижрий (йил)	
ғижим	хорижій	

Ўзлаштирилган сүзлардан тузилган жумла ва гаплар

Жилға жилваланиб оқади

Ойим жизза бердилар менга

Ёмғирда қолган құғирчоқ, бўлипти жиққа хўл

Кўнғироқ жириングлайди жиринг-жиринг.

«дж» товуши сүзларда, сүз бошида

жераф	журнал
жетон	жемпер

«дж» товуши сүз ўртасида ва охирида

морж	гараж	пейжер
аждар	пейзаж	инженер
биржа	кружка	дирижёр
багаж	дубляж	персонаж

Ўзлаштирилган сўзлардан тузилган жумла ва гаплар

Онам менга журнал берди
Ҳайвонот боғида кўрдим жирафа
Менинг отам инженер
Аждар эртакларда бўлади.

Умумий ўзлаштирилган сўзлардан тузилган жумла ва гаплар

Жайрон ўтхўр жонивор
Ўзбекистон жаннатмакон ўлка
Бир жуфт пойафзал
Хўжайн мажлис ўтказди
Дўстим Жўра гирромчи ва жанжалкаш
Жавоҳирни дадаси баджаҳл одам
Ховлимида жаннат гуллари ўсади
Кузда қушлар учиб кетар жанубга
Бофимида ўсади жамбул-у райҳон
Жамила жавондан китоб олди
Кеча жуда жала қўиди
Жар ёқаси жуда хавфли.

Расмларни номланг, сўздаги «Ж» товушининг ўринини толинг



Қофияли соф нутқ манқи

жо-жо-жо — дада менга иш буюринг, этаман бажо
ож-ож-ож — йиқилиб йифладим ноилож
ож-ож-ож — уй ҳайвонлари одам парваришига мухтож

уж-уж-уж — узум пишибди фуж-фуж
жа-жа-жа — қўлимизда беш панжада
жа-жа-жа — овчи пойлади ўлжа
жа-жа-жа — жуда яхши натижа
жа-жа-жа — товуқ тухумидан чиқади жўжа
жим-жим-жим — кийимингни тахламасанг бўлади фижим
аж-аж-аж — темирдан ясалган гараж
жин-жин-жин — бувим юзида ажин
жир-жир-жир — бизнинг ҳовлида пишди анжир
жир-жир-жир — кучугим боғланган занжир.

Топишмоқлар

Топишмоқлар жавобида «Ж» товушини топинг ва болага қулай бўлган топишмоқни ёд олдиринг.

Усти қизил, ичи оқ,
Ичидা бор бир таёқ.

(жийда)

Ёриб оппоқ уйчасин,
«Чип-чип», деб қўяди,
Чувалчангни чўчимай,
Чўқиб еб қўяди.

(жўёжа)

«Ж» товуши иштирокида шеърлар

Жўжа ва жибилажибон,
Жуда жўра, жонажон.

Жуда хушбўй бўлади,
Жийда гуллаган пайти,
Жийдазорда юрган соз,
Жўралар қўшиқ айтиб.

«Ш» – «Ч» – «Ж» ТОВУШЛАРИНИНГ ДЕФЕРЕНЦИЯСИ

“Ш”, “Ч” ва “Ж” товушларининг бир сўзда талаффуз қилиниши бола лугатида эркин ҳолатда ҳар бири алоҳида ҳосил бўлгандан сўнг, қуидаги босқичга ўтилади. Ҳар бир товушга алоҳида аҳамият бериб талаффуз қилиш ва нутқда мустаҳкамлаш босқичма-босқич олиб борилади.

Логопед бўғинларни ёки сўзларни талаффуз қиласи сўнгра болага такрорлашни таклиф этади. Бола ҳар бир товушни ўз ўрнида талаффуз қилаётгани назорат қилиб борилади.

«Ш» – «Ч» – »Ж» товушларининг бир бўғинда талаффуз қилиниши

шо-чо-чо-шо	ош-оч-оч-ош
чо-шо-шо-чо	оч-ош-ош-оч

шо-чо-жо, чо-жо-шо, жо-шо-чо	
ош-оч-ож, оч-ож-ош, ож-ош-оч	
шу-чу-жу, чу-жу-шу, жу-шу-чу	
уш-уч-уж, уч-уж-уш, уж-уш-уч	

шу-чу-чу-шу	уш-уч-уч-уш
чу-шу-шу-чу	уч-уш-уш-уч

шў-чў-чў-шў	ўш-ўч-ўч-ўш
чу-шу-шу-чу	ўч-ўш-ўш-ўч

шў-чў-жў, чў-жў-шў, жў-шў-чў	
ўш-ўч-ўж, ўч-ўж-ўш, ўж-ўш-ўч	

ша-ча-ча-ша	аш-ач-ач-аш
ча-ша-ша-ча	ач-аш-аш-ач

ша-ча-жа, ча-жа-ша, жа-ша-ча	
аш-ач-аж, ач-аж-аш, аж-аш-ач	

ши-чи-чи-ши
чи-ши-ши-чи

иши-ич-ич-иш
ич-иш-иш-ич

ши-чи-жи, чи-жи-ши, жи-ши-чи
иш-ич-иж, ич-иж-иш, иж-иш-ич

шэ-чэ-чэ-шэ
эш-эч-эч-эш

чэ-эш-эш-эч
эч-эш-эш-эч

шэ-чэ-жэ, чэ-жэ-шэ, жэ-шэ-чэ
эш-эч-эж, эч-эж-эш, эж-эш-эч

«Ш» — «Ч» — »Ж» товушларининг бир сўзда талаффуз қилиниши

жарчи	чалкаш	жомошов
чашма	ошиқча	қўшимча
ишchan	шижоат	чоршанба
шолча	жўшқин	ширгуруч
чойшаб	учрашув	шамчироқ
ширчой	жазира ма	аччиқтош
кашнич	ошпичноқ	жимжилоқ

Ўзлаштирилган сўзлардан тузилган жумла ва гаплар

Жамишид хушчақчақ йигит.

Наврўз сайлига чақирди жарчи.

Чашма ёнида дам олиш бошқача.

Ошпичноқда тўғрадим кашнич.

Үйда чироқ йўқ эди, ёқдик шамчироқ..

Ширчой, ширгуруч тайёrlаш учун керак сут.

Укамнинг қулгуси жуда бошқача.

Қофияли соф нутқ машқи

ча-ча-ча — йўлакка солинган шолча

чи-чи-чи — «эҳе-ҳей», — деб чақирар жарчи

аш-аш-аш — арқоннинг бир бўлаги чалкаш

чан-чан-чан — катта акам меҳнаткаш ишchan
нич-нич-нич — ўрвага солиши кашнич
шаб-шаб-шаб — каравотнинг устида чойшаб

чой-чой-чой — менга бериши ширчой

хосчақ-чақ-чақ — болалар хушчақчақ

руч-руч-руч — тайёр бўлди ширгуруч

тош-тош-тош — минг дардга даво аччиқтош

бозлоқ-чоқ-чоқ — ошхонада ошпичноқ

ўрича-ча-ча — бу қилифинг ошиқча

ча-ча-ча — тойчоғимни севаман мен бошқача

ча-ча-ча — овқатимни еб бўлдим, беринг қўшимча.

СОНОР «Л» ВА «Р» ТОВУШЛАРИ

«Л» товушининг меъёрий талаффузи

«Л» товушининг меъёрий талаффузи қўйдагича:

— юқори ва пастки жағ тишлар
бир-биридан унча узоқ бўлмаган
масофада жойлашган.

— тил уни, юқори олд тишлар то-
мон кўтарилиган ва тиш билан милк
ўртасига тақалган.

— тилнинг ён тарафлари жағ
тишларига тегиб туради. Натижада
чиқаётган ҳаво оқими учун ён то-
мондан оралиқ қолади.

— юмшоқ танглай кўтарилиган, бурун йўлинин тўсган, овоз
унпайчалари жисплашган ва тебранади.

— ўпкадан чиқаётган ҳаво оқими тепа тишларга тегиб тур-
ган тилнинг ён томонларидан чиқади ва тил пастга туша бош-
лайди ва «Л» товушининг меъёрий талаффузи ҳосил бўлади.



«Л» товушининг нотўғри талаффуз турлари

1. Бола «Л» товушининг ўрнига «В»+«У» товушларини ишлатади. «В+У» товуши пастки лабнинг юқориги лабига келиб тақалиши натижасида, бир-бирига яқинлашган лаб ўртасида ҳосил бўлган оралиқ деворларга ишқаланишидан юзага келади. «Л» товуши ўрнига «ВУ» товушини алмаштириб талаффуз қилинади, масалан: «лаган — вуаган», «лой — вуой», «пул — пуву».

2. Нотўғри талаффузнинг бошқа кўриниши. «Л» товушининг ўрнига қисқа «Й» товуши алмаштириб талаффуз қилинганди, масалан: «лаган — яган», «лой — ёй», «пул — пуй».

3. Кўп учрайдиган нотўғри талаффуз «Л» товуши ўрнига ёлашган унли товушларни талаффуз қилинганди қўйидаги сўзларни эшитамиз, масалан: «лаган — яган», «лой — йой», «пул — пуй».

4. Ҳаво оқимини бурундан чиқариш натижасида «Л» товуши ўрнига «Н» товушини талаффуз қилиш натижасида. Кўйдаги нутқни эшитамиз, масалан: «лаган — наган», «лой — ёй», «пул — пуе».

5. «Л» товушининг ўрнига унинг ёнида келаётган унли товушни чўзиб талаффуз қилинганди, масалан: «лаган — ааган», «лой — оой», «пул — пуу».

«Л» товушининг нотўғри таффузига бола тилининг юқори тишлар томон кўтарила олмаслиги, кўтарилиганди узоқ муддат юқори тишлар олдида ушлаб тура олмаганилиги сабаб бўлади.

«Л» товушини меъёр ҳосил қилиш усуллари

1-усул. Кўзгу рўпарасида «Л» товушининг меъёрий талаффузи болага кўрсатилади ва тақлид этиш тавсия этилади. Бола машқни бажара олмаганида.

2-усул. Тил ва лаб машқларини бошлаш зарур 10-11 расмлар.

3-усул. Тилни эркин ҳолатда юқори тишлар томонга кўтариб «Л» товушини талаффуз қилиш.

4-усул. Тилни оғиздан эркин ҳолатда чиқариш ва тишлар орасида сиқиши, яъни тилни енгил тишлаб туриб «А» ёки «И»

унли товушини чўзиб талаффуз қилиш болага таклиф қилинади. Машқ овозсиз бажарилади. Паст овозда, аммо кучли нафас билан бажариш, оғиз ёнидан чиқаётган ҳаво оқимига, боланинг диққатини қаратиш зарур.

5-усул. «Л» товушининг талаффузи учун зарур бўлган ҳолатни таъминлашда қийинчилик туғилса, бола тилни тишлар орасидан бемалол чиқариб тилини енгил тишлаб қисганида жаф шишадиган даражада нафас чиқариш асосидаги тайёрлов машқларини бажариш. Мақсадга эришилганда овозни кўшиш керак. Натижада «Л» товуши шовқин аралаш эшитилади. Машқларни такрорлаш натижасида шовқин йўқолиб кетади.

6-усул. «Л» товуши «Н» товуши билан алмаштирилганда. Оғизда тилни ён оралиқ ҳолатини ҳосил қилиш учун тилга пластмасса чўп ёки қаламни кўндаланг қўйилади, тил уни юқори тишлар билан жипс лашганидан сўнг тил ўртаси қўйилган предмет билан бир оз пастга босилади. Бунда ўпкадан чиқаётган ҳаво учун ёнланма оралиқ ҳосил қилинади. Овоз кўшилганида эса «Л» товуши ҳосил бўлади. Меъёрда ҳосил бўлган «Л» товушини аввал бўғинларда сўнг сўзларда мустаҳкамланади.

Меъёрдаги «Л» товушини бўғинларда мустаҳкамлаш

«Л» товушини узоқ вақт чўзиб талаффуз қилинади ва унли товуш кўшиллади. Боладаги нутқ бузилишига қараб очиқ ёки ёпиқ бўғинларда мустаҳкамланади.

Очиқ бўғин

л-л-л-л-л-л-а

л-л-л-л-л-л-о

л-л-л-л-л-л-и

л-л-л-л-л-л-у

л-л-л-л-л-л-э

л-л-л-л-л-л-ў

Ёпиқ бўғин. Бир нафасда унли товуш талаффуз қилинади меъёрдаги товуш узоқ чўзиб талаффуз қилинади.

а-л-л-л-л-л-л

о-л-л-л-л-л-л

и-л-л-л-л-л-л

у-л-л-л-л-л-л

э-л-л-л-л-л-л

ү-л-л-л-л-л-л

Меъёрдаги «Л» товушини сўзларда мустаҳкамлани

«ла» бўгинида сўз бошида

лаб	лаҳза	лағмон
ланж	латта	лаззат
лаган	лақаб	лайлак
лазги	лақма	лахтак
лавҳа	лаққа	латифа
лампа	лаббай	лапашанг

«ла», «ал» бўгини сўз ўртасида

элак	атлас	жамалак
йўлак	фалла	яхмалак
сўлак	кўйлак	камалак
палак	савлат	капалак
челак	баланд	каламуш
гилам	кўклам	сумалак
талаб	давлат	қатлама
талаш	аланга	димлама
пўлат	фалаба	паҳлавон
билик	ҳижолат	мамлакат

«ла» бўгини сўз охирида

бала	калла	акула
жала	шовла	ашула
лола	қайла	гувала
алла	чилла	қабила
тола	пилла	шокила
шувъла	малла	шалола
қаъла	оила	зувала
салла	пиёла	сумбула

Ўзлантирилган сўзлардан тузилган жумла ва гаплар

Сўлакча таққан бола.

Пиёла, лаган, элак ошхонада бўлади.

Лаганга суздим шовла.

Ўзбек миллий либоси атлас.

«ал» бүгини сүз ўртасида

қалб	қалпоқ	касалхона
чалғи	салқин	чувалчанг
халат	талқон	калтакесак
салат	калхат	ҳайкалтарош

«ал» бүгини сүз охирда

кал	дағал	жанжал
асал	жадал	ҳайкал
касал	йұтал	камбағал
шагал	масал	
ғазал	сандал	
гүзал	вокзал	

Үзлантирилган сүзлардан тузилған жүмла ва ғаплар

Вокзал олдидә ҳайкал.

Асал ейди айиқполвон.

Кун салқин, кийдим қалпоқ.

Янги галстук жуда чиройли экан.

«ли» бүгинида сүз боида

лифт	лимон	ликоп
либос	лицей	лимузин

«ли» бүгини сүз ўртасида

илиқ	золим	бүшлиқ
балиқ	үтлик	сойлик
қилич	халим	силлиқ
солиқ	калиш	мажлис
әллик	калит	дүстлик
яхлит	дахлиз	пастлик
ёшлик	бойлик	тинчлик
келин	шұхлик	малика
чилим	тушлиқ	авлиё

«ли» бўғини сўз охирида	чохли	нече	тотли
учли	никод	кўҳли	тоғли
ўғли	чодэд	човли	чумоли
ёғли	жапёт	жонли	ақдли
энли	нинди	зиёли	мазали
шоли	шарод		

Ўзлаштирилган сўзлардан тузилган жумла ва гаплар

Лиққоқ шафтоли.

Ана у — Лутфулланинг ўғли.

Ховлимизда қурибди ин чумоли.

Тухумнинг пўстлоғи силиқ.

«ил» бўғини сўз бошида ва ўртасида

жилд	жилва	ёнилғи	
илон	жилға	мустақиллик	
илдиз	илиқ		
илмоқ	филоф		

«ил» бўғини сўз охирида

фил	соҳил	сингил	коғ
йил	эпчил	жамбил	пот
ўғил	ҳосил	манзил	тош
қизил	оқсил	қандил	жону
ҳазил	енгил	замбил	аюш
энгил	вакил	думбил	модло
жоҳил	қобил	хилма-хил	хонай

Ўзлаштирилган сўзлардан тузилган жумла ва гаплар

Илоннинг заҳри хавфли бўлади.

Соҳил бўйида ўсан дараҳтнинг илдизи кўриниб турарди.

Янги енгил машина олиб бердим ўғлимга.

Шомил ақлли, эпчил ва қобилиятли бола.

Ёқилғи қуиши шоҳобчасида эпчил Қобил ишлайди.

«эл», «ел» бүгінлари сүз бошида, ўртасида ва охирда					
эл	шыят	элчи	шыюз	белги	шыру
сел	шыят	эллик	шыяз	белбог	шыяу
бел	шыомур	елин	шыбор	телпак	шысю
кел	шығын	елим	шынож	елпифич	шынс
элак	шының ауданы	елка	шыңе	беллашув	шынш
электр	шының орталық	елкан			

Үзлантирилган сүзлардан тузилган жумла ва гаплар

Молга бердим ем.

Елкан ясади акам, уни елимладим мен.

Үглимини елкамга опичиб олдим.

Белга боғланг белбогни.

«ло» бүгіні сүз бошида

лой	шынж	лойқа	шынж	лочира	ноли
лола	шынж	лозим	шынж	лолақизғалдоқ	ноли
ловия	шынж	лочин	шынж		

«ло», «ол» бүгінлари сүз ўртасида

лол	шынж	үтлоқ	шынж	япалоқ	шыф
тол	шынж	эълон	шынж	үқилон	шын
шол	шынж	булоқ	шынж	қишлоқ	шынж
улоқ	шынж	алоқа	шынж	бұтaloқ	шынж
улов	шынж	зилол	шынж	шапалоқ	шынж
салом	шынж	глобус	шынж	чақалоқ	шынж
гилос	шынж	йиғлоқ	шынж	исмалоқ	шынж
ўғлон	шынж	жавлон	шынж	учовлон	шынж
ёлғиз	шынж	жаллод	шынж	талофат	шынж
авлод	шынж	мүйлов	шынж	малоҳат	шынж
палов	шынж	тошлоқ	шынж	халоват	шынж
палос	шынж	қоплон	шынж	окілона	шынж
қулоч	шынж	шолғом	шынж	мулоҳаза	шынж
қулоқ	шынж	пишлоқ	шынж	Марғилон	шынж
яйлов	шынж				

«ло» бўғини сўз охирида

аъло

Лайло

ялло

Шаҳло

абирико ёғи интифо «ло»

тилло

имло

Ўзлаштирилган сўзлардан тузилган жумла ва гаплар

Қалдирғоч лойдан ин ясайди.

Лола лолазордан лола терди.

Бизнинг боғда пишади олхўри-ю, олча, гилос.
Эллик, олтмишгача санашини ўргандим.

«ол» бўғини сўз боши ва сўз охирида

қол

бол

гол

ҳол

тол

мол

увол

савол

.сопол

соқол

кулол

поҳол

мақол

ниҳол

рўмол

жамол

қўпол

шамол

қирол

шоқол

мажнунтол

Ўзлаштирилган сўзлардан тузилган жумла ва гаплар

Тол дараҳтида бор ниҳол.

Сопол синса бўлади увол.

Устага керак болға-ю, болта.

Эчкида бўлади соқол.

«лу» бўғини сўз бошида

лунж

лукма

лугат

лутф

луччак

«лу», «ул» бўғинлари сўз ўртасида

қулф

улуш

улуғ

зулф

кулба

кулча

тулки

зулук

улоқ

лутф

тузлук

вулқон

гулгун

зулмат

гулхан

гулқофоз

гултувак

гулғунча

«ул» бўғини сўз охрида

қул	оамн	шовул	оок	тановул	оав
пул	оамн	довул	оухш	саксовул	оак
кул		булбул		қоравул	
овул		ясовул			

Ўзлаштирилган сўзлардан тузилган жумла ва гаплар

Бофимда сайрайди булбул.

Денгизда кўтарилиди довул.

Осмонда булат бўлди пайдо.

Тузлуқ тўла туз.

«лў» бўғини сўз бошида

лўм		лўппи	
лўнда		лўмбоз	

«ўл» бўғини сўз ўртасида

тўла		чўлтоқ		йўловчи	
кўлтиқ		тўлқин		йўлбарс	
кўлқоп		йўлдош			

«ўл» бўғини сўз охрида

кўл		дўл		кўл	
ҳўл		мўл		гўл	
йўл		тўл			

Ўзлаштирилган сўзлардан тузилган жумла ва гаплар

Йўловчилар учун йўл.

Ҳўл қўлқоп.

Далада ҳосил мўл.

Ҳайвонот боғида бор йўлбарс.

Умумий ўзлаштирилган сўзлардан тузилган жумла ва гаплар

Менинг кучугимнинг зоти лайча.

Бизнинг қишлоқда лайлаклар ин қурган.

Лаззатли таом.
 Туғилган кунимда менга рангли қалам совға қилишди.
 Акам билан мен яхмалак учдик.
 Йиртқич ҳайвон акула.
 Бола айтган ашула.
 Онам укамга айтди алла.
 Ерни қазиб топдим чувалчанг.
 Линейкада чиздим түғри чизиқ.
 Келинойим менга узатди иссиқ чой.
 Жала қуиди, ер бўлди лой.
 Катталарга салом бермок одобландир.
 Осмондаги қўёшли беркитиб қўиди булутлар.

Расмларни номланг, сўздаги «Л» товушининг ўринини топинг



Қоғияли соф нутқ маниқи

ла-ла-ла — кўчала жала.
 ла-ла-ла — ўткир тишили акула.
 ла-ла-ла — чой қуйилган пиёла.
 ла-ла-ла — лой ўйнайди шўх бола
 сал-сал-сал — касал бўлсанг егин асал.
 ли-ли-ли — отам бобомнинг ўғли

ли-ли-ли — чучвара пиширганда ишлатамиз човли.
 ли-ли-ли — совғам бор сенга туфли.
 ли-ли-ли — менинг аммам отамнинг синглиси

ил-ил-ил — ҳартуми бор катта фил

үл-үл-үл — сув ўйнагандим устим бўлди ҳўл.

ўл-ўл-ўл — яшил чироқ ёнса йўловчига йўл.

ел-ел-ел — қани укам буёққа кел.

ел-ел-ел — тоғлардан келади сел.

лов-лов-лов — оташин ёнар олов.

ол-ол-ол — асални иккинчи номи бол

ул-ул-ул — дадам бердилар менга пул.

ул-ул-ул — қофоз ёниб бўлди кул.

Топишмоқлар

Топишмоқлар жавобида «Л» товушини топинг ва болага қулий бўлган топишмоқни ёд олдиринг.

Эрта баҳор қирмизгинам,
Тоққа ёйди қизил гилам.

(лола)

Шифтга осдик битта нок,
Ёп-ёргуф бўлди ҳар ёғ.

(лампочка)

Ёруғи бор, довруғи бор,
Ўзи йўқ, овози бор.

(яшин момақалдироқ)

Қуёшга ўхшар афтидан,
Қозон қайнар тафтидан.

(олов)

Тап-тап этади,
Тагидан карвон ўтади.

(элак)

Эсмаса шамол,
Жилиши маҳол.

(елкан)

Жигар эмас жигарранг,
Бодринг каби хүп таранг.

(бақлажон)

Үтин ёар эрта кеч,
Үзи ёрилмайды ҳеч.

(болта)

Танасидан оғир боши,
Күп жойда у иш боши.

(болға)

Булут қўли очилди,
Ерга бодроқ сочилди.

(дўл)

Гилам устида оқ бодроқ.

(дўл)

Қулоги зўр елпифич,
Тумшуғида барча куч.
Тўсинни кўтарар даст,
Баҳайбат, зўрлиги рост.
Ҳайвонларнинг полвони,
Ҳиндистондир макони.
Эсга тушдими энди,
У қайси ҳайвон эди?

(фил)

«Л» товуши интирокида шеърлар

Лайлак келса, тулки-вой,
Ликобчада берди чой.

Лола лолани узмас
Лолазор ҳуснин бузмас
Лола ҳам яшасин, дер,
Лоладек яшасин дер.

«Р» ТОВУШИННИГ МЕЬЁРИЙ ТАЛАФФУЗИ

«Р» товушининг меъёрий талаффузи қўйидагича:

- лаблар жилмайган ҳолатда;
- юқори ва пастки олд тишлилар орасида бир бармоқ оралиқда очик бўлади.

— тил «қошиқ» чети шаклига келади, тилнинг ён томонлари юқориги жағ тишиларига тақалган. Олд қисми танглай ва олд тишилар томон кўтарилигандан ҳолда.

— юмшоқ танглай кўтарилигандан бурун йўлини беркитган, овоз унпайчалари жипслашган ҳамда тебранади. Ўпкадан чиқаётган ҳаво оқими босимида тил ҳам тебранади. «Р» товушининг меъёри ҳосил бўлади.

«Р» товушининг нотўғри талаффуз турлари

1. «Р» товуши ўрнига ёнида келадиган унли товушни чўзиди талаффуз қилиши: бунда «Р» товуши артикуляцияси мутлақо ишлатилмайди. Масалан: «туршак — туушак», «сурнак —суунай», «карам — кааам».

2. «Р» товушининг томоқ, титроқ товуш кўриниши икки ҳилда бўлади.

Биринчи кўриниш; артикуляция тилнинг илдиз қисми юмшоқ танглайнинг пастки четига яқинлашади ва оралиқ ҳосил қиласди. Бу оралиқдан ўтаётган ҳаво оқими юмшоқ танглайнинг тартибсиз тебранишини юзага келтиради. Натижада шовқин ҳосил бўлади.

Иккинчи кўриниш; томоқда «Р» товушини нотўғри талаффузида тилча тебранади, бунда аниқ шовқин эшитилади.

3. Иккала лаб тебраниши натижасида ҳосил бўлувчи нотўғри талаффуз. Лаб тебраниши натижасида ҳосил бўлади. От тўхтатаётган отликдек «дуу» шовқини «Р» товуши ўрнига талаффуз қилинади.



4. Лаб тиіш оралиқ ёрдамида ҳосил бўлувчи талаффуз «Р» товушини ҳосил қилиш учун бола пастки лабни тена олд тишларга текказади. «В» товушига ўхшаш товуш ҳосил қилади. Бундай нотўғри талаффуз, тил юганчаси калта болаларда учрайди. Масалан: «расм – васм», «гуруч – гувуч», «атир – атив».

5. «Р» товуши ўрнига чуқур тил орқа «F» товушини ишлатилади. Масалан: «ром – ғом», «ўрмон – ўғмон», «памидор – памидор».

6. «Р» товушини ёлашган унлиларга алмаштириш. Масалан: «ром – ём», «ўрмон – ўемон», «расм – ясм», «гуруч – гуеуч». Бу турдаги нотўғри талаффуз болаларда кўпроқ учрайди.

7. Бир урилишли «р» товушининг талаффузи. Бунда тил керакли артикуляция ҳолатига киради, аммо тебранмайди. Бундай бола талаффузида «Р» товуши борга ўхшайди, аммо бола узоқ муддатли «р-р-р-р» товушини талаффуз қила олмайди.

8. «Р» товушини «Л» товуши билан алмаштириш. Масалан: «расм – ласм», «гуруч – гулуч», «атир – атил», «ром – лом».

«Р» товушини меъёр ҳосил қилиш усуллари

Тил ости юганчаси калталиги туфайли «Р» товушининг артикуляцияси ҳосил бўлиши қийинлашади. Бунда тил ости юганчасининг ҳолатини аниқлаш зарур. 1-2-3 расмлар.

Одатда «Р» товушининг меъёрий талаффузини ҳосил қилиш маҳсус машқларни талаб этади. «Р» товушининг артикуляциясини ҳосил қилиш учун иккى йўналишда тайёрлов машқлари зарур 21-расм, 13-машқ:

1-усул. Бир қатор машқлар тилнинг тўғри ҳолатини эгаллашга қаратилган. «Р» товушининг меъёрий артикуляциясини тебранишсиз товуш ҳосил қилишга қаратилган. Болага тилни юқори тишлар ортида мустақил ушлаб тура олганидан машқлар берилади. 10-11расм, 3-машқ.

2-усул. Тилнинг тебранишини юзага келтиришга қаратилган. Умумий артикуляцион машқларда тил учун машқлари-

дан зарур бўлганини танланади. 19-21-расмлар, 11- 14-машқ-лар.

3-усул. Лаблар жилмайган ҳолатда бўлиши зарур. Тиш бир бармоқ оралиғида очиқ. Тебраниш юзага келиши учун бир нафасда зарб билан «д-д-д-д-д-д-д» товушини тез-тез такрорлашдан бошланади. Аввало машқ товушни бир тартибда 2-3 маротаба такрорланади. Худди шу тартибдаги, аммо охирги товушни кучли талаффуз қилиш талаб қилинади. Товуш кўп бора такрорланади. Бунда жағ ҳаракатлан-маслиги назорат қилинади. Фақат тил ҳаракатда бўлиши керак. Бола тишлари орасига кўрсаткич бармоғини қўйиб, машқни давом эттиради. Одатда, «Д» товушининг кетма-кет кучли талаффузида тишлар ўз-ўзидан бир-бирига яқинлашиб боради.

Лаблар жилмайган ҳолатда ва тишлар орасидаги оралиқ масофа сақланмагандага «Р» товушининг тұғри артикуляцияси ҳосил бўлмайди.

4-усул. Машқларни мустақил равишда бажара олганидан сўнг тилнинг тебранувчи ҳолатини юзага келтирувчи машқقا ўтилади. «Дин-дин-дин», «дин-дин-дин-дин-дин» бўғини узоқ муддат такрорланиши натижасида ўпкадан чиқаётган ҳаво оқимини тил учига йўналтириб, «дин-дин-дин-дринг», «дринг-дринг-дринг» сўнг «р-р-р-р-р-р-р» ҳосил бўлади.

«Р» товуши устида иш олиб борилганда боланинг ҳолатини алоҳида назорат қилиб туриш зарур. Товуш учун машқлар ўпкадан чиқаётган ҳаво оқимини кучли чиқариш ва нафас олиш билан боғлиқлиги, болани тез толиқтиради. Болани то-лиқтирмаслик зарур. Меъёрда ҳосил бўлган «Р» товушини аввал бўғинларда сўнг сўзларда мустаҳкамланади.

Меъёрдаги «Р» товушини бўғинларда мустаҳкамланаш

“Р” товушини узоқ вақт чўзиб талаффуз қилинади ва унли товуш қўшилади. Боладаги нутқ бузилишига қараб бўғинлар очиқ ёки ёпиқ бўғинларда мустаҳкамланади.

Очиқ бүғин

р-р-р-р-р-р-а
р-р-р-р-р-р-и
р-р-р-р-р-р-э

марында

харита
ахирида
хюар

мирхамат ағын

шарын бөлгү
бүжік
важк

р-р-р-р-р-р-о
р-р-р-р-р-р-у
р-р-р-р-р-р-ў

хүхар

Ёниң бүғин. Бир нафасда унли товуш талаффуз қилинади мейердаги товуш узоқ чўзиб талаффуз қилинади.

а-р-р-р-р-р-р
и-р-р-р-р-р-р
э-р-р-р-р-р-р

о-р-р-р-р-р-р
у-р-р-р-р-р-р
ў-р-р-р-р-р-р

Меъердаги «Р» товушини сўзларда мустаҳкамланш

«ра» бўгинида сўз бошида

ранг	равон	рассом
расм	ракиб	раҳмат
расо	раҳм	ракета
ракс	ранда	ракқоса
раис	раста	рамазон
разм	раъно	раҳмдил
ракам	райхон	

«ра» бўгини сўз ўртасида

врач	чорак	зиёрат
кран	тийрак	орасита
грамм	ҳазрат	қорамой
ўрам	байрам	чоррача
юрак	даражт	зирапча
дарак	дуранг	қарағай
зирак	ғуррак	нақорат
сурат	сийрак	саратон
карам	жўмрак	ҳашорат
терак	тараша	типратикан

«ра» бўгини сўз охирида

ўра	шўра	сайёра
яра	барра	чегара

қора	супра	чевара
ғұра	чехра	минора
жұра	доира	мақбара
зира	эвара	чучвара
хира	бечора	ҳамшира

Үзлаштирилған сүзлардан түзилған жумла ва ғаплар

Қарагай расмини рассом чизди.

Бола юрагини врач текширди.

Раққоса байрамда рақсга тушди.

Рахим шеърни равон ўқиди.

«ар» бүгинида сүз бошида

арк	арча	арқон
арпа	арzon	арғимchoқ

«ар» бүгини сүз ўртасида

барг	парча	зардүз
дарз	зарда	ҳарбий
дарс	дарча	фарзанд
қарс	зарра	мардона
қарз	сарой	ҳарсанг
ҳарж	карам	тарсаки
фарқ	қарсақ	саришта
ҳарф	бармоқ	дарвоза
чарх	карнай	йүлбарс
чарм	парҳез	аждаҳо
мард	саржин	марҳабо
зарб	сарғиш	дастурхон
шарпа	тарнов	жамғарма
қарши	баргак	картошка
қарға	баркаш	каркидон
барра	зардоб	зартүппи
дарра	шарбат	зарпекак
бароқ	қардош	зарпопук
жарчи	карнай	заргалдоқ

сарпа	маржон	марҳамат
сарёф	харита	тарбиячи
«ар» бўғини сўз охирида		
зар	хабар	гавҳар
жар	саҳар	жавдар
ўжар	аскар	савсар
падар	аждар	ханжар
хатар	гузар	навкар
чевар	жигар	минбар
чопар	камар	отбоқар
шакар	ҳашар	савдогар
шаҳар	зарар	бешиктебратар

Ўзлантирилган сўзлардан тузилган жумла ва гаплар

Расул ва Раъно учди аргимчоқ.
 Аждаҳо бошини чопди аскар.
 Чевар эрта саҳар тикди камар.
 Гавҳар тутиб олди бешиктебратар.

«ри» бўғинида сўз бошида	риоя	ривоят
рисқ	ривож	рисқ-рӯз
«ри» бўғини сўз ўртасида		
ярим	харита	изгирин
ариқ	айириш	доривор
ориқ	ажирим	қиринди
тирик	исириқ	чиририқ
йирик	офарин	ҳайрихон
харид	яширин	қариндош
қария	жарима	дорихона
қорин	шарият	тиришқоқ
тариқ	шудиринг	қўзиқорин
ворис	бодиринг	жўхорипоя
табриқ	ҳайрият	хиринг-хиринг

<i>«ri» бүгини сүз охира</i>	<i>нождам</i>	<i>чепары</i>	<i>шапка</i>
ари	қари	ктиңек	кеңес
дори	тери	абылда	жада
мүри	айри	абылда	жада
бўри	сўри	абылда	жада

<i>«ir» бүгини сүз ўртасида</i>	<i>ирис</i>	<i>чиройли</i>	<i>пак</i>
сирт	сирдош	кирсовун	цато
қирқ	хирмон	бўғирсоқ	чиш
чирк	тирқиши	сайиргоҳ	чатор
сирға	тиртиқ	тирговуч	жаваш
қиров	тирсак	кекирдак	чукш
чироқ	тирноқ	қўғирчоқ	
ирмоқ	қирғич	қўнғироқ	
мироб	йиртқич	чигиртка	
миршаб	сицирға	тирранча	
ширин	йигирма	ширгуруч	
ширчой			
ширмой	чиринди	атирсовун	

<i>«ir» бүгини сүз охира</i>	<i>мөнжид</i>	<i>нодир</i>	<i>шапка</i>
сир	моҳир	коң	бонд
кир	мутир	коңид	пакир
яғир	чодир		кўмири
темир	сатира	абылзато	таъсир
ҳамир	таҳир	абылзато	сезигр
патир			кампир
чайир			тандир

Ўзлаштирилган сўзлардан тузилган жумла ва гаплар

Бодринг устига тушибди шудринг.

Онам ҳамир қориб пиширдилар патир.

Темир йўлда қилдик сайр.

Ҳамир учидан патир.

«ре» бүгинида сүз бошида	тээсэф	оодын
режа	резинка	ректор
рентген	реклама	ресторан

«ер», «эр» бүгинида сүз бошида	тээсэф	оодын
ер	эрмак	срёэнгоң
эрк	эртак	эрталык
эрка	ертуг	

«ер» бүгини сүз ўртасида	тээсэф	оодын
тери	серка	термос
керак	ферма	сергүшт
терак	сергап	серсалом
терма	серсув	серқадам

Үзлаштирилган сўзлардан тузилган жумла ва гаплар
Ерёнгоқ солинган пирог.
Фермада серсут сигирлар бор.
Серсоқол серка така.
Радиода реклама

«ро» бүгинида сүз бошида	тээсэф	оодын
ром	роҳат	ромсоз
роса	Роҳила	ростгүй

«ро» бүгини сүз ўртасида	тээсэф	оодын
тароқ	сарой	қароқчи
сўроқ	исроф	бодроқ
бироқ	ирода	макарон
сароб	қайроқ	фаровон
хароб	титроқ	шарофат
чироқ	тупроқ	жароҳат
шароб	мехроб	зўравон
айрон	жайрон	навқирон
япроқ	тарози	шамчироқ
гаров	тарона	тарозбон

мерос	фаросат	юмронқозиқ
вайрон		хайкалтарош
«ро» бүгини сүз охирида		
сахро	ихтиро	
метро	фуқоро	
Бухоро		
«ор» бүгинида сүз ўртаси ва охирида		
орзу	чордона	
чорва	қорбобо	
ортиқ	тортишув	
чорбоғ	чоршанба	
тортма	транспорт	

«ор» бүгини сүз охирида

қор	бозор	диктор
фор	ёдгор	доктор
тор	моғор	зангор
айёр	бемор	зор-зор
анор	меъмор	қўчкор
диёр	ифтор	жонвор
меъёр	омбор	помидор
сайёр	сардор	жодугар
чипор	маккор	ўймакор
чинор	ихтиёр	дурадгор
абгор	такрор	навбаҳор
аттор	шудгор	миришкор

Ўзлаштирилган сўзлардан тузилган жумла ва гаплар

Сартарош ишлатар тароқ.
 Кечаси хонани ёритар чироқ.
 Рўза тутган бувимлар қилдилар ифтор.
 Бозорда сотилар анор.

«ру» бўгинида сўз бошида

руҳ	рукун	рухсат
руда	ручка	руҳоний

«ру» бўгини сўз ўртасида

уруг	қўйруқ	замбуруг
гуруч	семруг	кечқурун
труба	урушқоқ	кемирувчи

«ур» бўгинида сўз бошида

курт	хурма	курмак
юрт	гуруч	хуррак
курка	қуроқ	журъат
курак	дурра	хурсанд
муруч	сурнай	қурбақа
сурат	мурғақ	супурги
сурма	туршак	хурмача
суруп	хуржун	қовурға
турна	бургут	дурадгор
бурга	бурчак	қовурдоқ
гурзи	гүгурт	табаррук
қуруқ	дурбин	дастурхон

«ур» бўгини сўз охирида

тур	зовур	манзур
охур	чуқур	суксур
жасур	танбур	тengқур

машхур

Ўзлаштирилган сўзлардан тузилган жумла ва гаплар

Сурнай чалинди, биз бўлдик хурсанд.

Мошхўрдага мурч солдим.

Турналар баҳорда учиб келадилар.

Коптогим чуқурга тушиб кетди.

«рў» бўгинида сўз бошида			
рёе	рўкач		рўдапо
рўза	рўмол		рўйхат

«рў» бўгини сўз охирида			
бўр	зўр		кўр
тўр	ғўр		кўры
шўр			

«ўр» бўгинида сўз бошида ва ўртасида			
кўрк	ўрдак		тўргай
мўрт	кўрик		сўргич
тўрт	хўрда		кўрфаз
тўра	тўрва		кўргон
ўрим	бўрон		кўрпача
ўрин	шўрва		кўргазма
ўроқ	кўрпа		тўрковоқ
ўртоқ	хўроз		мошхўрда
ўрмон	бўрсиқ		кўрсичқон
ўркач	кўркам		кўршапалак

Ўзлаштирилган сўзлардан тузилган жумла ва гаплар

Мазза қилиб ичдик шўрва.

Куртнинг мазаси шўр.

Туяда бўлади ўркач.

Ўрдак, хўроз – уй паррандаси.

Умумий ўзлаштирилган сўзлардан тузилган жумла ва гаплар

Рассом чизган расмга разм солдим.

Опам рақс тўгарагига қатнашади.

Бизнинг ҳовлида райхон ва раъногул ўсади.

Ҳашоратлар дараҳт пўстлоғи остига яширинишиади.

Бобомнинг набира-ю, эвара, чеваралари кўп.

Дадам бизга арқондан арғимчоқ ясаб бердилар.

Сарёғ солинган ликопча.

Шаҳардан келди хабар.
Изгиринда дарахтларнинг шовуллаши эшитилади.
Мўридан чиққан тутун.

Чиройли кўйлагим йиртилиб қолди.

Дадам бодроқ олиб бердилар.

Деворга ишлов берди меъмор.

Расмларни номланг, сўздаги «Р» товушининг ўрнини тошинг



Рубоб



Карам



Сигир

Қофияли соғ нутқ машиқи

ра-па-па — йиқилиб тушдим обёфум, яра.

ра-па-па — акам чалар доира.

ра-па-па — мен бувимга набира.

ра-па-па — ошга солинган зира.

ар-ар-ар — ойи, чойимга солинг шакар.

ар-ар-ар — Тошкент чиройли шаҳар

ар-ар-ар — кўйлак тикади чевар.

ри-ри-ри — тегмасанг чақмайди ари.

ри-ри-ри — ўрмонда яшайди бўри.

ри-ри-ри — касал бўлсанг ич дори.

ир-ир-ир — ошиб чиқди ошхамир.

ир-ир-ир — роса ўйнаб бўлибди кийимим яғир.

ир-ир-ир — бувим ёпдилар патир
ро-ро-ро — ер тагида юради метро.
ро-ро-ро — сувсиз, дараҳтесиз сахро.

ор-ор-ор — минг йил яшайди чинор.
ор-ор-ор — тузалиб кетди бемор.
ор-ор-ор — фирчиллайди оппоқ қор.

ур-ур-ур — туртилиб кетдим сизга кечирасиз, узр.
ўр-ўр-ўр — овқат бўпти жуда зўр.
ўр-ўр-ўр — ёзиш учун мана бўр.

Топишмоқлар

Топишмоқлар жавобида «Р» товушини топинг ва болага кулагай бўлган топишмоқни ёд олдиринг.

Кенг фазони қучади,
Ойлаб-йиллаб учади.
(ракета)

Қоғозни қоралайди,
Ҳарфни саралайди.
(ручка)

Бир бурчақда сўзлайди,
Фам чалади, кўйладиди.
Ҳамма унинг сўзлаган,
Хабарини тинглайди.
(радио)

Эрта турар — жар чақарар.
(хўрот)

Бир саф унинг тишлари,
Кесиш, бўлиш ишлари.
(аппа)

Жилға десам, оқмайди,
Илон десам чақмайди.
(арқон)

Новдаларнинг қулоғи,
Кислороднинг булоғи.
(япроқ)

Майда ёқутдек қызил,
Шириң нордон хилма-хил.
Қалин тахир пўсти бор,
Ҳамма ерда дўсти бор.
Сен айтчи қизим Гулнор,
буми дадавой
(анор)

Тишламоқ нуқул иши,
Дурадгорда юмуши.

(appar)

Челаклаб сув олиб келди,
Шамол йўлга солиб келди.

(ёмғурп)

Эгаси билан юради,
«дук-дук» қилиб турари.

(юрак)

Баланд темир уй юарар,
Бурни тоғларни суарар.

(экскаватор)

Ўзи пиллага ўхшар,
Ичи тиллага ўхшар.

(ерёнғоқ)

Ўзи букир тиши ўткир.

(ўроқ)

Пишмагани мазза,
Пишгани bemaza.

(бодринг)

Эрта баҳор кулади,
Совуқ тушса тўкилади .

(барг)

ир-ир-ир — Яланғочдир түшса совуқ,
ро-ро-ро — Кийим кияр бўлса иссиқ.
ро-ро-ро — (даражат)

Тикувчи эмас, бичувчи эмас,
ор-ор-ор — Нинаси анча экан, ёвга санчар экан.
ор-ор-ор — (типратикон)

Қат-қат тўнли, қарич бўйли.
ур-ур-ур — (карам)

Ур-ур-ур — Маконидир далалар,
зр-ур-ур — Ер тагида болалар.
(картошка)

«Р» товушин иштирокида шеърлар

Раъногул, ҳай раъногул,
Рангинда кўп маъно гул.

Расмга қараб ранжима кўзим,
Ростини айтсам, рассоми ўзим.

«Л» ва «Р» ТОВУШЛАРИНИНГ ДИФФЕРЕНЦИЯСИ

“Л” ва “Р” товушларининг бир сўзда талаффуз қилиниши бола лугатида эркин ҳолатда ҳар бири алоҳида ҳосил бўлгандан сўнг, куйидаги босқичга ўтилади. Ҳар бир товушга алоҳида аҳамият бериб талаффуз қилиш ва нутқда мустаҳкамлаш босқичма-босқич олиб борилади.

Логопед бўғинларни ёки сўзларни талаффуз қиласи сўнгра болага такрорлашни таклиф этади. Бола ҳар бир товушни ўз ўрнида талаффуз қилаётгани назорат қилиб борилади.

«Л» — «Р» товушларининг бир бўғинда талаффуз қилинини

ла-ра-ла-ра	ра-ла-ра-ла
ар-ал-ар-ал	ал-ар-ал-ар

ли-ри-ли-ри	ил-ир-ил-ир
ри-ли-ри-ли	ир-ил-ир-ил

э-э-э-э-э	эл-эр-эл-эр
рэ-лэ-рэ-лэ	эр-эл-эр-эл
ло-ро-ло-ро	ол-ор-ол-ор
ро-ло-ро-ло	ор-ол-ор-ол
лу-ру-лу-ру	ул-ур-ул-ур
ул-ур-ул-ур	ур-ул-ур-ул
лў-рў-лў-рў	ўл-ўр-ўл-ўр
рў-лў-рў-лў	ўр-ўл-ўр-ўл

«л», «р» товушларининг бир сўзда талаффуз қилиниши

рул	жулдири	гармсел
рол	зарҳал	белкурак
рельс	золдири	ғилдирак
орол	олхўри	гулкарам
литр	доллар	чилдирма
рояль	залвор	йилтироқ
разм	болари	қаландар
қурол	асалари	қалампир
илфор	реклама	тўғрилик
лапар	эрталаб	лайлакқор
лазер	ялтироқ	чархпалак
рўмол	атиргул	фаллакор
лобар	эрталик	қирғовул
лангар	қорамол	ширинлик
тарғил	қоровул	серсавлат
тулпор	қоракўл	олачипор
лашкар	лолазор	карнайгул
ғалвир	кислород	қалдирғоч
ертўла	килограмм	кўршапалак
бирлик	сарлавҳа	йилқибоқар
жарлик	ёдгорлик	зогорабалиқ
чилвир	лойхўрак (куш)	

Үмумий ўзлаштирилган сўзлардан тузилган жумла ва гаплар

Поезд, метро, трамвайга керак рельс.

Ертўлага кузда солдик сабзавот.

Ойим олиб келдилар гулкамам.

Қишида ёғар лайлак қор.

Бизнинг айвонга ин курди қалдирғоч.

Қоғияли соғ нутқ машиқи

ул-ул-ул — машинада бўлар руль.

тер-тер-тер — ишлаб, чарчаб чиқди пешонадан тер.

ол-ол-ол — каттакон денгиз Орол.

яль-яль-яль — опам чалади рояль.

ол-ол-ол — жангчидаги бўлар қурол.

ар-ар-ар — қизлар айтади лапар.

ол-ол-ол — бувимга бердик рўмол.

ил-ил-ил — олма пишибди тарғил.

ор-ор-ор — отлар сараси тулпор.

ир-ир-ир — уйимизда бор ғалвир.

арс-арс-арс — ўрмонда яшар йўлбарс.

дир-дир-дир — Ватанини севмоқ иймонландир.

ри-ри-ри — боғда тердик олхўри.

ри-ри-ри — асал берар болари.

ул-ул-ул — хушбўй, гўзал атиргул.

ол-ол-ол — зотли, серсуг қорамол.

ул-ул-ул — тунда ишлар қоровул.

ўл-ўл-ўл — ҳосилимиз бу йил мўл.

ол-ол-ол — синиб тушди катта тол.

рак-рак-рак — қор курайди белкурак.

рак-рак-рак — айланади филдирак.

лик-лик-лик — мен севаман ширинлик.

лак-лак-лак — сув чиқарар чархпалак.

лак-лак-лак — тунда учар күршапалак.

ул-ул-ул — очилибди карнай гул.

лиқ-лиқ-лиқ — биз тутдик зогорабалиқ.

қар-қар-қар — қүёшга ўхшар кунгабоқар.

ТИЛ ОРҚА «К» ВА «Г» ТОВУШЛАРИ

«К» товушининг меъёрий талаффузи

«К» товушининг меъёрий талаффузи қуйидагича:

— юқори ва пастки олд тишлар ўртасида муайян оралиқ масофа сакланади.

— тил учи оғиз ичидан туширилган ва ичкарига тортилган, тил та-насининг орқа қисми танглай томон кўрарилган.

— ўпкадан чиқаётган ҳаво тил танглайига тегиб турган жойдан босим остида портлаб ўзига хос шовқин билан отилиб чиқади.

— юмшоқ танглай юқорига кўтарилган, бурун йўли беркитилган, овоз унпайчалари бўшашган ҳолатда «К» товуши меъёрий талаффузи ҳосил бўлади.

«К» товушининг нотўғри талаффуз турлари

Асосан «К» товушининг тўртта нотўғри талаффузи мълум:

1. «К» ўрнига бурун аралаш «Т» товушини талаффуз қилиб алмаштириш. «К» товуши иштирок этган сўзларни қуйидагича талаффуз қилинади. Масалан: копток — топто, келдим — телдим, калит — талит.

2. «К» товушини «Х» товушига алмаштириб талаффуз қилиш. Масалан: копток — хоптох, келдим — хелдим, калит — халит.



3. «К» товуши ўрнига бола бўғизида бир урилишлик ўзига хос чертгига ўхшаш овозни талаффуз қиласди. Ушбу талаффузни ёзма ифодалаш қийин бўлганлиги сабабли мисол келтирилмади Бундай талаффузни фақат амалда кўриш мумкин.

4. Ўз талаффузида «К» товушини ишлатмаслик сўзда келаётган кейинги унли товушни чўзиб талаффуз қилинишига сабаб бўлади. Масалан: копток — оопто, китоб — иитоп, калит — аалит.

«К» товушини меъёр ҳосил қилиш усуллари

«К» товушининг нотўғри талаффузини юзага келтирадиган сабаблардан бири, оғиз бўшлиғидаги анатомик камчиллик ҳисобланади. Қаттиқ танглайнинг баландлиги ва торлиги. «К» товушининг тўғри талаффуз қилишда керакли артикуляцияни эгаллашда тўскىнлик қиласди яъни тил танглайга маҳкам жипслаша олмайди. Болани оғиз бўшлиғини текшириш вақтида бундай камчилик яққол кўринади.

1-усул. Кўзгу рўпарасида болага тўғри артикуляция кўрсатилади ва тақлид қилиш таклиф этилади.

2-усул. Болага оғзи очиқ ҳолатида, «та-та-та» бўғинини кетма-кет талаффуз қилдириб, тил учини пастки олд тишлар томон зондда ёки бола бармоғи билан босилади ва оғиз ичкарисига оз-оздан итариб борилади. Бола тақрорлаётган «та-та-та» бўғини тя-тя-тя бўғинига айланади. Тил ўргаси танглай тамон кўтарилигани сайин «тя» ўрнига «кя» бўғини эшитила бошлайди. Тил ўргаси танглай томон батамом кўтарилиб танглайга жипслашганда «ка-ка-ка» бўғини эшитилади. Машқ давомида «К» товушини болага эслатмаслик зарур. Намуна сифатида кўрсатилганда, бошқа кўринишдаги камчилик бола нутқида ҳосил бўлиши мумкин

«К» товушининг меъёрий талаффузини ҳосил қилиш ҳар бир болада ҳар хил бўлади. Бир болада бир машғулотда натижага эришиш мумкин. Айрим болаларда босқичма-босқич ўтади, бир машғулотда «тя» бўғини сўнг «кя» бўғинини, кейин эса «ка» бўғини ҳосил қилиш мумкин.

Тез суратларда «К» товушининг меъёрий талаффузига эришишга уриници, бола тили ва танглайнинг жислашув ҳолатини ҳис қилинида қийналса, натижада меъёр ҳосил бўлиши ноаниқ бўлиб қолади. Товуш устида иш олиб борилганда бола ҳолатини назорат қилиб туриш ва имкониятини ҳисобга олиш зарур. Баъзи болаларда оғзига зонд билан таъсир қилинганда ўқчиқ пайдо қилиш, йиғлаш, инжиқлик қилиш ҳоллари учраб туради. Бундай ҳолларда боланинг бармоғидан фойдаланиш мумкин. Боланинг қўлини яхшилаб ювиб, кўрсаткич бармоғини зонд ўрнига тил учини босишда фойдаланиш мумкин. Қатор машқлардан сўнг «К» товуни мустаҳкамлангач болага товуш ҳосил бўлганини маълум қилиш, намуна сифатида кўрсатиш мумкин. Меъёрда ҳосил бўлган «К» товушини аввал бўғинларда сўнг сўзларда мустаҳкамланади.

Меъёргаги «К» товушини бўғинларда мустаҳкамланаш

«К» товуши аниқ чўзиб талаффуз қилинади ва унли товуш қўшилади. Боладаги нутқ бузилишига қараб очиқ ёки ёпиқ бўғинларда мустаҳкамланади.

Очиқ бўғин

К-К-К-К-К-А

К-К-К-К-К-К-И

К-К-К-К-К-К-Э

К-К-К-К-К-К-О

К-К-К-К-К-К-У

К-К-К-К-К-К-Ў

Ёпиқ бўғин. Бир нафасда унли товуш талаффуз қилинади меъёргаги товуш узоқ чўзиб талаффуз қилинади.

А-К-К-К-К-К-К

О-К-К-К-К-К-К

И-К-К-К-К-К-К

У-К-К-К-К-К-К

Э-К-К-К-К-К-К

Ү-К-К-К-К-К-К

Меъёргаги «К» товушини сўзларда мустаҳкамланаш

«ка» бўғинида сўз бошида

кам

камар

кампир

кал

камон

капгир

кафт	канал	каптар
кабоб	каноп	карвон
калиш	карам	карнай
какку	карра	каклик
калит	кашта	камалак
калла	калава	каламуш
калта	калтак	кашфиёт
касал	калхат	картошка
кашнич	карнайгүл	

«ка» бүгүни сүз ўртасида

елкан	навкар	бачкана
тикан	такрор	жафокаш
шакар	таклиф	таваккал
улкан	ҳайкал	мураккаб
лашкар	чакана	мукаммал
баркаш	пакана	хокондоз
мактаб	исканжা	саркарда
мактуб	адвокат	баркамол
марказ	назокат	ҳазилкаш
маҳкам	маҳкама	аравакаш
маҳкум	жирканч	ёлғондакам

«ка» бүгүни сүз охирида

дока	якка	чўкка
така	серка	тикка
бека	сирка	бонка
ўлка	мукка	тўнка
ўпка	доска	чакка
елка	чекка	ботинка
эрка	хакка	математика

«ак» бүгүни сүз бошида

ака	ака-ука	актриса
акс	аксинча	акустик
акула	академик	акация (дараҳт)
актёр	аксириқ	

«ак» бүгини сүз охирда	шак	ишишкі	гүдак	жанык	тепек
ичак	ишишкі	гажак	майык	тентак	цик
үзак	ишишкі	етмак	ботни	тиргак	тик
ипак	томоккі	бешак	ишишкі	турмак	тіккі
элак	ишишкі	билак	ишишкі	қарсак	оннік
пүкак	ишишкі	энгак	ишишкі	чойнак	шиткі
илгак	ишишкі	эшкак	ишишкі	читтак	шір
хашак	ишишкі	юксак	ишишкі	буйрак	шіма
түшак	ишишкі	үрнак	ишишкі	хүштак	ніж
тилак	ишишкі	мурфак	ишишкі	чалпак	ніжін
ғовак	ишишкі	паррак	ишишкі	шиппак	нізе
үрдак	ишишкі	луччак	ишишкі	чакалак	ніже
челак	ишишкі	ғалтак	ишишкі	теварак	ніжкі
дарак	ишишкі	лахтак	ишишкі	сумалак	ніжес
эрмак	ишишкі	лайлак	ишишкі	яхмалак	ніжава
терак	ишишкі	хуррак	ишишкі	бедарак	ніжет
эртак	ишишкі	зийрак	ишишкі	дуварак	ніжет
сүлак	ишишкі	жиккак	ишишкі	беланчак	ніж
печак	ишишкі	жүмрак	ишишкі	белкурак	ніж
йүлак	ишишкі	пүстак	ишишкі	довюрак	ніж
палак	ишишкі	сийрак	ишишкі	жамалак	ніж
чорак	ишишкі	сүңгак	ишишкі	гүлтувак	ніж
малак	ишишкі	баргак	ишишкі	енгилтак	ніж
зирак	ишишкі	бурчак	ишишкі	дүнгалак	ніжес
демак	ишишкі	чуррак	ишишкі	жингалак	ніжес
данак	ишишкі	чалпак	ишишкі	бойчечак	ніжес
чүнтак	ишишкі	үргимчак	ишишкі	чүпчак	ніжес

Ўзлаштирилган сўзлардан тузилган жумла ва гаплар

Бувам етмак солиб тайёрлади нишолда, пашмак.

Эшак еди хашибак.

Қаҳрамон ҳаммага ўрнак.

Киш келди, кийдим тепек.

«ки» бўғини сўз бошида

ким	жинот	кийик	жиду	кишмиш
кир	житнот	кийим	жике	кичкина
кит	жидни	китоб	жимто	кирсовун
кифт	жекор	кишан	жашд	километр
кино	жонги	киндиқ	жимб	кинотеатр
кигиз	жанбор	киприк	жине	

«ки» бўғини сўз ўртасида ва охирида

ёки	жетиш	эркин	жанду	таркиб
икки	жакки	текис	жетоци	сепкил
эски	жапини	ўткир	жадди	покиза
эчки	жавози	лекин	жируд	шокила
укки	жопишт	секин	жотид	огзаки
экин	жекемис	ўкинч	жотик	таскин
дакки	жорумич		жаснат	тарсаки
тулки	жодарса	исканда	жадди	қалбаки
текин	жасида	адноват	жадни	чиллаки
		казокат	жасиж	ҳокисор

«ик» бўғини сўз охирида

тик	бешик	жетоуп	дўстлик
яшик	тешик	жадано	дарслик
илик	тирик	жетиф	узунлик
эшик	ёшлик	жетид	эсадалик
этик	табрик	женирд	эрталлик
шерик	тоғлик	жарид	тозалик
тушлик	ёвузлик	жимто	ёруғлик
ўзлик	бойлик	жимто	тепалик
нозик	жарлик	жимто	ёдгорлик
ойлик	тинчлик	жимто	очкўзлик
пилик	тенглик	жимто	

САЛОМ

T. Йўлдош

Йўл устида учраган
Кишига берсанг салом
Алик олиб аввали,
Сўнгра дер: — Раҳмат болам.

Саломсиз ўтсанг агар,
Шўрлик соқов экан дер.
Тилинг бўлгач, албатта,
Катталарга салом бер!

ЎРТОҚ ҚУШЛАР

P. Мўмин

Баҳор келди әлимизга
Кувонч тўлган дилимизга.
Келинг қушлар,
Учинг қушлар,
Бизлар дўстмиз доим сизга.

БУЛБУЛЧА

Жон булбулим, булбулим
Боғда очилган гулим!
Сенга қучоқ кераман,
Гулларимдан бераман.

БОЛАРИ

Қ. Мұхаммадий

Фув-фув учар болари,
Дув-дув учар болари
Гулдан-гулга құнишиб,
Шарбат ичар болари.
Болари, ҳой болари,
Фув-фув нағманғ чал,
Богимизда яирашиб,
Учиб ўйин сол, ари!
Сен қадрдон дүстимиз.
Асалинг еб ўсдик биз,
Богчамизда қол ари!

ЯХШИ БҮЛ ДЕБ

Т. Йұлдош

Яхши бүл! – деб эркалас,
Ойим мени сұярлар,
Шүхлик қылсам койиниб,
Ичларидан куярлар.

– Боласан-да, – дейдилар,
Үзим ўйлаб қоламан.
Айтғанларин қилай деб,
Йұлда ўйнаб қоламан...

ЛАЙЛАК

Ажойиб қүшdir лайлак,
Ноғора чалар тап-тап.
Думи гүзal, бир тутам,
Қизиқdir юриши ҳам.
Оёғи узун-узун.
Ҳар ёнга тикар күzin.

Емиши илон, бақа,
Күнмайди бизнинг боққа.
Чалса, бор ноғораси,
Ноғоралар сараси,
Ҳам ноғора, ҳам қүшиқ,
Ҳам құл, чўп-у ҳам тумшуқ.

КУРБАҚА

Азиз Абдураззок

– Курбақажон, қурбақа
Нега кийим киймайсан?
Доим сувда юрсанг ҳам
Нега совуқ емайсан?
Доим юриб яланғоч
Нега совуқ демайсан?

– Менга кийим керакмас,
Яхши күрган жойим сув.
Қишин-ёзин сувдаман
Менга керак доим сув.
Сувда сузіб юраман,
Ерда сакраб юраман.
Майса ўтлар ичидә
Яйраб-сайраб юраман.
Файратим зўр, совуқни
Совуқ демайман.
Доим қилиб ҳаракат,
Совуқ емайман.

КЎЗИМ ВА ҮЗИМ

П. Мўмин

(Ҳазил)

Яшасин, келса меҳмон,
Тўлиб кетар ластурхон:

Конфетлар йилт-йилт этар,
Күзларим филт-филт этар.
Шоколад, мармелади...
Хаммаси соз, галати.
Тутсам ҳамки ўзимни,
Эпломайман кўзимни...

Конфетга қўл узатиш,
Дейишади уят иш.
Менда қунт — ирода бор,
Килмасам-да эътибор —
Қарай десам бир четга,
Кўзим оғар конфетга...

БУЗОҚЧАМ

Дикир-дикир ўйноқлаб,
Чопқиллайсан бузоқчам,
Сен билан хўп чиройли
Менинг кўм-кўк ўтлоқчам.

Бойласам, шўхлик қилиб —
Арқончани узасан
Эркаланиб мени ҳам
Ҳар замонда сузасан.

Устингдаги юнгларинг,
Қоп-қора ҳамда майин,
Ўтлоғимда ўтлаб юр,
Яйраб, ўйнаб кун сайин.

Говмиш сигир бўларсан
Каттакон бўлганингда,
Суратга тушдик икков
Уч ойга тўлганингда.

АРЧА

Шодликка тўлди
Бугун дилимиз
Улуф байрамдир
Янги йилимиз.

Совғалар олдик
Яна бир кучоқ
Қорбобомиздан
Димогимиз чоғ.

Келинг, болалар
Бирга ўйнайлик.
Арча қўшиғин
Айтиб, қувнайлик.

ҚОР

Х. Ёқубов

Қор, қор, қорлар,
Атроф порлар.
Йилт-йилт нурдек,
Оппоқ ундеқ.
Шакар ундеқ,
Шакар лесам,
Агар есам,
Оғрир тишим.

Дод-дод ишим
Қор, қор, қорлар...
Атроф порлар
Йилт-йилт нурдек,
Оппоқ ундеқ.

КОРБОБО

M. Икромов

Көр ёғди гүпиллатиб,
 Қорбобо дукуллатиб
 Келиб қолди бօғчага
 Соқолин селкиллатиб.
 Олиб келған совғасин:
 Кўғирчоқ, айиқчасин,
 Танқча, тўпча, ўрдак, ғоз...

Бизга берди ҳаммасин.

Ўртада кўм-кўк арча,
 Кўшиқ айтади барча,
 Қорбобо кулиб дейди:
 – Ўйнанг, кулинг ҳар қанча

Биз ўйнаймиз, куламиз,
 Шод қўшиқлар кўйлаймиз.
 Атрофига айланиб,
 Қорбони қутлаймиз.

КИМ ТУРАР АВВАЛ

T. Убайдулло

– Сизларнинг уйингизда
 Ким турар аввал?
 Ўзингми ё укангми,
 Айт-чи, Таваккал.

– Уйимизда эрталаб,
 Чалиб ўз созин.
 Уйғонади биринчи
 Бобоқ хўрозим.

ЁМФИР ЁҒАЛОҚ

Ш. Саъдулла

Ёмғир ёғалоқ,
 Ям-яшил ўтлоқ
 Энди экинлар
 Чиқарар қулоқ.

Тарновдан ошиб
 Тушади шошиб,
 Сўнг жилғалардан,
 Оқади шошиб.

Ариқлар тўлар.
 Зўр анҳор бўлар.
 Сув сероб экан,
 Кўп пахта унар.

Ёмғирдан фойда,
 Майсага, донга.
 Юрт сероб бўлар,
 Оқ бугдой, нонга.

Ёмғир ёғалоқ,
 Томчи юмалоқ.
 Ёмғир тингандан
 Чиқар камалак.

ҚИШДА

H. Орифжонов

Роса маза қишиш,
 Қорлари – кумуш.
 Оқ кийған атроф,
 Қиши ҳавоси соф.
 Конъки учамиз

Хеч чарчамай биз.

Гоҳо қорбўрон

Ўйнаб, ким чаққон –

Билиб оламиз,

Қойил қоламиз.

ТОЙЧОФИМ

Бор менинг бир тойчофим,

Севган оним – ўртоғим:

Яқин қиласар йирофим.

Тикка қамич қулоғи

Чақнар олтин туёғи,

Дикир-дикир ўйноқи,

Толмас қўлу оёғим.

Минсам сакрайди кўкка,

Иргишлаб дикка-дикка,

Чуҳ десам, тоғдан тикка,

Учиб ўтар чақмоғим.

МУГОМБИР

A. Обиджон

Нок бердингиз

Талаштириб.

Кетинг энди

Яраштириб.

Бўлинг

Топиб ўртасин.

Менга беринг...

Каттасин.

ЮРИНГ, БОЛАЛАР

Х. Муродов

Қиши қорин супуриб,

Кулди далалар.

Гул тергали ҳув тоқقا

Юринг, болалар.

Йўлимизга поёндоз

Ёзган баҳоржон.

Худди кўнглимиз каби

Чарақлар осмон.

АЛЛА

Ёт болам, ухла, қўзим!

Уйларда ўчди чироқ.

Ухлар асаларилар,

Ухлар балиқлар тинчроқ.

Кўкда ой ярқирайди,

Деразадан қарайди,

Кўзларингни юмгин, қўзим,

Ёт қувончим, қундузим!

Алла-алла!

ҚЎЗИҚОРИН

Гур-гур момоқалдироқ,

Яшин тиши ялтироқ

Шамол, булут ўйнашди,

Бир-бирини қувлашди.

Жала, ёмғир, сел қуйди,

Дала бетини ювди.

Бирдан ҳаво очилди,

Қуёш нури сочилди,

Биз чиқдик дала-боққа,

Күзиқорин термоққа.
Этак-этак тердик биз
Уйга олиб келдик биз.
Қовуриб берди ойим,
Күзиқорин мулойим.

МУРАББО

Олхўри пишди,
Қозонга тушди.
Шакар, сув билан,
Шунда топишиди.
Ўчоқда олов,
Ёнади лов-лов.
Учала ўртоқ,
Ишлар қозонда.
Қайнашар инок,
Менман пазанда.
Бир-бирин улар,
Қўллашиб ишлар.
Тинмай қайнashiб,
Бўлишидилар бол.
Энди улардан,
Мураббо тайёр.
Келгин ўртоқжон,
Қиласман меҳмон.

ЁМФИР

Шар-шар қуяр ёмфир-ей,
Ёмфир мунча топқир-ей.
Кўчада бўлсам топар.
Майдонда юрсам топар.
Устимга чак-чак томар.
Эй, эй, тўхта, шошмай тур,
Кўп ҳаддингдан ошмай тур.

Мени бир тополмагин.
Сувингни сеполмагин,
Уйга кириб зинғиллаб,
Турдим ойнадан қараб.

КАККУ

Ҳар қуш ҳар хил сайрайди,
Бор қуш ҳар хил сайрайди:
Каптар сайрап гу-гулаб,
Мусича-чи, ку-кулаб.
Чирқ-чирқ, дер митти чумчуқ,

Қоқ-қоқ, деб куйлар товуқ.
Ўзим қандай сайрайман.
Сайрайману яйрайман.
Как-ку, как-ку!
Бу ўзимнинг отим-ку!

ТЎЛҚИНЖОН

Қ. Ўтаев

Ўзи ерда-ю
Ақли қуёшда
Сирли жумбоклар
Ечилар бошда.
Ракета ясаб
Учирсам дейди.

Қалбимда қуёшга
Кўчирсам дейди.
Шундай ўйлайди
Тўлқинжон тинмай.
Ўқир китобни
Кўлидан қўймай.

ЭШИКНИНГ ИЛТИМОСИ

Мен эшикман уйингда
«От ўйин» деб ўйлама
Курилмадим ўйинга
Ёирчиллатиб ўйнама.

Ўйнайверсанг бир куни
Ўз ўрнимдан кўчаман.
Совуқ кириб, уйингниң
Фарқи қолмас кўчадан.

Шамоллашинг ҳам мумкин,
Уйинг нордай очилиб.
Ўйнамагин шунинг-чун
Бандларимга осилиб.

МЕҲНАТ НОНИ

Х. Аминов

Ҳазил қилиб Шодига,
Чиққин десам шотига,
Тинали кўзим дейди.
Чиқа қол ўзинг дейди.
Яхши, дейди узумни,
Яхши ейди узумни.
Яхшими текин томоқ,
Меҳнатсизга овқат емоқ?
Бир гапим бор Шодига,
Кўрқмай чиқсин шотига.
Ўрганиб қолар кўзинг.
Узумни узсин ўзи.
Меҳнат noni ширин дер,
Ширин нонни ҳамма ер.

КУНГАБОҚАР

Кунгабоқар қизиқ экан,
Бағри йўл-йўл чизиқ экан:

Минг юз бир хил уяларда,
Мағзи, дони тизиқ экан.

Тонгни кулиб қаршилайди,
Тарам-тарам соч силайди.

Ўз номи ҳам кунгабоқар,
Қуёш йўлин пойлаб боқар.

Нур шайдоси қаранг ана,
Қуёш йўлин пойлар яна.

ЛОЛА

С. Барноев

Боғчасидан ҳўинг-ҳўинг йиғлаб
Келди Лола.

Дедим унга: — Хафа қилди
Қайси бола?

Сен ўшани кўрсат менга
Юргин қани.

Лола деди: — Салим бола
Урди мени.

— Оғридими бирор еринг,
Десам унга,

Пальтосини кўрсатиб, у
Деди менга:

— Салим бола
пальтомга-чи,

— Урди, ада.
Пальтом оғриб қолгани чун
Йиғладим-да...

ТОПИШМОҚЛАР

Топишишмоқларни ёд олиш ёки тинглаб жавобини топиши
кичкитойлар мавҳум тафаккурини, тасаввурини ривожлан-
тиришда кўл келади. Топишишмоққа қизиққан боланинг фикр-
лаш қобилияти ривожланади, нутқи равонлашади, луғат бой-
лиги ортиб боради.

Кулочида қўш-қўш ҳалқа,
Хизмат қиласар чарчамай ҳалқча.
Кулиб турар мисоли офтоб
Ҳамроҳидир, чанг, тор, най, рубоб.

(Чилдирма)

Қиздирсанг ишлар,
Кийим текислар.

(Дазмол)

Чўзилиб ётар нарвоң
Ундан ўтар уй карвон.

(Поезд)

Гоҳ баркашга ўхшайди,
Гоҳ бобомнинг ўроғи,
Тунда пайдо бўлгандা,
Яшнаб кетар эл боғи.

(Оўй)

Душманидир чанг, тўзон
Ишга шайдир ҳар қачон
Гардан саклар уйимни
Тоза қиласар кийимни.

(Кийим чўтка)

Чопса чопилмайди,
Ёпса ёпилмайди
Булугли кун ҳар қанча
Изласанг топилмайди.

(Соя)

Ўт оловни — тишлайди,
Оғзи куйиб — пишмайди.

(*Оташкурак*)

Тунда күриб чўф дейсан,
Тонгда туриб йўқ дейсан.

(*Юлдуз*)

Илон изли ёруғ нур,
Булутларни қучади.
Жарангдор овозидан
Еру-осмон күчади.

(*Чақмоқ*)

Ўзи жуда ҳосилдор,
Қорнида қора холи бор.
Узун яшил уйчада
Ётади қатор-қатор.

(*Ловия*)

Керагида сувга отасан,
Қимирашин пойлаб ётасан.

(*Қармоқ*)

Танга-танга тўни бор,
Миттигина кўзи бор.
Юрса сувлар жимирлар,
Қамишлар ҳам қимирилар.

(*Балиқ*)

Кўшалоқ товоқ,
Ичи тўла ёғ.

(*Ёнғоқ*)

Оппоқ, оппоқ, оппогим,
Момиқдан ҳам юмшофим.
Ичи тўла дон, ёғим,
Тўп кўйлагим, белбоғим,
Ердан унган бойлиғим.

(*Пахта*)

Ойна эмас жимирлар,

Тек туролмас қимирлар.

(Сүв)

Күлсиз, оёқсиз эшик очар.

(Шамол)

Касби доим тақир-тукур,

Қайда илон күрса чўқир.

(Лайлак)

Кагта оппоқ дастурхон

Ер юзини қоплаган.

(Қор)

Баҳор, ёз, куз қишлиайди.

Қиши пайтида ишлайди.

(Печка)

Бирлаштириб кийимни,

Иssiқ тутади сизни.

(Тугма)

Бир қушим бор жон зотини

Ўзи айтар ўз отини.

(Какку)

Оғзи йўғу, тиши бор,

Дурадгорда иши бор.

(Appa)

Кундалик тарих ўзи

Ҳар ерда унинг сўзи.

(Газета)

Тикувчимас,

Бичувчимас,

Игнаси анча экан.

(Типратикан)

Уйнинг шифтида ини,
Куйлаб берар ҳар куни
Баҳорда кутиб олиб
Кузатамиз куз уни.

(Қалдирғоч)

Ўзи қизил, гўзал бирам,
Кирга ёзар қизил гилам.

(Лолақизғалдоқ)

Пилла каби бўғиндор,
Ҳар бўғинда мағзи бор.

(Ерёнгоқ)

Узун қулоқ
Тўртта оёқ,
Ранги оппоқ,
Юнги юмшоқ.

(Күён)

Дам олади кундузи,
Хонадоннинг юлдузи.

(Лампочка)

Кучугимга ўхшайди.
Товуқни еб тўймайди.

(Тулки)

Тоғда — боғда яшайди,
Қишин-ёзин яшнайди.

(Арча)

Жойлашган беш бармоққа,
Донғи кетган ҳар ёққа,
Ватани — Ўзбекистон,
Тарбиячиси — дәҳқон.

(Пахта)

Пичоқ урсак қон чиқар,
Ҳамда фуж-фуж дон чиқар.

(Анор)

Осмонда у ярақлаб,
Кулиб турар чарақлаб.

(Қүёш)

Кўклам келса унади,
Офтоб чиқса кулади.
У баҳорнинг элчиси
Буни ҳамма билади.

(Бойчечак)

Баҳорга очиб қучоқ,
Кўкда солди арғимчоқ.

(Турна)

Оғзи бору — тиши йўқ,
Ёзда қилар иши йўқ.
Үтин, кўмир озифи
Қишда ҳузур иссиғи.

(Печка)

Ер каби думалоқ,
Ўзи эса ўйинчоқ.

(Копток)

У бир ерда қишлоамас,
Иссиқ жойни хушломас.

(Қарға)

Бир қарич келмас бўйи,
Доим бирга уйи,
Секин қимиirlаб
Юрар имиллаб.

(Тошибақа)

Уч кўзли қаранг,
Ёнар ранг-баранг.

(Светофор)

Гулзорда бир гул кўрдим,
Япроқдари ялтироқ.

Узмоқчи бўлган эдим,
Учиб кетди у шу чоқ.

(Капалак)

Совуқни совуқ сақлар,
Иссиқни иссиқ.

(Термос)

Уйингда доим соқчи,
Очмасдан кириб боқчи.

(Кулф)

Бир оғизда икки тил,
Эртаю кеч «чиқ» дейди.
Ётаверма тонг отди,
Тур боғчага чиқ дейди.

(Соат)

Кечаси очилур,
Осмонга сочишур.

(Юлдуз)

Анжир сифатли, қўшалоқ отли.
Шафтоли зотли, мазаси тотли.

(Анжир шафтоли)

Бир семириб бир озар, кун кирганда нур сочар.
(Оймома)

Тўртдир унинг оёғи, темир михли туёғи.
Манзилга стказади, тощдан қаттиқ туёғи.

(Ом)

Тишлаш нуқул иши, дурадгорда юмуши.

(Омбир)

Тоғорада шишади, тандирда у пишади.

(Оби нон)

У ёғи тоғ, бу ёғи тоғ, ўртаси сарёғ.

(Енғоқ)

Бир ота, бир она, юз бола,
Юзови хам бир бола.

(Узум)

Соқолли бўлиб, дунёга келур,
Ўзи кийикдек югуриб елур.

(Эчки)

Бир түр Бирор келингни, дарров,
Бу хилди Бирор келингни, бераман «вов-вов».

(Ит)

Пак-пакана бўйи бор,
Иккни Кават-қават тўни бор.

(Пиёз)

Ўрамаси эшилиб,
Ёғоч қолди тешилиб.

(Парма)

Оппоқ тоғлар уюм-уюм,
Ундан бўлар кўрпа-кийим.

(Пахта)

Ерга тушса оқ тутун,
Хиралашар кўз бутун.

(Туман)

Чак-чак этиб тушади,
Зарби томни тешади.

(Томчи)

Хоппа семиз, бир туки йўқ.

(Тарвуз)

Хунари кўп ишласа,
Агар токни тишлиса.
Текисланар ҳар фижим,
Чизиқ бўлиб қолар шим.

(Дазмол)

Ярим палла, ярим шар,
Кийсам менга ярашар.

(Дүппи)

Үзи темир, боши қопқоқ,
Иморатга керак ҳар чоқ.

(Мух)

Құли йүқ темир ушлар,
Оғзи йүқ темир тишлар.

(Магнит)

Эңг тотли улуғ неъмат,
Дастурхонга күрк зийнат.

(Нон)

Бўғдойзорда йўғрилганман,
Тандирда туғилганман.
Дастурхон зийнатиман,
Топинг-чи, мен нима-ман?.

(Нон)

Анжиннишниң қашақ нағыз.

(мінгдорлик хотли, мазаси тосли)

Бир салорину таға жағашлағаси Ҳанда нур сочар.

(им.) (Омона)

Түртнир уннаноёт ҳинте на-яйзи түғи.
Манзілта синишот, нимот, нобретик түғи.
(мінг.)

(Ом)

Тинжай иккүйдикимоқ кишиб юмуши.
(евверт)

(Омбир)

Тогорада шидомашинада көрді.

Ал эзгашт инжот ғылА (Оби нон)

У ёзи токтап мюкит ғау.

Текшергенде көбінше көзінде.

(конек) (Енгок)

Нұдаа Йұлдошқа түбітес айттылар Күвондықнинг қоюмшыларының көзінде

ТЕЗ АЙТИШЛАР

Халқ оғзаки ижодида тез айтиш ўзига хос аҳамиятта эга.
Кичик ҳажмга эга бўлган тез айтишлар кичкитойлар учун
яратилган бўлиб, у сўзларни тўғри, оҳангдор талаффуз
қилишга ўргатади. Масалан:

Салим арралайди, Лола аллалайди.

Бир туп тут, бир туп тутнинг тагида бир туп туруп.

Бу хилдаги тез айтишлар боланинг ақлий қобилиятини,
зеҳни, сезигрлигини ривожлантириб, нутқни аниқлигини
тезлигини яхшилади.

Икки айиқ қайиққа қаради,

Оқ айиқ олдин қарадими,

Қора айиқ олдин қарадими?

Тош жонсизмиш

Мош тошсизмиш.

Шамол шовуллаб шовқин солди.

Шалпанг қулоқ қўрққанидан

Шатолоқ отиб қолди.

Шавкат қайга шошади

Жавлони тошиб ошади.

Сора аллалайди,

Рашид арралайди.

Боққа кирдингми?

Узум олдингми?

Ари чақдими?

Жиз-биз, жиз-биз.

Шокир шолипояда шовқин солиб, шақилдоқни шақил-
латди.

Бир жуфт чўп кўпми, кўш жуфт чўп кўпми.

Жамила жийдани жойига жойлади.

Шу мушук, шум мушук, шумшук мушук.

Тез айтишни тез-тез айт.

Совуқда тустовуқ совуқ қотди.

Боқи боқа, Соқи тоқقا борди.

Саодат соатини соатсозга созлатди.

Күш күлкөп, қүшови ҳам бүш күлкөп.

Гулсара гул саралаб гул санади.

Тубсиз денгиз дедингизми? Денгиз тенгсиз дедингизми?

Бир туп тут, бир туп тутнинг тагида бир туп турп! Бир туп тут бир туп турпнинг томирини туртиб турибди, бир туп турп бир туп тутнинг томирини туртиб турибди.

Жүхорини чумчук еб кетди.

Эгаси эртага келаман деб кетди.

Оқ чойнакка оқ қопқоқ.

Күк чойнакка күк қопқоқ.

Жүжә чүчиб

Гүжа чүқир.

Човли — симдан,

Човгум — мисдан.

Мошдан тош, тошдан мош бўлмас.

Күк ўрик кўприкдан ўтгач кўринди.

Оқил оқ олма олди, оқ олмани Оқил олди.

Йўлда Йўлдошга йўлбарс йўлиқди.
Кувондиқнинг қовун қоқиси Қовунчидан.

Металлчи Мутал металли деталь ясади.

Нонвой Норвой нон ёпар,
Нонин новвот, деб сотар.

Қишда кишмиш пишмасмиш, пишса кишмиш қишмасмиш.

Кўнгироқ қўғирчоқникими, қўзичоқникими?

Чумчуқ чуғурчукни чўқимаса,
Чуғурчук чумчуқни чўқимайди.

Кўк қўғирчоққа кўп мунчоқ,
Кўп қўғирчоққа кўк мунчоқ.

Кўк отга ўт бердим,
Оқ отга терт бердим.

Қалин қорга қора қарға
Зўрга қўнди, ана қара.

Асад асил асал сақлайди.

Олма шохидা, Олмахон.
Олмани олма, Олмахон.

Жўра жўрга жўр бўлди.

Боқи ботир бузоқ боқар.

Овлоқда овчи овин овлар.

Ҳалимани санама,
Салимани сана.

Пирпирак пириллайди, пирилдоқ чириллайди.

Сотовлди босволди қовун сотиб олди.

Тубсиз денгиз дедингиз-ми?

Денгиз тубсиз дедингиз-ми?

Курилишда бурилиш,

Бурилишда қурилиш.

Толиб турпни торозида тортиб топширди.

Эркин эгатта эртаки экин экди.

Содиқ сариқ қалам билан,

Сариқ сабзини расмини чизди.

Сенда бори элда бор,

Элда бори сенда бор.

Соҳиба саҳифани синчиклаб ўқиди.

Саодат соатни соатсозга созлатди.

Лола аллалайди, Салим арралайди.

Турғун пиёзни тез тозаладими?

Турсун пиёзни тез тозаладими?

Чумчук чуғурчуқни чўқимаса,

Чуғурчуқ чумчукни чўқимайди.

Ҳасан Ҳусанга холва бердими?

Ҳусан Ҳасанга холва бердими?

Тўлқин топишмоқни тўғри топди.

Мавжуда ҳовлида, синглиси қўлида.

Олтита отлик отчопарга отда отланди.

ҲИКОЯЛАР

Ҳикояларни ўқиб бериш боладан мазмунини сўраш бола оғзаки нутқини, хотирасини шакллантиради. Воқеалар кетма-кетлигини тузишда, ҳикоя мазмунини талқин этишга ўргатади.

дегандек уминг атрофика
гинг килиб ушлаб кетди **Дилоро**

Ордан бир оз ишт ўти мурғанинг юзид **Мирмуҳсин**

Тўлқин билмасдан Дилоронинг оёғини босиб олди. У «кечир, билмай қолдим» деган сўзни айтмоқчи бўлиб турган эди, Дилоро Тўлқиннинг юзини тимдалаб олди. Тўлқин юзини ушлаб анча вақтгача йиглади.

Эртасига яна шундай бўлди. Феруза деган қизнинг контоги Дилорога тегиб кетди. Аччиғи чиққан Дилоро Ферузанинг ҳам юзини тимдалаб олди.

— «Кечир», — деди Феруза ва юзларини ушлади.

Индинига Дилоро билмасдан Тўлқиннинг оёғини босиб олди, Дилоро: «Хозир Тўлқин юзларимни тимдалаб олади», — деб индамай, қўрқиб тураверди.

Тўлқин Дилорога яқин келиб «кечир, деб айтмайсанми, Дилоро?» — деди.

Дилоро секингина «кечир», — деди. Тўлқин «Зарари йўқ, Чунки сен билмасдан босиб олдинг», — деди-да яна югуриб ўйнаб кетди.

Кечқурун уйда дадаси, опаси, акалари олдида Дилоро гапира бошлади:

— Тўлқинни оёғини босиб олган эдим, юзимни тимдалаб олмади. Феруза ҳам юзимни тимдалаб олмади.

— Тўлқин яхши бола, — деди Дилоронинг акаси — яхши болалар ҳеч урушмайди!

Дилоро ҳам ёмон қиз эмас. Боғчамизга келсангиз, уни кўрасиз, у энди ҳеч ким билан урушмайди, кийимларини кир қилмайди. Дилоро яхши қиз.

Билмай қолиб

A. Ирисов

Райхон ёнғоқ чақиб еди-да, пүчөгини оёқ остига ташлади. Акаси Бахтиёр чопиб чиққан эди, у ёнғоқ пүчөгини босиб олди, пүчоқ оёғига кириб қонаатди. Бахтиёр йиғлади. Бахтиёр-га құшилиб Райхон ҳам йиғлади. Чунки у акасининг оёғи оргиётганига раҳми келиб кетди. Унга ёрдам бергиси келар эди-ю, лекин құлидан келмасди.

Тош

A. Ирисов

Бир бола йўлда кетаётса, оёқ остида бир каттагина тош ётган экан. Бола: «Мен тошга қоқылмай ўтиб олдим, керак одам ўзи суреб олар» деб тошни четга суреб кўймабди. Лекин шу пайтда нима бўлибди-ю, рўпарадан бир новвос думини хода қилиб, шаталоқ отиб чиқиб қолибди. Буни кўрган бола кўрқиб кетиб, орқасига ура қочибди ва келиб ҳалиги тошга қоқилиб, йиқилиб тушибди.

Шиш

H. Орифжонов

Ўртоқлари билан бекинмачоқ ўйнаб чарчаган Абдумутал ҳовлига ҳансирақ кириб келди. Юзидаги терларига чанг ўтириб, лой бўлиб кетган эди. У водопроводнинг олдида қотиб қолди. Дадаси олиб қелган ананас қовун устига сув шилдираб оқиб турарди.

— Қовун сўйиб беринг, — хархаша қилди Абдумутал онаси Ҳакима опага.

— Аввал юз-қўлларингни ювиб олгин... — деди онаси супага кўрпача соларкан.

Абдумутал қайсар бола, бориб пичоқни топиб келди-да, қовунни сўя бошлади. Буни кўрган Ҳакима опа ўғлининг қўлидаги пичоқни олиб, қовундан бир тилим кесиб берди.

Абдумутал ҳовлиққанича уни ейишга киришди. У шошилғанидан қовун шираларини бетларига суркаб-суркаб ер эди.

Шу вақт битта сап-сариқ ари қаердандир ғинғиллаб учеб келди-ю, унинг ўнг юзига құнди. У Абдумуталнинг юzlарини худди ялаётгандек түмшүғи билан исқаб күрди. Кейин, «Ке, сени чақсам бўлар экан», деб ўтқир найзасини боланинг бетига суқиб олди. Абдумутал юзини ушлаганича чинқириб қолди. Ари бўлса, «Тоза юрмаганинг жазоси шу», дегандек унинг атрофида бир-икки айланиб учди сўнг ғинг-ғинг қилиб узоқлаб кетди.

Орадан бир оз вақт ўтгач, Абдумуталнинг юзида қип-қизил ёнғоқдек шиши пайдо бўлди.

Шаҳло

Л. Маҳмудов

Шаҳлонинг бувиси ошхонада эди. Айвонда қўғирчоқ ўйнаб ўтирган Шаҳло ойнадан бошини чиқариб бувисини чақира бошлади:

- Буви, ҳой буви!
- Нима дейсан, болам?
- Бу ёққа қаранг.
- Бувиси ошхонадан чиқди...
- Ҳа?
- Келинг, қўғирчоқ ўйнаймиз?

Бувиси кулиб юборди.

- Вой, нима деяпсан, қизим қариганда қўғирчоқ ўйнай мени кўтарсан, ёш боламанми.

Шаҳло қўзларини катта-катта очиб бувисига қаради.

- Кеча ўзиз нима дедиз!
- Нима депман?
- Дадамга «Мен ҳам қарив ёш бола бўлиб қолдим», дедиз-ку.
- Ҳа, дессан нима қипти?
- Бола бўлиб қолган бўлсангиз, келинг, қўғирчоқ ўйнаймиз, деяпман-да.

Бувиси кула-кула ошхонага кириб кетди.

Шаҳло бармогини оғзига солганча бувисининг кетидан қараб қолди. Бувиси ҳам қизиқ, нимага кулди.

Шаҳлонинг бувиси Шаҳлонинг ойисига:

— Бир қошиқ аччиқкина шўрва қила қолинг, — деди. Овқат пишар маҳал нима ҳам бўлиб Шаҳло ошхонага кирган эди, қозонга кўзи тушиб:

— Ойи, — деди ҳайрон бўлиб.

— Нима қизим?

— Нега бувимнинг айтганларини қилмадингиз?

— Вой, ана, — деди ойиси — шўрва қиляпман-ку. Шаҳло лабини буриб ойисига қаради:

— Бувим бир қошиқ шўрва қилинг десалар, сиз бир қозон шўрва қиляпсиз-ку!

Оддий ўткинчи кампир

Ш. Саъдулла

Бир бола билан бир қизча кўчадан кетиб борардилар. Улардан сал нарида бир кампир ҳам кетиб бормоқда эди. Кўча жуда тойғоқ эди. Кампир бирдан тойиб кетиб йиқилди.

— Китобларимни ушлаб тур! — деди бола қизга ва қўлидаги сумкасини бериб, кампирга ёрдамлашиш учун юурди.

— Бувинг бўладиларми? — бола қайтиб келганидан кейин сўради қизча.

— Йўқ, — деди бола.

— Онангми? — ҳайрон бўлиб сўради яна қиз.

— Йўқ.

— Бўлмаса холанг бўладиларми? Ё танишингми?

— Вой, йўқ деяпман-ку сенга! — деди бола жилмайиб, — оддий ўткинчи кампир. Геч қандай танишлиги йўқ.

Дори

Қизчанинг онаси касал бўлиб қолди.

Доктор келиб қараса, қизчанинг ойиси бир қўли билан бошини ушлаб, иккинчи қўли билан ердаги ўйинчоқларни йи-

ғишириб юрган экан. Қизча эса курсичада ўтириб, ҳадеб она-сига иш буюрар экан.

— Сут бер!

Ойиси зўрға ўрнидан туриб, қизчага сут қуиб берар экан.

— Кўғирчоғимни олиб бер! Ботинкамни ечиб қўй! — деб бақирап экан қизча.

Доктор буни кўрибди-да:

— То қизча касал ойисига иш буюришни ташламагунча, у тузалмайди, — дебди.

Улоқча

A. Зайниддинов

Дам олиш куни Иброҳим холасиникига борди. Холасининг оқ эчкиси учта улоқча туқсан экан. Иброҳим кечгача оппоқ улоқчаларнинг ёнидан жилмади. Уларнинг сакраб-сакраб ўйнаши Иброҳимга шунақаям ёқиб қолибди-ки, бошқа ҳар қандай ўйин бунинг олдида ўтаверсин эди.

Кечки пайт холаси:

— Бигтасини берсам боқсанми? — деб сўрабди.

— Боқаман, холажон, суг бериб боқаман.

— Яхши боқсанг, танлаганингни ола қол, — деди холаси.

Иброҳим пешонасида тангадек қора қашқаси, томогининг тагида иккита кўнғироқчаси бор улоқчани танлади. Унга дарров «Момиқ» деб ном қўйди.

Лекин уйига олиб келганида иш ёмон кетди. Момиқ оғзига соска ўрнатилган шишага қайрилиб ҳам қарамади. Ҳадеб «м-м-мс», — деб нолирди.

Эртасига ҳам, индинига ҳам аҳвол шундай бўлди. Зўрлаб оғзига қуйилган сутнинг кўпи ерга тўкиларди. Иш чатоқ. Момиқ ҳали бошқа овқатни еёлмайди, очлиқдан ўлиб қолса, холасига нима дейди ахир.

Иброҳим кечаси билан шу ҳақда ўйлаб чиқди.

Эрта билан бир тахта фанерни кўтариб, Самадларникига йўл олди. Самаднинг акаси рассом. Ундан илтимос қилиб, ҳалиги фанерга оқ эчки расмини ишлатиб олди. Кейин уни

аррача билан қирқиб олди. Эчки шаклига суюқ хамир суртиб, устидан оппоқ паҳта ёпиштириб чиқди. У қуриган елинининг бир учини тешди. Илиқ эчки сути солинган шиша учидаги сўрғични ўша тешикдан ўтказиб, Момиқнинг яқинига олиб борди. Ўзи шаклининг орқасига яшириниб: «м-м-ме», — деди.

Момиқ дик этиб ўрнидан турди-да, думини ликиллаталикиллата сўрғични топди ва чапиллатиб эма бошлади.

Иброҳим ўзида йўқ хурсанд эди...

Мақтанчоқ

Karim Raҳim

Ортиқ билан Назар тортишиб қолди.

— Мен ҳеч нарсадан қўрқмайан, — деб керилди Ортиқ.

— Агар хоҳласам, мана шу ариқقا ҳам тушиб юра оламан.

Шундай деб Ортиқ балчиқقا тушди-да, лойни чапиллатиб у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

— Сен ҳам туш, — деди у ўртоғига.

— Тушардим-ку, ҳамма ёғим лой бўлади-да, — деди Назар.

— Вой қўрқоғ-ей, — деб масхара қилиб кулди Ортиқ. Шу пайт кўчанинг нариги бошидан шоҳлари буралиб кетган бир эчки кела бошлади. Бир чол эчкини ушлаб ололмай, кетидан ҳассасини судраганча лапанглаб чопиб келарди. Ортиқ уни кўриб жуда қўрқиб кетди ва додлаганича қочиб қолди. Лекин Назар қочмай ерда ётган новдани олди-да, эчкини йўлини тўсиб, орқага қайтара бошлади. Эчки қаёққа қочишини билмай тўхтаб қолди. Шу пайт чол этиб келиб, эчкини ушлаб олди ва Назарнинг елкасига қоқди, кейин кўчанинг бошида турган Ортиқقا эшитиларли қилиб:

— Умрингдан барака топ, ўслим. Отангга раҳмат, қўрқмас бола экансан, — деди.

Одоблиман

Халил билан Комил эшик олдида қум ўйнаб ўтиришар эди. Уларнинг олдидан ўрта ёшдаги бир киши ўтиб қолди. Бирдан Комилнинг эсига дадасининг айтган гапи тушди, у:

- Салом, амаки, — деди-да ўрнидан сакраб турди.
- Кўп яша, ўғлим, кўп яша. Жуда одобли бола экансанда, отангга раҳмат! — деди ҳалиги киши. Кейин нима учундир Халилга қараб бошини қимирлатиб қўйди.
- Ана кўрдингми, мен одобли боламан, — деди хурсанд бўлиб Комил, — дадамга раҳмат дедилар. Сенга бунаقا демадилар.
- Ҳа, билар экансан, — деди бирдан Халил пешонасини тириштириб, менга ҳам айтдилар!
- Айтмадилар!
- Менга айтдилар!
- Айтмадилар!
- Бўпти юр сўраймиз, — деди Халил ҳалиги киши кетаётган томонга қараб. У киши унча узоқлашиб кетмаган экан.
- Амаки, тўхтанг! — деганларича Комил билан Халил чопиб кетишиди.
- Болаларнинг товушини эшитган киши ҳайрон бўлиб орқасига қаради-да тўхтади.
- Мени одобли бола деб айтдингиз-а? — деди Халилдан олдин борган Комил.
- Менга қайси бирингиз салом берган бўлсангиз, шунга айтдим! — деди у киши кулиб.

Комил «ана кўрдингми» дегандек боши билан Халилга имлаб қўйди. Халил нима дейишини билолмай ерга қаради.

Шу пайт бир чол ўтиб қолди.

- Салом, ота! — дейишиди Халил билан Комил.
- Эй, саломат бўлинглар. Кўп ақлли, одобли болалар экансида, деди чол. Халил бўлса:
- Ана, мен ҳам одобли бўлдим, — деб қичқириб юборди севинганидан.

Томчи ҳақида эртак

Ўтқир Ҳошимов

Қишлоқ чеккасида, баланд тепаликда бир туп Ўрик ўсар экан. У ҳар йили одамларга кўп-кўп мева бераркан. Аммо

атрофида дарахтлар бўлмагани учун жуда зерикаркан. Бир куни эрталаб Ўрик уйғонса, япроқларида бир нарса ярақ-ярақ қилиб турганмиш.

— Сен қанақа қушсан? — дебди Ўрик ҳайрон бўлиб.

— Мен қуш эмасман. Мен — Томчиман, — дебди бояги ярақлаб турган нарса.

— Кел, ўртоқ бўламиз, — дебди Ўрик.

— Бўпти.

— Аммо кетиб қолмайсан, — дебди Ўрик. — Бўлмаса қушлардан ҳам ўртогим кўп-у, ҳаммаси куз келиши билан қочиб кетишади.

— Майли, — дебди Томчи. — Мен энг қийин пайтда сенинг ёнингда бўламан.

Ўрик жуда суюниб кетибди. Икки ўртоқ кун бўйи маза қилиб ўйнашибди. Лекин Ўрикнинг қувончи узоққа бормабди. Эртасига эрталаб уйғонса, Томчи йўқ эмиш. «Томчи мени алдабди», — деб ўйлабди Ўрик хафа бўлиб. Энди шундоқ деб турган экан, бирор уни чақирибди.

— Ўртоқжон! Ҳой, Ўртоқжон!

Ўрик қулоқ солса, товуш осмондан келаётганмиш. Осмонга қараса, дўмбоққина, оппоқ будут сузиг кетаётганмиш.

— Мени ким чақирияди? — дебди Ўрик шохларини силкитиб.

— Мен, сени дўстингман! — дебди булут борган сайин паастлаб. — Мен — Томчиман.

Ўрик ҳайрон бўлибди:

— Қандоқ қилиб осмонга чиқиб олдинг?

— Мени офтоб бобом булатга чиқариб қўйди.

— Мениям опкет, — дебди Ўрик ҳаваси келиб.

— Йўқ, сен одамларга мева беришинг керак. Кўрқма, мен ҳам яқинда қайтиб келаман.

Томчи шундай дебди-да, булатга миниб, олис-олисларга кетиб қолибди. Ўрик яна зерика бошлабди. «Ўртогим энди келмайди, деб ўйлаб хафа бўлиб. — Осмонга чиқиб, мени унугиб юборди».

Кунлар борган сайин исиб, Ўрикни росаям сув ичгиси келибди. Чанқаганидан япроқлари шалпайиб қолибди. Сув ичай деса, яқин орада биттаям ариқ йүқ эмиш. Охири у шундоқ чанқабдик, хушидан кетиб қолибди.

Бир маҳал бирор унинг япроқларини силагандай бўлибди.

Ўрик кўзини очиб қараса, япроқ устида Томчи турган эмиш.

— Мен сенга ёрдам бергани келдим, — дебди Томчи. У шунаقا кўп ўртоқларини бошлаб келган экан, ўрикнинг чанқоги бир пасда босилиб, яйраб-яшнаб кетибда. Иккала дўст роса ўйнабдилар.

Кўнлардан-кун, ойлардан-оий ўтаб куз келибди. Ўрикнинг япроқлари тўкилиб, яланғоч бўлиб қолибди. Бу ҳам камлик қилгандек, изғирин шамол эсибди. Ўрикнинг аъзойи бадани музлай бошлабди.

Томчи бўлганида ёрдам берарди, — деб ўйлабди Ўрик афсусланиб. Шундоқ дейиши билан осмондан бир вақтлар Томчини кўтариб юргандек булутлар пайдо бўлибди. Булутлар қуюқлашаверибди, қуюқлашаверибди, охири қор ёғиб юборибди. Қор унинг шохларини кўрпадек ўраб олибди.

— Қалай, исиниб қолдингми, Ўрикжон?

Ўрик Томчининг товушини дарров танибди. Аммо ўзини кўрмабди.

— Қаердасан, Томчи? — дебди шохларини силкитиб.

— Қорнинг ичидаман, — дебди Томчи кулиб, — қарасам, совқотиб қолибсан. Қорни бошлаб келдим.

— Энди кетиб қолмайсан-а? — дебди Ўрик ялиниб.

— Йўқ, баҳоргача сенинг ёнингда қоламан.

Ўшандан бери ўрик одамларга кўп мевалар берибди. Томчи кўп элларни кезибди. Аммо у қаерда бўлмасин, қийин ва зарур пайтда дўсти — ўрикнинг ёнига келаркан.

Таъзирини еди

Х. Аҳророва

Рустамни танийсизми? У нуқул жониворларга озор бергани-берган. Бир қарасангиз мушукнинг думига тош бойлаб

қийнаётган бўлса, бир оздан кейин товуқقا кесак отиб, қувлаётган бўлади. Куни кеча жуда қизиқ бўлди: Рустамга дадаси ўйинчоқ самолёт олиб берди. Самолёт бўлганда ҳам худди ростакам самолёт. Рустам роса севинди. У самолётни кўтариб: «ғув-в-в-в-», деб ҳовлиниң у бошидан бу бошига югурга берди. Олапар деган кучукчаси эса Рустамнинг орқасидан занжирини узгудек бўлиб талпиниб, хура бошлади. Буни кўриб, бир нарсани эслагандек тақа-тақ тўхтади.

— Менга қара, Олапар, — деди у, — бу самолёт эмас, ракета, сен пассажир бўласан. Ўтири, сени осмонга учирман.

Кучукча Рустамнинг нима деганига тушунмаса-да, думини ликиллатди, олдинги оёғини кўтариб, Рустамнинг қўлини ялади. — Чиқ, ўтири, сени Ойга учирман, — деди Рустам яна, кучугининг бўйнидан тортиб.

— Нима қилаётибсан ўзинг? — деди синглиси Санобар. — Олапар катта-ку, самолёtingга сифадими? Рустам кучукчани баттар қийнай бошлади. — Чиқ! Чиқ деяпман сенга, — деди у ва қўлидаги ўйинчоқ билан кучукчанинг бошига бир тушириди. Кучукча вангиллаб ўзини четга олди. Рустам бўлса, кучукни ушлаб олиб яна урди.

— Мана, гапимга кирмасанг, мана!

Олапар калтақдан қўрқиб, Рустамнинг атрофида гир-гир айланиб қочаверди. Бир маҳал занжир Рустамнинг оёғини ўраб қўмирлатмай қўйди.

Рустам жаҳл билан кучукнинг бошига яна бир туширган эди, Олапар жон ҳолатда ўзини олиб қочди. Занжир бир тортилиб, Рустам «гўп» этиб ерга йиқилди, қўлидаги самолёти учиб кетди. Санобар бўлса:

— Ажаб бўйти, хўп бўлти, кучукни урганингга йиқитдику, — деб чапак чалди-да, кейин югуриб уйга кириб кетди.

Агар Санобар ойисини чақириб чиқмаганида Рустам ҳалибери оёғини занжирдан бўшата олмас эди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Левина Р.Е. «Основы теории и практики логопедии» –
Москва. Просвещение. 1968.
2. Мұмінова Л. «Логопедия» Тошкент 2006 й.
3. Аюпова М.Ю. «Логопедия» Тошкент 2007 й 2011 й.
4. Раҳмонова В.С. « Дефектология ва логопедия асосла-
ри»1991 й.
5. Шомаҳмудов Р.Ш, Мұмінова Л.Р. «Болалар нутқидаги
нуқсонлар ва уларни бартараф этиш» 1993 й.
6. Аюпова М., Мұмінова Л., Раҳмонова В., Шомаҳмудо-
ва Р. Нуркелдиев Д. «Логопедия» 2007 й.
7. Аюпова М.Ю., Ҳамидова М.Р. «Мактабгача тарбия маҳ-
сус методикаси»
8. Шодиева К.С. «Мактабгача ёшдаги болаларни түғри та-
лаффузга ўргатиши». 1995 й.
9. Миржалалова. С.С., Расурова М.Ш., Шарипова Р., Иб-
рагимова Д.З. Чаброва Т.А. «Болажон таянч дастури». Тошкент
2010 й.
10. Ҳожиев А.Т. «Имло луғати». «Ўқитувчи» 1981 й.
11. Да.А.Нуркелдиева ва Я.Е. Чечериналарнинг «Илк мак-
табгача ва кичик мактаб ёшидаги болаларни психологик, пе-
дагогик ва логопедик текшириш». 2007 й.
12. Фозиева С., Долимова Л. Т. «Кичкингойлар учун хресто-
матия». Ўқитувчи. 1988 й.
13. Фозиева. С.Очилова. Д. Долимова. Л. «Бадий терма ки-
тоб». «Ўқитувчи» 1993 й.
14. Шамуратова.З.У. «Товушларнинг меъёрий талаффузи».
2007 й.

Мундарижа
Мундарижа

Муаллифдан 3

I БОБ. ТОВУШ ҲАҚИДА ТУШУНЧА 5

Меъёр талаффузига ўргатиш босқичлари 6

Меъёр ҳосил қилиш жараёнига кўйилган талаблар 7

Икки товушлар билан ишлаш 8

Нутқ аппарати камчиликларини аниқлаш ва меъёрга келтириш 9

Тил ости юганчасини текшириш йўллари 9

Умумий артикуляция машқлари 12

Якунловчи машқ 19

Зондлардан фойдаланиш 19

Зондлар 22

II БОБ. МЕЪЁРИЙ ТАЛАФФУЗ ВА ТАЛАФФУЗ БУЗИЛИШ
ТУРЛАРИ. СИГМАТИЗМ 23

Сирғалувчи «С» ва «З» товушлари 23

«С» товушининг нотўгри талаффуз турлари 23

«С» товушининг меъёрий ҳосил қилиш усуллари 25

Меъёрдаги «С» товушини бўғинларда мустаҳкамлаш 31

Меъёрдаги «С» товушини сўзларда мустаҳкамлаш 32

«С» товуши иштирокидаги умумий ўзлаштирилган сўзлардан
тузилган жумла ва гапларни машқ қилиш 35

Қоғияли соф нутқ машқи 35

«С» товушига топишмоқлар 36

«С» товуши иштирокида тез айтиш 37

«С» товуши иштирокида шеърлар 38

«З» товушининг меъёр талаффузи 38

«З» товушининг нотўгри талаффуз турлари 38

«З» товушининг меъёёр ҳосил қилиш усуллари 40

Меъёрдаги «З» товушини бўғинларда мустаҳкамлаш 47

Меъёрдаги «З» товушини сўзларда мустаҳкамлаш 47

«З» товуши иштирокидаги умумий ўзлаштирилган сўзлардан
тузилган жумла ва гапларни машқ қилиш 51

Қоғияли соф нутқ машқи 51

«З» товушига топишмоқлар	52
«З» товуши иштирокида шеърлар	54
«С» — «З» товушларининг дефференцияси	54
«С» — «З» товушларининг бир бўғинда талаффуз қилиниши	54
«С» — «З» товушларининг бир сўзда талаффуз қилиниши	55
«С» — «З» товуши иштирокидаги умумий ўзлаштирилган сўзлардан тузилган жумла ва гапларни машқ қилиш	55
Кофияли соф нутқ машқи	56
Шовқиали «Ш»	56
«Ш» товушининг меъёрий талаффузи	56
«Ш» товушининг нотўғри талаффуз турлари	57
«Ш» товушини меъёр ҳосил қилиш усуллари	57
Меъердаги «Ш» товушини бўғинларда мустаҳкамлаш	60
Меъердаги «Ш» товушини сўзларда мустаҳкамлаш	60
Умумий ўзлаштирилган сўзларда тузилган жумла ва гаплар	65
Кофияли соф нутқ машқи	65
«Ш» товушига топишмоқлар	66
«Ш» товуши иштирокида тез айтиш	67
«Ш» товуши иштирокида шеърлар	67
Коришиқ «Ч» ва «Ж» товушлари	68
«Ч» товушининг меъёрий талаффузи	68
«Ч» товушининг нотўғри талаффуз турлари	68
«Ч» товушининг меъёр ҳосил қилиш усуллари	69
Меъердаги «Ч» товушини бўғинларда мустаҳкамлаш	70
Меъердаги «Ч» товушини сўзларда мустаҳкамлаш	70
Умумий ўзлаштирилган сўзларда тузилган жумла ва гаплар	74
Кофияли соф нутқ машқи	75
«Ч» товушига топишмоқлар	76
«Ч» товуши иштирокида шеър	77
«Ж» товушининг меъёрий талаффузи	78
«Ж» товушининг нотўғри талаффуз турлари	78
«Ж» товушининг меъёр ҳосил қилиш усуллари	79
Меъердаги «Ж» товушини бўғинларда мустаҳкамлаш	79
Меъердаги «Ж» товушини сўзларда мустаҳкамлаш	80
Умумий ўзлаштирилган сўзларда тузилган жумла ва гаплар	84
Кофияли соф нутқ машқи	84
«Ж» товушига топишмоқлар	85
«Ж» товуши иштирокида шеърлар	85
«Ш» — «Ч» — «Ж» товушларининг дифференцияси	86

«Ш» – «Ч» – »Ж» товушларини бир бўғинда	87
талаффуз қилиниши	
«Ш» – «Ч» – »Ж» товушларининг бўзда	87
талаффуз қилиниши	
Қоғияли соғ нутқ машқи	87
Сонор «Л» ва «Р» товушлари	88
«Л» товушининг меъёрий талаффузи	88
«Л» товушининг хотўгри талаффуз турлари	88
«Л» товушини меъёр ҳосил қилиш усуллари	88
Меъёрдаги «Л» товушини бўғинларда мустаҳкамлаш	90
Меъёрдаги «Л» товушини сўзларда мустаҳкамлаш	90
Умумий ўзлаштирилган сўзларда тузилган жумла ва гаплар	96
Қоғияли соғ нутқ машқи	97
«Л» товушига топишмоқлар	98
«Л» товуши иштирокида шеърлар	99
«Р» товушининг меъёрий талаффузи	100
«Р» товушининг хотўгри талаффуз турлари	100
«Р» товушини меъёр ҳосил қилиш усуллари	101
Меъёрдаги «Р» товушини бўғинларда мустаҳкамлаш	102
Меъёрдаги «Р» товушини сўзларда мустаҳкамлаш	103
Умумий ўзлаштирилган сўзларда тузилган жумла ва гаплар	110
Қоғияли соғ нутқ машқи	111
«Р» товушига топишмоқлар	112
«Р» товуши иштирокида шеърлар	114
«Л» – «Р» товушларнинг дефференцияси	114
«Л» – «Р» товушларини бир бўғинда талаффуз қилиниши	114
«Л» – «Р» товушларини бир бўзда талаффуз қилиниши	115
Умумий ўзлаштирилган сўзларда тузилган жумла ва гаплар	116
Қоғияли соғ нутқ машқи	116
Тил орқа «К» ва «Г» товушлари	117
«К» товушининг меъёрий талаффузи	117
«К» товушининг хотўгри талаффуз турлари	117
«К» товушини меъёр ҳосил қилиш усуллари	118
Меъёрдаги «К» товушини бўғинларда мустаҳкамлаш	119
Меъёрдаги «К» товушини сўзларда мустаҳкамлаш	119
Умумий ўзлаштирилган сўзларда тузилган жумла ва гаплар	125
«К» товушига топишмоқлар	126
«К» товуши иштирокида тез айтиш	126
«К» товуши иштирокида шеърлар	126

«Г» товушининг меъёрий талаффузи	127
«Г» товушининг нотўгри талаффуз турлари	128
«Г» товушини меъёр ҳосил қилиш усуллари	128
Меъёргаги «Г» товушини бўгинларда мустаҳкамлаш	129
Меъёргаги «Г» товушини сўзларда мустаҳкамлаш	129
Умумий ўзлаштирилган сўзларда тузилган жумла ва гаплар	132
Қофияли соф нутқ машқи	132
«Г» товушига топишмоқлар	133
«Г» товуши иштирокида тез айтиш	133
«Г» товуши иштирокида шеърлар	133
«К» – «Г» товушларининг дефференцияси	134
«К» – «Г» товушларини бир бўғинда талаффуз қилиниши	134
«К» – «Г» товушларининг бир сўзда талаффуз қилиниши	135
Чуқур тил орқа «К» ва «Ғ» товушлари	135
«Қ» товушининг меъёрий талаффузи	135
«Қ» товушининг нотўгри талаффуз турлари	136
«Қ» товушининг меъёр ҳосил қилиш усуллари	136
Меъёргаги «Қ» товушини бўгинларда мустаҳкамлаш	137
Меъёргаги «Қ» товушини сўзларда мустаҳкамлаш	137
Умумий ўзлаштирилган сўзларда тузилган жумла ва гаплар	141
Қофияли соф нутқ машқи	142
«Қ» товушига топишмоқлар	142
«Қ» товуши иштирокида тез айтиш	144
«Қ» товуши иштирокида шеърлар	144
«Ғ» товушининг меъёрий талаффузи	144
«Ғ» товушини нотўгри талаффуз турлари	145
«Ғ» товушининг меъёр ҳосил қилиш усуллари	145
Меъёргаги «Ғ» товушини бўгинларда мустаҳкамлаш	145
Меъёргаги «Ғ» товушини сўзларда мустаҳкамлаш	146
Умумий ўзлаштирилган сўзларда тузилган жумла ва гаплар	149
Қофияли соф нутқ машқи	149
«Ғ» товушига топишмоқлар	150
«Ғ» товуши иштирокида тез айтишлар	150
«Ғ» товуши иштирокида шеърлар	151
«Қ» – «Ғ» товушларининг дефференцияси	151
«К» – «Ғ» товушларини бир бўғинда талаффуз қилиниши	151
«К» – «Ғ» товушларининг бир сўзда талаффуз қилиниши	152
Умумий ўзлаштирилган сўзларда тузилган жумла ва гаплар	152
Қофияли соф нутқ машқи	152

III БОБ. ТҮФРИ ТАЛАФФУЗНИ НҮТҚДА ФАОЛЛАШТИРИШ УЧУН ҚҰШИМЧА МАТЕРЕАЛЛАР	153
Шеърлар	153
Топишмоқлар	173
Тез айтишлар	181
Хикоялар	185
Фойдаланилган адабиётлар	195



Илмий-услубий нашр

ЛОГОПЕДИЯ

Мұҳарріп Назаров Т.

Техник мұҳарріп Солихова Д.

Бадний мұҳарріп Гурова Ж.

Компьютерда сақыфаловчи Комилов Б.

Рассом Мухамедов А.

Босишига 12,12 2012 й.да рұхсат этилди. Бічими 60x84 1\16.

Босма табоги 12,5. Шартлы босма табоги 11,62. Гарнитура «TimesUz».

Офсет қозғози. Адади 3 000 нұсха. Буюртма № 320

“Картография” илмий-инсталб өшкіриш

давлат корхонасыда нашр этилған

Бағоси көлишилгандарда.

«**C**» ва «**Z**» – сирғалувчи.

«**Ш**» – шовқинли.

«**Ч**» ва «**Ж**» – қоришиқ.

«**Л**» ва «**P**» – сонор.

«**K**» ва «**G**» – тил орқа.

«**Қ**» ва «**F**» – чуқур тил орқа.

- Товушларнинг маъёрий талаффуз ҳолатлари.
- Тўғри ва нотўғри талаффуз турлари.
- Тўғри талаффуз яратиш усуллари.
- Товушни мустаҳкамлаш учун маҳсус бўғинлар, сўзлар, жумла, гап, тез айтиш, топишмоқ шеър, қоғияли соф нутқи машқи ҳар бир товуш учун алоҳида танланган.
- Тўғри талаффузни нутқда фаоллаштириш учун қўшимча адабиёт сифатида болаларга мослари танланган.

Зарофат Уктамовна Шамуратова логопедия соҳасининг устоз олим-мутахасислари билан узвий алоқада иш фаолиятини юритаётган, назарий билимларни амалиётда қўллаш устида тинимсиз изланишлар олиб бораётган, ўз касбининг фидойиси.

Зарофат Шамуратова 2007 йил чоп этилган «Товушларнинг меъёрий талаффузи», «Товушлар талаффузини расмларда мустаҳкамлаш» каби методик қўлланмалар муаллифи.

Азиз ҳамкасларим ушбу китоб юзасидан билдиражак самимий маслаҳат ва таклифларингизни мамнуният билан қабул қиласиз ва келгуси ишларимизда албатта инобатга оламиз.

Муаллиф

ISBN 978-9943-4046-1-8

9 789943 404618